

Ҳабиб АБДУНАЗАР



ҚИССА
ВА
ҲИКОЯЛАР

ДАШТДАГИ ОЛОВ

2020/114 - A 82



ТОШКЕНТ – 2020



Jafar Asgari

Ҳабиб Абдуназар

ДАШТДАГИ ОЛОВ

Қисса, ҳикоя ва драбблар

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2020

Абдуназар, Ҳабиб.


Даштдаги олов: Қисса, ҳикоя ва драбблар /
Ҳ. Абдуназар – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги наш-
риёт-матбаа ижодий уйи. 2020. – 232 б.

Азиз китобхон, қўлингиздаги “Даштдаги олов” тўп-
лами – Сиз кутган китоб. Керак бўлса, – серсавол ҳаёт ҳақи-
да сиз излаган жавоблар шу ерда. Туғилиш, Яшаш, Улим –
бу инсоннинг қонунияти. Китоб мана шу қонуниятларнинг
моҳияти, сабаб ва оқибатлари ҳақида.

Умид қиламизки, “Даштдаги олов”нинг тафти сизнинг
ҳаётингизни, қалбингизни бир умр ёритади.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5У)6



ISBN 978-9943-6449-6-0

- © Ҳ. Абдуназар, 2020
- © Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2020

1048065
391

Қисса

Тармита гавхари



Дилинг пок булсин! Ниятинг пок булсин!
Йулинг пок булсин! Вужудинг пок булсин!
Вожиб шул булгайки, Юрт тугини уз бошингдан
аъло бил!..

ОҚ БУЛУТ

Тонг қоронғуси довул қокди. Жайхун нотинч чайқалди, тулқинлар шолоплаб қирғоқларга урилди. Қибла томондан эсан шамол қалъа устидаги туғларни силкилаб-силкилаб, сунг унга қулоқ тутгандек бироз сусайди. Туғлар бургут қанотларини қоққандек бир-бирига урилиб қаттиқ қарсиллади. Шамол яна кучайди. Бурғулар айиқдек укирди. Чор тарафдан ураб олган душманлар қалъага тинимсиз уқ уза бошлашди. Отлар пишкирди.

Малика Гавҳарбегим бошчилигидаги кирк нафар киз бир ойдан буён бу жангга ҳозирлик куришарди. Улар зумда туғ остида қўр гортиб, "...Албатта, Аллоҳ узининг йулида гўё туташ бинолардек саф тортиб, жанг қиладиган зотларни севар.." ¹ деган илоҳий сузларни баралла уқишди. Камон ва уқдонларини олиб, девор юзасидан енгилгина юрганча қалъа тепасида пайдо бўлишди. Улар душманга қарши аввал камондан уқ уза бошлашди, душман дарвозага яқинлашгач, тош отишга утишди. Бир зумда қиёмат кўпди.

Қалъа деворлари устида гоҳ куриниб, гоҳ кўринмай турган оппоқ либосли қизлар ғаним уқидан худди қушлар сингари ерга қуларди. Ёғий томонда ҳам навкарлар жасади бир-бирига қалашиб ётарди. Душман шоҳи қалъага айғокчилар юбориб, у ерда

¹ Қуръони карим. "Саф" сураси, 4-оят.

қирқ нафар навкар борлигини аниқлаган бўлса-да, қалъа тепасида гуё учиб юргандек пайдо бўлаётган оппоқ кийимли юзлаб навкарларни куриб, ваҳимага тушар, орқага чекинар, бир кун ўгиб ҳовуридан тушгач, яна қалъага ҳужум бошларди. Етти кун аёвсиз жанг бўлди. Ниҳоят қалъа дарвозаси очилиб, қонга беланган малика кўринди. У бошидан дубулғасини олганди, сочлари ёйилиб, елкалари оша сирғалиб белига чирмашди.

– Шоҳ билан якка курашмоқчиман, – деди у мағрур қиёфада, сарвдай хушбичим қаддини тик тутиб. – Чақир шоҳингни!

Шоҳ маликанинг шамолда ҳилпираб турган қўнғироқ сочларини куриб, ҳайрат тула кузларини унга тикди. Отдан сакраб тушди-да, қиличини кинига солиб, малика олдига келди ва пойига тиз чукиб, бош эгди.

– Сен ютдинг! – деди шоҳ. – Мағлубман. Аммо бу ердан қуруқ қайтаётганим йуқ, буюк мўъжиза – Тармита¹ гавҳарини кўрдим, шунинг ўзи етарли!

Шоҳ қалъага яқинроқ бориб, қонга беланиб ётган жангчилар ҳам соҳибжамол қизлар эканини билгач, чуқур хурсинди...

Сунг отига минди-да, қўшинларини олиб ортига қайтди. Камон ўқидан яраланиб, кўп қон йўқотган малика бор кучини жамлаб, олдинга бир қадам ташлаган эди, нозик гавдаси тебраниб кетди... Йиқилди. Унинг тепасида бир кесак оқ булут узун киприкларига илашиб қолгандек қотиб турарди.

¹ Т а р м и т а – Термизнинг қадимий номи.

Довул тинди. Қурқинчли, таҳдидли сукунаг бағридан гоҳо буғиқ йиғи, гоҳо қуйлар маъраши, отлар кишнаши эшитилди. Қалъа ҳовлисидаги тошсупада кекса гужум дарахтига маъюс нигоҳларини тикканча бир аёл утирарди. Румоли елкасига тушган, кўзлари сулғин... Гуё унга икки дунё бирдек эди. Гужумга келиб қўнган қушлар унинг хаёлларини бузмоқчи бўлиб тинимсиз чуғурлади. Шохлар қисирлаб овоз берди. Ногоҳ қадам товушлари, изидан майин бир овоз эшитилди:

– Маликам, падари бузрукворингиз келдилар.

Гулсума бу овоздан узига келиб, ўтирган жойида ортига бурилди. Енгинасида оппоқ кийинган, оқ соқолли фариштасифат чол турарди. Аёл сапчиб урнидан турди ва отасининг этакларини кўзларига суртиб, узини четга олди. Чол тошсупанинг бир четига оҳистагина чўкди.

– Одамнинг олур нафаси Малики субҳон илмида саноклидир, болам, – деди чол соқолини ўйчан силаб. – Биламан, Гавҳарбегимнинг вафотидан қаттиқ қайғудасан. Дунё гузарондир, илму ақл боқий қолгай, холос. Зулм ва бедодликлар биргина бизнинг бошимизда эмас, тириклик изи тушган жой борки, у ерда унинг қуюқ сояларини кўрасан. Гуноҳимиз тошибдими, Раббим бу балоларни бизга раво кўрди. Сабрли бўл! Бу ерга илм олиш ниятида етти иқлимдан ожизалар келмоқда... Сен нечук мусибат хижобини ураб узлат ихтиёр этибсан...

Гулсума ерга тикилган кўйи отасининг гапларини тинглар, хаёлидан эса Гавҳарбегимнинг қонга ботиб ётган жасади нари кетмасди. Аёл анчадан буён кафтида сиқиб турган бир парча қоғозни

тиззаси устига қуйиб, ғижим бўлган жойларини бармоқлари билан текислай бошлади. Илоҳий битиклар... Баъзи жойларида қорайиб қолган қон доғлари...

– Отажон, – деди киз гитрок овозда, – рухим синиқ, дилим қазғулуқ... Фирок ўти бутун вужудимни ўртамоқда. – У оний сукунагдан сўнг хўрсиниб яна деди:

– Мана шу қоғоз Гавҳарбегим қазо этганида ёнларида экан. Кўнглим айтар, унинг руҳи шу бир парча қоғозда кўним топгандек.

– Тавба қил кизим, – деди ота секингина томоқ кириб ўрнидан қўзғаларкан. – Тангрининг ҳукмига қарши чиқмоқ, бу гуноҳи азимдир. У Ёзғувчининг битиги эди, тақи сиёҳдонга қайтди...

Тоғ томонда бўри увиллади. Бироз ўтиб итлар хурди.

ДАРЁДАГИ ЁЛҒИЗ ҚАЙИҚ

Субҳи козиб.

Карвон Жайхун буйида тўхтади.

Карвон ортидан эргашиб келган бадавий шамол дарёга тушиб ҳовурини босди-да, сўнг Тармита устида сокин ва биллур булутларга дунди. Улардан сизиб ўтган нурлар шаҳар кўчаларини ёритди. Хутталону чағониёнлик савдогарлар от-араваларида қий-чув кўтарганча карвонга яқинлашди. Атроф ғала-ғовур, бозор қайнаб тошарди. Ипак йулига туташ бу бозорнинг қоқ ўртасида бошига қора чодра ташлаган қиз карвондан тушиб, у ёқ-бу ёққа аланглар, юкларини шошиб тушираётган баззозлар, халтасидан узун ханжарлари-ю билақдек оқ-сарик илонлар чиқариб, томоша кўрсатишга шайланаётган бозингарлар, кашкулларини уриб, қўшиқ қуй-

лаб юрган дарвешлардан ниманидир сураб-суриштириб, улар кўрсатган йўл билан дарё ёқалаб тугунчагини кўтарганча тез-тез одимлаб борарди.

Йўлда учраган одам эса қўлларини силтаб адашган мусофирга йўл кўрсатади:

– Шу дарё ёқалаб кетаверсиз, кетаверасиз, чинор чиқади, кейин уннга йўл – буриласиз, кейин буғдойзор, ундан утсангиз ка-а-атта қалъа...

Дарёга туташ ялангликда мухташам қалъа кўрингач, қиз қанотига қуш киргандек қадамини янада тезлатди. Сейистон биноларига ўхшаб кетадиган бу куркам қалъа туртбурчак шаклда қурилган бўлиб, чор атрофи толхин¹, зардоли, хурмо, куви² ва бошқа турли мевали дарахтлар билан ўралган эди. Тоғ этакларигача чузилиб кетган тарвуз, бодринг пайкаллари, хушбуй ўтлар ҳидига коришиқ шудринг ифорлари, дарёдан эсиб турган салқин шабада киёнинг баҳри дилини очиб юбордими қалъа рупарасида тухтаб, дарё бўйидаги харсангга чукди ва ўйлади:

– Мардумлари ҳам, йуллари ҳам бир хил. Фақат бунда чинорлар куп экан. Дарё эса...

Жайхун тулқинлари жонли қоялардек осмонга сапчиб, иссиқ қум остида мудраб ётган тирикликни уз оламига чорлайди, ҳайқиради: шовуллаб дарёга тушаётган сарпойчан қамишлар, туқайзордан чиқиб сув ичгани судралиб келган юлғун, қиёқ, теракжийда; ҳар замонда куриниб қоладиган қамиш мушуги; дарёни кесиб утаётган хонгули; тулқинлар узра чарх ураётган қирғовул, тустовуқ, тасқара, қирғий; юлғунга чирмашган сувилон, соҳилдан узоқлашиб, танҳо орол сари ошиқаётган тошбақа... Буларнинг барча-

¹ Толхин – банан.

² Куви – киви.

барчаси Зайтуна завқланиб тикилиб турган олам – дарё – жаннат ариғининг кароматлари эди.

Қиз рупарасидан келаётган эшак минган чолга кузи тушгач, урнидан сапчиб туриб, унга юзланди:

– Бобо, бу атроф жонибда бошқа тура¹ йуқми?

– Йуқ, шу, – деди чол гапни калта қилиб. Сунг гүё ортидан биров қувиб келаётгандек эшагининг бикинига товонлари билан нукиб, янада тезроқ юришга ундади.

Зайтуна яна харсангга чукиб, дарёга термулди. Ҳиндикуш тоғлари музликларидан йўлга чиққан бу дарё тик кутарилган қояли тоғларни айланиб утиб, жушқин ирмоқларни эргаштирганча олдинга интилади. Қишда дарёнинг юқори оқимида, асосан, қирғоққа яқин жойлари музлаб, шовуш боғлайди ва қисқа муддат харсангдай-харсангдай музлар оқадди, баъзи жойларда қиш қаттиқ келган йиллари эса ёппасига музлайди. Эрта баҳорда, айниқса, узан кескин бурилган ва тор жойларда муз тикилиб сув сатҳи кескин кутарилади; баъзан тошқинга сабаб бўлади. Жайҳуннинг тулинсув даври баҳорда юз беради, қишга бориб оқим пасаяди.

Туғон ва дамбаларини бир неча бор бузиб, бошқа ёқларга юз бурган бу саркаш дарё Тармита яқинида иккига бўлингач, уртада орол ҳосил қилганча қадим узани – Орол сари ошиқади. Асрлар оралаб юрган йиллар бу дарё ҳақида ривоятлар туқийди, афсоналар айтади.

Зайтуна онасининг гапларини эслади:

– Зулкифл алайҳиссалом, – деганди ушанда онаси унинг майин, қўнғироқ сочларини силаб, дарё томонга ишора қиларкан, – қазосидан суғин уз жасадини қайиққа солишларини, дарёга оқизиб юбориш-

¹ Тура – қалъа.

ларини, қаерда тухтаса, уша ерда дафн этишларини васият қилибдилар. Қайиқ дарё уртасида тухтаб қолибди. Шунда дарё тубидан орол қалқиб чиқибди. Ялавоч шу оролга дафн этилибди. Шундан бери у жойини Жазираи набий дейишаркан.

– Қайиқ-чи, қаерда тухтаган экан? – ҳайратланиб сурайди қизалоқ.

– Ҳов, узоқда, “Қирққиз” деган туранинг илакида¹ тухтаган эмиш...

Қиз бу ривоятни энди, гуё дарёнинг узидан эшигаётгандек, пуртаналар шовурига қулоқ солиб жимгина тинглаётгандек ўтирарди.

Кайкитоғнинг кенг елкалари, унинг бағрида бир-бирига суянган яланғоч қоялар тизмаси ғира-шира тонг ёруғида кузга ташлангач, Зайтуна урнидан туриб, елкасига тушиб қолган румолини бошига уради-да, қалъа томон юрди. Ҳайбатли дарвозага яқинлашгач, унинг пештоқида турган гуғни курди-ю, яқинроқ бориб, арабий ёзувларга куз югуртирди: *“Дилинг пок булсин! Ниятинг пок булсин! Йўлинг пок булсин! Вужудинг пок булсин! Вожиб шул булгаики, Юрт тугини уз бошингдан аъло бил!..”*

Қизнинг қоп-қора шахло кузлари чарақлаб кетди. Шошиб ислимий нақшлар билан безатилган гулчин дарвозага яқинлашган эди ҳамки, бир йигит қалъага кириш йулаклари четига экилган дарахтларга сув очаётганини куриб қолди. Буйчан, қора қошлари бир-бирига туташган, сочлари елкасини ёпган, эғнига оқ ятак кийиб олган бу йигит қизнинг тикилиб турганини кўрди-ю, кетмонини манъжу² дарахтига суяб, кунчиқарга

¹ И л а к и д а – ёнида.

² М а н ъ ж у – манго.

қараб кетди. Қиз дарвозага яқинлаша туриб, яна беихтиёр у томонга қаради. Йигит аллақачон куздан ниҳон булган эди.

Шу пайт қалъа томондан келган таҳдидли овоз уни чўчитиб юборди:

– Тухта! Кимсан?..

Қиз ёнига угирилиб қалъа девори-ю дарвозасида турган соқчиларни курди. Гуикус қирғийнинг овозига ухшаш ғалати товушлар ва унинг изидан аллақандай қушларнинг сайроғи эшитилди. “Бу соқчиларнинг бир-бирига йўллаётган пайғоми булса керак”, уйлади қиз. Баъзан тоғда у ҳам дустларини шундай овоз бериб чақирар эди. Хушёр тортиб, у ёқ-бу ёғини туғрилаган булди ва хаёлига келган фикрдан хотиржам тортиб, дарвоза олдида тухтади ва деди:

– Мусофирман...

Соқчилар унинг кимлигини, қаердан келаётганини сураб-суриштириб билгач, дарвозанинг темир илгичларига урнатилган ғулани олиб, дарвозани очишди.

Бироз утиб ичкаридан елкасига ташланган ҳаворанг ёпинчиғининг қора уқаларини бармоқ учлари билан ушлаб олган озғингина қорача аёл куринди. Қиз ҳаяжонландими, титраб гурган қўлларини яширишга уриниб, тугунчагини орқасига бекитганча шошиб салом берди. Аёл бошқача талаффузда саломга алик олди-да, ичкарига таклиф этди; уғузча гапиришидан унинг ҳам мусофирлиги шундоққина сезилиб турарди.

Қиз бошини бироз эгиб, ташқаридан бемалол куриниб турган гузал анвойи гулларга бурканган қалъа ҳовлисига бир қур назар ташлади-да, сунг ичкарига қадам босди.

Аёл уни жануби-шарқий йулакча билан боғланган уч устунли катта мусофирхона ҳовлисидаги боққа бошлади. Қиз йул-йулакай турфа гиёҳларни куриб севиниб кетди: қариқиз, ардабил, чучукмия, андиз... У тоғларда эрта баҳордагина буладиган, узидан гул ҳиди таратиб турган лолани куриб хайратини яширолмади:

– Лолаи гулбуй?! – деб шивирлади.

– Дашти Шайҳда, – изоҳлади Бибисора, – бир парча ерда усади. Бошқа жойда йуқ. Сунг ёнидаги экинларга ишора қилди: – Муна бу ажиб турун¹ни эса ардабиллик қизлар олиб келиб экишган. Баъзинжон² эса Исудан...

Аёл уни хушбуй гулларга бурканган тошли йулак буйлаб кенг боғ саҳнига олиб чиқди. Зайтунанинг нигоҳлари ҳарир турпарда билан уралган яшил кушк устида пешонасига тиллақош қундириб олган кузлари тим қора, жингалак зулфлари ёноқларини упган, абрукамон оқ либосли аёлга тушди. У яшил муқовали Мусҳаф уқиб утирарди.

Аёл китобдан бошини кутариб, Зайтунага қаради ва Бибисорага рухсат дегандек киприкларини ҳилпиб ишора берди. Бибисора таъзим қилиб, ортига қайтди. Аёл этакларини йиғиштириб, баркут курпачани кафтлари билан силаб олди-да, қизга жой курсатди. Зайтуна салом бериб, унинг ёнига чукди.

– Жайхун ортидан, – деди қиз кузлари туқиган маъноли нигоҳларини аёл пойига тушаркан, – Жузжон³дан, илм талабида...

¹ Турун – турп.

² Баъзинжон – бақлажон.

³ Жузжон – Афғонистоннинг қадимий номи.

– Ҳуш курдик, – деди аёл чуқур нафас олиб, кумуш жомдаги шарбатни қизга узатаркан, – Бу даргоҳда сабоқ олаётган қизларимизнинг купӣ элкин¹. Ғазна-ю Суса, Марву Шир-у хуллас, етти кишвардан келишади...

Гулсума сузини тухтатиб, кизнинг ёниб турган коп-қора шахло кузларига, кулча юзларига, ҳар замонда бир пайдо бўлиб тезда ғойиб бўладиган кулгичларига бироз қараб турди-да, сунг унинг оиласи, юрти ҳақида сураб, яна суҳбатга чорлагандек бўлди. Лаҳзалик сукунатдан ийманиб, қафасга тушган кушдек ҳуркиб турган қиз илк курганда салобати босган бу аёлнинг руҳиятидаги пинҳоний илиқликни сезгач, у билан тезда чиқишиб кетди. Гурунг қизиб, суҳбат мавзуси қалъага ўтди.

– Турани бобом ҳазрати Башир Танзила момомга ҳадя этганлар. Тангрим уларни ўз раҳматига олган бўлсин, – деди аёл. Сунг ёқаларини туғрилагандек гарданини сирпалаб, кукрагига қадалган кумуш туғнагич устидан бармоқлари билан босиб-босиб қўйди. Қиз ҳам беихтиёр унинг ҳаракатларини такрорлади: зулфларини тузатган бўлди, ёноғини силаб, ҳозиргина ўзи чиқиб келган қалъанинг нақшинкор устунларига қаради. Уни зимдан кузатиб турган аёл яна қалъани таърифлай кетди: – Ўзи бир поя бўлса ҳам, асосий хоналарга икки пояли йулаклардан ўтилади. Юртимизга бурун ҳам келганмисиз?

– Йўқ, илк бор келишим, харитада курганман, – деди қиз курсаткич бармоғи билан ҳавода аллақандай шакл чизиб. – Кушга ухшатиб чизилган харита эди. Тумшуқ томонида тура ва Жайхун... Гуё куш дарёдан сув ичаётгандек.

¹ Э л к и н – мусофир.

– Қуш дедингизми? – жилмайди Гулсума. – Ҳаққу рост, монанд экан. Мен ҳам турани қуш дейман. Бу қушчани тутаман деб сайёд Мусо ибн Абдуллоҳ¹ бир неча бор от сурган, аммо ҳар келганида излаб тополмаган. Ҳақ таоло илм истовчиларни Ҳузи асрар экан.

Гулсуманинг қулиб турган қушлари бирдан ғамгин ва жиддий тус олди, киприклари, уйлар оғирлик қилдими, оҳиста ерга эгилди. Дилозор жимлик узоққа қузилмади, шекилли, у тезда узини ўнглаб, бошини қўтарди-да, синиқ жилмайганча бошқа гапга ўтди:

– Ёғий ҳужуми руҳимизни чуқтирди, яқинларимиздан айирди... – кипригидаги уйлар шаффоф ҳалқалар – қуш ёшларга айланиб қушларига юмалади. – Туранинг уз сирлари бор. Хиёнаткор кимса эса... – у упкаси тулиб қушларини охиригача етказолмай нигоҳларини бошқа ёққа олиб қочди.

Бу ерда қушгина сирлар ўта махфий тутилиши шарт эди. Қалъа сири билан боғлиқ ғаройиб воқеалардан воқиф бўлган қиз узини эртақлар оламига тушгандек ҳис этди. Айниқса, Гулсуманинг шоҳ қушидан қочиб, ғорга кириб қўйиб бўлган қизлар ҳақидаги ҳикояси Зайтунанинг қалбини тулқинлантириб юборди; яна бир оғиз гапирилса, йўғлаб юборадиган алфозда турган қизни дарахтдан дарахтга учиб ўтган қушнинг ваҳимали қанот қўқиши ўзига келтирди. Ортидан аллақандай қушлар овоз берди; мусича ғуриллади.

Қуш пешинга оғди. Улар қушқдан тушиб, қалъанинг шимолга қараган қисми – иккита бир хил тузилган уч томони йўлак билан ўралган толибаларга ажратилган махсус хоналардан бирининг эшиги олдида тўхташди. Гулсума қулидаги китобнинг

¹ Мусо ибн Абдуллоҳ – арабларнинг қайсийлар қабиласи сардори.

орқа-олдини куздан кечириб, варақлаган бўлди, сунг ниманидир тез уқиб олишга урингандек қизга қаради. Бошини бир томонга хиёл эгганча, муғом-бирона жилмайиб турган Зайтуна шу тобда унга малика Гавҳарбегим ва узининг ёшлигини, толибалик даврини эслатди; уйлар уни бир лаҳза болаликнинг беғубор тонгларига олиб кирди.

Зайтуна эса худди шу лаҳзада алланечук бир ички савқи табиий билан аёлнинг хаёлида жонланган воқеанинг суратини яққол курди: Жайхунга гуташ тепалик ортида муъжаз кулба ва унга яқин оролда гоҳ ой ёруғида мук тушиб ибодат қилаётган, гоҳ дарё буйлаб асосига суяниб беозоргина қадам ташлаётган қария куринади. Орол этакларига сурув ёйган икки чўпон қарияни бир-бирига курсатиб дейди: “Эшитдингми, Хужаи Хизрдан сабоқ олиб қайтаётган бу олий зот Дорулҳикма хожаси, тариқат пешвоси, табобат ва илми нужумнинг пири – Муҳаммад Ҳаким эмиш”. Қария ёнида туққиз яшар қизалоқ пайдо булади. Бу – Гулсума. У отасининг ҳаракатларини такрорлаб, атрофида гирдикапалак булади. Осмон пардалари йиртилиб, тун қора ҳижобини ечганда Авлиё бомдод намозини тугатиб, урнидан туради. Унга тақлидан кулбанинг бурчагида ибодат қилаётган қизини куради. “Изиё, дуоларим Сенга етиб борди, ижобат булди!” дея йиғлайди. Қизча эса қаттиқ қурқувга тушиб, кузларида ёш билан унга қарайди. “Ота-ота! – дейди. – Қиёматда яшиқ¹ ураб қуйилар эмиш! Юлдузлар дувиллаб тукилар эмиш! Тоғлар ҳам қулар эмиш!” Ота ҳам кўзига ёш олади. “Қизим, – дейди қизалоқнинг қирқта қилиб урилган зар кокилларини силаб, – бу ғам Пайғамбаримизни ҳам йиғлатган, сочларига оқ туширган эди...” Қиза-

¹ Я ш и қ – қуёш.

лоқнинг юзлари тулин ойдек ёришади. “Ота-ота! – дейди. – Изи¹ олтин сурилари бор жаннатни ваъда қилибди. Марварид ариқларидан ширу бол оқиб тураркан!” Отанинг ҳам юзларига қувонч югуради. Қизини етаклаб Дорулҳикмага элтади. У ерда кора изора ортидан ҳам нур таратиб турган соҳибжамол чиқиб келади. Ота унга: “Илм олмоғини истайман”, – дейди. Қабоғига тушган қалин қошларини тепага силаб-силаб қуяди. – Кузим очиклигида курсам дейман”. “Ё насиб”, – дейди изорапуш соҳибжамол. Сунг тиз чуқиб, отанинг яктаги ўнгирларини кузларига суртади...

Гулсума бўйи етгач, отасининг муносиб шогирди Сомон Ашурга никоҳланди. У бугун ана шу қалъанинг маликаси улароқ, Зайтунанинг қаршисида турарди. Унинг ҳудудсиз меҳр билан жилмайиб айтган гапи Зайтунанинг куз ўнгидан ўтаётган манзараларнинг дарвозаларини ёпиб қуйди:

– Бу ҳадя! – деди аёл қулидаги муъжазгина китобни Зайтунага тутқазиб. – Хайрли бўлсин!

– Илоҳим, – Зайтуна китобни оларкан қаддини хиёл эгиб, яна бир бор миннатдорлигини билдирди.

Зайтуна ётоқхонага кирасолиб эндигина китобат қилинган, хали сиёҳ ҳиди кетмаган китобнинг илк саҳифаларига куз югуртирди: “Бугун шундай қолар, эртадан хабардор бўлинг...”. У кузларини юмиб, ниманидир эслашга уринди: бу сузларни қаерда эшитган? Кимдан? Эслолмагач, китобни ёпиб хужра уртасидаги сандал дарахтидан ясалган айлана хонтахта устига қуяркан, шойи қурпачада Мусхаф уқиб ўтирган Гулсумани куриб оғзи ланг очилиб қолди.

– Сиз?... – деди-да, ҳозиргина ўзи ёпиб кирган хужра эшигига ишониб-ишонмай қаради. Яна шойи

¹ И з и – Худо.

курпача устига куз ташлаб, у ерда ҳеч ким йуклигини кургач, бир ҳайрати ун бўлди. Хаёлмикин деган уйда буш курпачага тикилиб қолди.

– Хаёл экан, – деди узиача. Бироқ парёстик устида ҳалигина Гулсума варақлаб утирган яшил муқовали Мусҳаф турганини қуриб, ёқасини ушлади. Сунг хонага синчиклаб боқди. Деворларга товус ва бодом-нуса гуллар солинган сузана, хона гури – тахмон қисмининг юқорисига эса дорпеч тutilган; икки томонига эшикка ёвуқроқ жойга чироқдонлар ўрна-тилган. Зайтунанинг димоғига хушбуй гул ҳиди кел-ди. Унинг кузи панжарали дарчадаги ажойиб митти гулоби гулга тушди: нозик япроқлари дарчанинг яр-мигача ўрмалаб чиққан бу гул бир қарашда қузигул-ни эслатарди.

Шу пайт хонага “гурр” этиб қизлар кирди. Хон-тахта усти турли мева-чеваларга тўлди: толхин, куви, анор, олма... Сочини тепага турмаклаб, капа-лак тасмали сочтуғноғич тақиб олган шух-шаддод қизлар Зайтунани ўраб олишди. Бир лаҳзада хона қизларнинг овозлари, қувноқ кулгилари, ҳазил-мутойибаларига тўлиб кетди.

– Эрта то намози шом Макка сари йўлга чиқа-ман, – деди қорача қиз зулфини бармоғига ўраб уй-наркан. – Душанба намозгардан шомгача бахтли, қолгани касодли дейишади.

– Мавлудадан кейин мен, – деб гапга аралашди Балхуван. У қучоқларини очиб, юртини қучгандек энтиқди: – Кашмирни соғиниб, ўлай деяшман.

Шу пайт эшик тақиллаб, йулақда ёқимли, аммо буйруқ оҳангидаги овоз қизларнинг суҳбатини бўлди:

– Эртага имтиҳон-а... Вақт ҳам алламаҳал...

Қизлар истамайгина тарқалишди. Хона ширин сукунатга чумди.

Зайтунанинг юраги сиқилди. Тоғ ва далалар унинг энг яқин ҳамдарди, сирдоши эди. Болалигиданок кенгликларга, дашт шамолларига урганган Зайтуна бу қалъада буғилди, гуё қафасга тушган хуркак қушдек ҳис қилди узини. Нимага? У нимани истаган эди? Руҳини ураб-чирмаб ташлаган бу қафасдан қутилишними? Дунёнинг шафқатсизликларидан қочиб, шу баҳайбат қалъага бекинишними? Чор атрофни талотуп босқинлар тутган бир пайтда ботинида қилич ва камон ушлаб у ёқдан-бу ёққа чопаётган одам ким эди? Зулм ва зуравонликлар урчиган бу дунё бераҳм саволлар қаршисида титраб турган Зайтунанинг беғубор оламини остин-устун қилиб ташлаган эди.

Юраги бадтар сиқилган қиз хонада ўтиролмай, узун йулакчалар буйлаб ташқарига йуналди. Осмон тула юлдузлар чигирткалар қушиғига журбулаётгандек. У боққа кирмоқчи бўлди-ю, аммо sinalмаган йулаклар, занжирларини судраб, туйқус оёқ остида пайдо бўлиб қоладиган баҳайбат итлардан чўчиди. У ортига қайтиб, пешайвонга чиққан эди ҳамки, дарвоза ёнидаги кекса гужум тагида турган от кумуш юганларини шилдиратиб, қаттиқ пишқирди. Зайтуна тўхтаб, ортига ўтирилди. Ой хира нур сочарди. Гужум ортида турган икки соянинг бир-бирига шивирлаган овозлари қулоғига чалинди:

- ...Бугун сен билан юрган қиз?
- Қайси бири?
- Мунчоқли, қизил наъл¹ кийиб юрадигани бор-ку!

¹ Наъл – кавуш.

- Эй, ҳа, Зайтунами?
- Уша. Қаердадир кургандекман.
- Жузжондан кеча келди-ку?
- Лекин танишдек!
- Ё ошиқ бўлиб қолдиларми?..

Қизнинг эрка овози илкис жиддийлашди:

– Юкларни шу ерда қолдиринг. Эртага ташиб оламиз...

Соялар бир-биридан узоқлашди. Арава ғижирлаб ташқарига интилди. От туёқлари овози тун сукунатини бузди. Дарвоза олдида турган сокчи қиз ғудранди.

Зайтуна хонасига кириб, дарчада турган шамни ёқди, сунг урнига чузилиб, унга тикилган куйи уйлади: “Бибисоранинг овозига ухшаркан. Ёнидаги-чи? Эр киши-ёв. У мени қаерда курган... Дарвоза ёнида дарахтларга сув очаётган йигит шумикин? Аёл рашк қилгандек бўлдимиз?..”

У яна уша икки сояни куз олдида келтирди.

“Улар бир-бирига жуда ёвуқ турувдими? Қуллари-чи? Йўғ-э, менга шундай туюлгандир”. Зайтунанинг қалбида бир илиқлик уйғонди. Ҳозиргина қалбида исён қилиб турган нафрат оловлари бироз сунгандек, чалғигандек, аллақандай бир ширин туйғу уни чулғаб олгандек бўлди.

У ухлолмади. Шам худди сиёҳга ботирилган қаламдек у ёқ-бу ёққа қимирлаб тунга алланималарни ёзарди. Туйқус йулакда қандайдир оёқ товуши эшитилди. Ҳовуз бўйида бир-бирларини қувиб ҳовучлаб сув сепаётган қизларнинг янгроқ кулгилари таралди. Чанқовуз садоси, дутор овози... Зайтуна узини толиққан ҳис қилди. Уйқу босди. Мусофирхонага туташ хужрадаги юмшоқ шойи курпача устида тонгга яқин қандай уйқуга кетганини ҳам сезмади.

Бомдодга яқин эшик ғичирлаб овоз берди. Зайтуна чопиб ўрнидан турди-да, шамни ёқди. Шу пайт яна эшик очилиб тунак¹га кимдир киргандек, оёқ товушлари эшитилгандек бўлди. Зайтуна қўрқув аралаш титроқ овозда деди:

– Ким у?

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. У қўрқа-писа эшикка йўналган эди, кўз олдидан “лип” этиб Бибисора ўтиб кетди. Қиз кўзларини пирпиратмай у томон қаттиқроқ тикилди. Ҳеч ким йўқ. Зайтуна оёқ-қўлларидан мадори кочиби, ерга угириб қолди. Киприкларини намланди. Кечадан бўён гаъкиб қилаётган бу шарпалар энди уни ростакамига қаттиқ қўрқувга солган эди. Кеча Гулсума, бугун эса бу...

Дарчага потирлаб қанотларини ураётган миттигина яшил қўш унинг хаёлини бўлди. У ўрнидан туриб дарча ёнига борди. Кўзлари зумураддек ёниб турган бу қўшчани Зайтуна биринчи бор қўриб туриши эди. Қўш қаршилиқ қилмади. “Эй, сенмидинг қўрқитган?” деди қиз уни кафтларига оҳиста оларкан.

Сўнг дарчани очиб қўшни ташқарига учуриб юборди-да, тезда ювиниб, кўзларига исфаҳоний сурма тортгач, эшикка йўналди. Ташқарида уни кеча дарвоза олдига қарши олган аёл – Бибисора кутиб турарди. Бибисора ғазналиқ бўлиб, бир чарм турк қизларига ухшаб кетарди: кўзлари мовий, юзи бироз чўзинчоқ, қотмагина... У толибаларнинг юриши-туриши, ўқиши ва бошқа ишларни назорат қилиб борарди. Зайтуна қора чодрасини бошига ташлаб, унга эргашди.

¹ Тунак – ётоқхона.

Қалъа ҳовлисининг шимол, яъни боққа яқин, атиргуллар билан уралган ҳовуз буйидаги эндак¹-да харсанглардан йуниб доирашакл супа ясалган. Ёнидан оқиб утган тошариқ суви кичик шаршарак ҳосил қилиб, чулдираганча ҳовузга қуйилади. Ҳовузни эса қучоққа сиғмайдиган жуда баҳайбат эски гужум дарахти қуриқлаб ётарди. Супа устига қирқта кийик терисидан тайёрланган, “кофа-куфа” деб ёзилган туғ, катта лавҳ урнатилган, унга яқин ерда одам сиғадиган, бўйи бир қарич келадиган кичик тош саҳн бор. Дорулҳикмага келган қизлар дастлаб унга чиқиб қасамёд қилар, эрталаблари шу ерда йиғилиб “Саф” сурасини уқир, сунг сабоқ олишга ёки машғулотга кетишарди. Бугун ҳам қирмизи лабларига тонг шабадаси қунган сарвқомат қизлар туғ остида сура уқиб, қалъа мадҳиясига жур булдилар: *“Ота-она, эл-улуснинг бозори йуқ, сотилмайди, алмашмайди, камаймайди...”*

Айвонда Гулсума кўринди. У бир-икки одим ташлаб айвондан пастга, соя-салқин ҳовуз буйидаги эндакка олиб борадиган зина яқинида тухтаб, қизларга диққат билан тикилиб турди-да, сунг Макка ва Кашмир сари отланган қизларга юзланиб деди:

– Илм олмоқ эр ва эвлук²лар учун фариза қилинди. Сизлар бу фаризани адо этдингиз. Зеро, бофандалик³даги маҳоратингиз таҳсинга лойик. Энди шу билимингизни бошқаларга ҳам улашинг!

Қизлар қўлларини куксига қўйганча бош эгди ва саҳндан тушиб сафга қушилди. Бироз ўтиб у ерда

¹ Э н д а к – саҳн.

² Э в л у к – аёл.

³ Б о ф а н д а л и к – чеварлик.

Зайтуна пайдо бўлди. У нозик ва майда одимлар билан саҳн ёнига келди; қўлларини лавҳадаги Қуръони каримга тегизиб, туғ остида тиз чўкиб турди-да, кейин супага чиқди ва юзини қиблага қаратиб деди:

– Бу даргоҳда билганим барча сирларни...

Бир юмалаб шамолга айланган шабада туғ остида туриб қасамёд қилаётган Зайтунанинг охириги сузларини тоғ томон олиб қочди.

Тиниқ осмонни бирдан қоп-қора булутлар қоплади. Урама шамол ҳовлидаги тош йулақларни юлқиганча, букириб-укириб айланди. Тош саҳндан керакли бирор нарса топмагач, мағрур турган дарахтларга ташланди. Шамол измига тушган дарахтлар қаттиқ силкинди, супа устидаги кузалар ерга тушиб парчаланди, тошқудуқ оғзига илинган саноч ёғочга урилиб даранглади, ҳовлига қараган ҳужранинг ярим очиқ эшиги қарсиллаб ёпилди.

Бу ваҳима узокка чузилмай, булутлар тоғ томонга шошиб ўтди-ю, осмон бир зумда тиниқ тортди.

– Бу Жузжон шамоли, – деди Гулсума шамол юлқилаб елкасига туширган чодрасини қайтадан ҳафсала билан ураркан. – Оловдай бир гуриллаб ёнади-ю, тезда ҳовуридан тушади.

Зайтуна енгилгина таъзим қилиб, чодрасининг бир учи билан ғубор қунган киприкларини артди.

Жайҳун кўтарилганидан хабар бериб жилдираётган сув ҳовлидаги ариқ ёриқларини тўлдирганча боққа ошиқди. У ёқдан бу ёққа бориб келаётган занжирбанд ит туйқус тўхтаб, оғир ғингшиди, беухшов хурди. Зардоли тагидаги араванинг ёғоч ғилдирагига суяниб турган жонсарақ йигит Бибисоранинг ишораси билан тез-тез юриб келди-да, йул тадоригини кураётган қизларнинг қўлидан тугунчакларни олиб, изига қайтди.

Саф тугаб, қизлар тоққа, от-арава икки қизни олиб дарвозага йуналди. Зайтуна қизлар билан тезда киришиб, кеча хонасига келганлар орасидан табризлик Земфира билан дустлашиб олишга ҳам улгурганди. Икковлашиб машғулот майдонига отланган толибалар оқимиға қушилдилар.

ШИКОР

Зайтунанинг илк сабоғи шикорға туғри келди. Уларга юзига изора¹ тутган қорақуз, буйчангина муаллима – Рухнигор йулбошчилик қилди.

– Юкларни қанглига жойланг! – деди муаллима. – Бир муддат турадан ташқарида буламиз...

Арава қушилган отлар кишнади. Қизлар сафар жувол³ларини орқалаб, дарвоза сари йуналди. Ҳайратланиб турган Зайтунанинг елкасида ёй солинган уқдон билан камон, белини маҳкам сиқиб турган чиройли чарм камарида эса уткир болта билан ханжар осилиб турарди.

Қора кўзлари чакнаб турган истаралигина ёқимтой қиз Земфира:

– Юр! Шамс урламасдан бурун дарё илакида булишимиз керак! – дея дарвоза олдида турган кулранг арабий отларга ишора қилди. Сўнг Зайтунага ажабланиб қараб турди-да яна деди:

– Камон ушлаганмисан ҳеч?!

Бу гап Зайтунага эриш туюлди қуллари билан юзларини бекитиб, ичидан отилиб келган завқни яширишга уринди ва эгилиб, яна қаддини

¹ И з о р а – ҳарир юз парда.

² Қ а н г л и – арава.

³ Ж у в о л – халта.

ростлади-да, ён томонга қараб кафтлари ёпган лаб-ларидаги кулгиларини худди тукилиб кетишидан чўчигандек ҳовучлаб деди:

– Оз-моз!..

– Бу камон ва найзалар фақат Чочда усадиган ноёб дарахтдан ясалган, – деди Земфира молининг баҳосини ошираётган савдогардек кулидаги камонни ушлаб-ушлаб қуяркан. – Шунинг учун ҳам буларни “камони чочий” дейишади.

Зайтуна елкасига осилган мугузли камонни олиб, у ёқ-бу ёғига қаради; бежирим, бироз оғирроқ, лекин дид билан ишланган бу камоннинг бурама шохларига пупаклар билан қушиб чарм тумор осилган. Садоғидаги уқларга ёғийни ваҳмга солиш мақсадида буқача шохидан ясалган ҳуштакча урнатилган. У камонни биринчи бор ушлаши эмас эди. У югуриб кетаётган от устида туриб камон уқларини, нишонга бехато ура оларди. Буни унга отаси ургатган. Зайтунанинг хаёллари яна чувалашди. Бағлон кўчаларида юргандек сизди узини. Кузларига ёш келди. Ёнғин ва гулханлардан кутарилган оловлар ичида отларнинг кишнаши, пайконлар овози, қуроолларнинг шарақ-шуруғи, аёл ва болаларнинг дилни эзгувчи охунолалари, қамчи остида қулликка олиб кетилаётган эрлар, куйиб йиқилаётган уйларнинг қасир-қусурлари элас-элас қулоғига чалинди... Зайтуна кузларини юмиб, бу даҳшатли хаёлларни бошидан қувишга уринаётгандек, аммо уддасидан чиқолмаётгандек дарвоза ёнида туриб қолди.

Тепалик устида барпо этилган Бағлон ҳали босқинчилар зулми остида эзилиб ётар, очкўзлик, шафқатсизлик, бошбошдоқлик аллақачон томир ёйган, аслзодалар қирғинбарот урушлар олиб боришар, талон-тарожлар авжига минган эди. Аммо бу шаҳар

аҳли ғурийлар, муғуллар босқинидан беҳабар отаётган тонгга умид кузларини тикиб эрка орзулар оғушида мудрарди.

Бағлон юқори ва куйи шаҳардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида “балда” ҳисобланарди. Қуйи шаҳарда ҳоким саройи жойлашган эди. Зайтуна шаҳарнинг юқори қисми бўлган “Катта қишлоқ”да яшарди. Қишлоқ ям-яшил дарахтларга бурканган, аҳолиси куп бўлиб, унга турли томондан карвон йўллари келиб туташган; ов қилиш учун қулай жой саналарди. Унга яқин баланд тепалик бўлиб, у ерда заҳарли қузиқоринлар усарди. Зайтуна болалигида дугонаси билан шу тепаликка чиқиб, қузиқорин териб, гулханда пишириб егач, қаттиқ заҳарланиб бир ўлимнинг оғзидан қолган эди. Шундан кейин у бу тепаликка яқинлашмас, қўйларини ҳам ундан узоқ жойда – Қундуздарёга яқин шифобахш Чашмаи Шир булоғи ёнида боқарди.

Зайтуна яккаю ёлғиз фарзанд эди. Отаси қишлоқнинг кузга куринган бойларидан бўлиб, хотинларидан Ойтўлдигина унга бир қиз туғиб берди. Бу – Зайтуна эди. Нима булди-ю, бой бусағасини янгилади, бошқа соҳибжамолга уйланиб, Бағлонни тарк этди. Босқинлар авжига чиққан, тоғларда яшовчи қароқчи мардилар савдо карвонларини кутиб зериккач, баъзан тоғдан иниб қишлоқларни талар, қулга илашган нарсаларни олиб кетгани етмагандек, бўй етиб қолган қизларни ҳам тортиб олиб кетишар, ё хотинликка олар, ё қул бозорига олиб чиқиб сотарди. Шундай кунларда ёлғиз қолган Ойтулди қизининг тақдирини уйлаб қаттиқ изтироб чекди. Аччиқ-аччиқ йиғлади. У эрини дуоибад қилди, ўлгин-йитгин демади, кўнгли бўлмади, “Илоё,

туяларингни суна уриб, хотинингни хиштагини тунингга ямаб қайтиб келгин!" деб қарғади.

Йиллар ўтиб, от айланиб козиғини топганидек, бой уз уйига қайтди. Касод бўлиб, ғариб туякаш киё-фасида, ямоқ тўнда, юзида аччиқ гаассуфнинг чуқур излари тортилиб, мулзамгина бўлиб кириб келди. Аммо хотини оламдан ўтган, ёлғиз қизалоғига тул кампир энагалик қиларди.

Хаёт тегирмони ғичирлаб яна изга тушди. Қиз улғайгач, отаси узининг қари туясига мингазиб, дарё ортидаги мўъжизавий қалъага олиб келди...

Дарвоза олдида қанот чиқариб учишга шай турган отларнинг безовта кишнаши Зайтунанинг уйлари-ни пардай тузғитиб юборди. Хаёллар домидан батамом қутулиб улгурмаган қизнинг нигоҳлари от устида жилмайиб турган Земфирага тушди.

– Нима бўлди, – деди Земфира унга ҳазил қилгандек бўлиб. – Отдан ҳам қурқасанми?

– Йу-уқ. Хаёл ўғирлади, – деди қиз ялангликда қий-чув кутарганча, Ҳисор тоғ тизмалари томон от уйнатиб кетаётган қизлар ортидан қараб-қараб қўяркан. Сунг атрофга аланглаб кеча шу ерда курган йигитни излади. Ҳеч ким кўринмади. Кетмон ҳали ҳам манъжуга суянганча турарди. Қиз манъжунинг япроқларидан бирини юлиб олиб ҳидлади. Димоғига шудрингга буккан япроқларнинг ёқимли ифори келди. Зайтуна чуқур хўрсиниб уйноқлаб турган отлардан бири сари юрди ва унинг эгарига қушдай енгил қуниб, от бошини қизлар кетган дара томон эмас бошқа ёққа бурди. Отнинг туёқларидан сачраган учқун Кайкитоғ бағридаги харсангларни кўчиргандек гумбурлаган овоз берди. Ортидан кутарилган қора қуюн ҳавода бир муддат муаллақ тургач, ёнбағирлар узра ёйилиб ғойиб

булди. Зайтуна куз очиб-юмгунча қалин арчазорга чиқди.

Ёлғон тонг борлиқни уз ҳукмига олган. Осмонни тулдириб юлдузлар жимирлайди. Ов учун қулай фурсат. Какликлар йўрғалаб сув буйига келади, тик қояларда рақс тушаётган кийиклар пастлайди. Бундай пайтларда билағон овчилар тоғда қолиб, ёрларда гулхан ёқиб тонг оттиради. Мулжал қилган жойларини чамалаб, жониворларни кузатади. Зайтуна отдан тушиб бироз юрди, атрофга аланглади. Шу пайт арчалар шохига қўниб турган қирғовуларга кузи тушди. Энди камонини туғрилаб уқ узмоқчи эди, Земфиранинг чақириғи қирғовуларни чучитиб юборди: бу исмни тоғлар ёдлаб олишга уринди: “Зайтун-а-а!”.

– Э-э-э! – деди Зайтуна норози оҳангда қуйироқда отдан тушиб катта-катта тошларга авайлаб оёқ қуйганча юқорига интилаётган дугонасига қулини силтаб. – Шикорни буздинг.

Зайтуна умидвор бўлиб, яна тоғларга юзланди. Унинг ҳар бир тоши-ю арчаларига куз ташлади. Жимжит. Осмонда кўриниб-қуринмай қора нуқталар янглиғ сузаётган қушларга термулди. Ов қилишдан кура купроқ тоғда юришни машқ қилаётгандек кўринган Земфира эса бир амаллаб дугонасининг ёнига етиб келди.

– Аттанг, шундоқ қошимда турувди-я, – деди Зайтуна бурнини жийириб. – Майли, насиб қилмаган экан. Лекин бу тоғларда санжоб¹ ва охуйи мушкин² бисёр деб эшитган эдим...

– Талос тоғлари билан адаштирмадингми? – деди Земфира. – Бу ерда ҳам яккам-дуккам учрайди!

¹ Санжоб – олмахон.

² Охуйи мушкин – мускусли буғу.

Унинг учун урмоннинг ичкарироғига киришинг керак! Бугун шикор учун омадли кун. Ой фазаъи муаххари манзилида... Омадингни берсин!

Зайтуна кеча курган тушини эслаб, дугонасига айтсамми-айтмасамми деган хаёлда унга қаради-да:

– Тушимда бури отибман, – деб юборганини узи ҳам сезмай қолди. Сунг хато қилиб қуйганини изохловчи белги бериб, бармоғини юзига босганча паст овозда деди: – Уч кунгача тушларни айтмаслик керак эди. Мен эса ошкор қилиб қуйдим. Тушлар – ярим ёрлиғ¹, деганлар Расулуллоҳ. Шундайми?

– Улманг, авлиёман денг? – қаҳ-қаҳ уриб кулди Земфира. Унинг жарангдор кулгиси тоғ тошларига урилиб бутун ҳолда яна қайтиб келди.

– Мени билдугумни сен билсанг эди, тонг қолардинг. Мени бурилардан қутқарган кимса...

– Ҳали бури билан тукишдим, де, – Земфиранинг кузларида ҳайрат учқунлади. Сўнг бу ҳайрат кулгучларига яшириниб, қудуққа тушгандек гумсиё бўлди. – Майли, инондим. Ким экан уша соҳиби каромат?

Зайтунанинг юраги гурс-гурс тепа кетди. Дарахтларга сув очиб юрган уша буйчан, чатмақош йигитни уйлади. Кузларини юмди. Дудокларига урилган иссиқ нафас томирларига тушиб, вужудини чирмагандек, сеҳрлагандек, аллалагандек бўлди: “У ким эди? Кузлари уткир ва маъюс, гуё бир дарёда икки хил сув оқаётгандек...”. Зайтуна кузларини очди. Ҳеч ким йуқ... Худди хаёллари гапиргандек, бу гапларни Земфира эшитиб қолиб кулаётгандек дугонасига чўчиб қаради. Земфира эса ҳамон гапирарди:

– У соҳиби каромат манъжу тагидан боққан йигит эмасми? Исмини билмайман-у... кел, яхшиси

¹ Ё р л и ғ – ваҳий.

уни Юсуф дейлик. Зулайхо камон уқидан яраланганда жароҳатидан оққан қон ерда “Юсуф, Юсуф” деган исмлар қолдирган экан.

– Юсуф, – такрорлади Зайтуна. – Менинг қоним-чи, кимнинг исмини ёзаркан-а...

Улар кулишиб, отларини етаклаганча дарё буйлаб юришди. Шу пайт Зайтунанинг миясига нимадир “гуп” этиб урилди: “Нима деди? Манъжу тагидан боққан йигит дедими? Қаердан билди у, айтмагандим-ку. Ёки уйқусирадиммикин?” Зайтуна ҳали ўзи ҳам англаб етмаган бу шубҳа-ғумонлар ўртасида иккиланиб қолди ва деди:

Сен уни ...

– Айтганча, бўрилар ҳақидаги гапинг чала қолди, – деди Земфира унинг гапини бўлиб. – Кимдир қутқарди дедингми-эй.

– Ҳа, у-ми, – деди Зайтуна майсанинг қуриб қолган чўпини ердан юлиб олиб, тишлари орасида ёзаркан. – Биби Гулсуманинг момолари.

– Ким? – Земфира бирдан жиддий тортди.

– Биби Танзила, – Зайтуна зарда қилгандек дугонасига хумрайди. – Бу уша тушимда кўрган эвлук. Бўриларга келсак, – чуқур нафас олиб деди: – улар унчалик кўрқинчли эмас, аслида, ваҳший бўлмаган, демоқчи эдим. Ҳаммаси Қобил Ҳобилни ўлдирганидан кейин бошланган: бўрилар қўйларни бўғизлайдиган бўлган.

Кутилмаганда тўқайлар орасидан чиқиб келган бўрилар галаси Зайтунани шошириб қўйди. Оёқ-қўлларига титроқ югурди. Уқ олиб, камондан отишга шайланган эди, бўрилар хотиржам дарё буйлаб Зулкифл алайҳиссалом мақбарасига бурилганини қуриб, фикридан қайтди. Жондорлар мақбара атрофида айланиб, осмонга қараб ваҳимали

увлади. Шу пайт нимадир булди-ю улардан бири келиб Зайтунадан етти кадамча нарида тухтади ва ўткир тишларини кўрсатиб ириллади. Қиз жойида ҳамон котиб турарди. Бури ҳаял утмай, кўнгли юмшадими, ортига қайтиб, галани эргаштирганча дарё ёқалаб кетди.

Зайтуна ўзига келгач, мақбара ёнига бориб тиловат қилиб булган эди ҳамки кўзи яна олислаб бораётган буриларга тушди. Фурсат утмай манзара узгарди. У энди буриларни эмас, уларнинг урнида дарё ёқалаб бораётган қизларни кўрди. Гуё бурилар қизларга айланиб қолгандек. Қизлардан у фақат бирини – Бибисоранигина таниди, холос. Бошини кутариб яна нимадир демоқчи эди, каловланиб оғзига бирор-бир суз келмади. Шу пайт ёнида кимдир борлигини ҳис этди. Земфира экан.

– Зулкифл ҳазрати Айюбнинг ўғли, – дея тинмай сайрарди дунёдан беҳабар Земфира нималарнидир тушунтирган булиб, нигоҳлари билан тез-тез сағанага ишора қиларкан. – Имон келтириб унга эргашган румликларга узоқ умр кўришини Худодан сураб дуо қилган Ялавоч. Эшитяпсанми? – Дугонаси гапига қулоқ солаяптими, йўқми аниқлаш мақсадида гапини тўхтатиб, бошини ёнга хиёл эгганча унга қаради. Сунг гапини келган жойидан яна давом эттирди. – Ёнидаги эса Танзилаи Давронанинг қабри. У киши улими олдидан ўғли Муҳаммад Ҳакимга: “Агар қазойим етса, мени уйимнинг унг тарафига қўйинг! Зулкифл алайҳиссалом ва Жайхуннинг майин шабадалари юзларимни силаб турсин”, деган эканлар...

Зайтуна ҳозиргина булиб ўтган ғайритабиий воқеалардан карахт эди. Кўзларини пирпиратмай бир нуктага тикилиб турарди. Бироз ўтиб у хотиржамгина янтоқ шохларини силтаб ўзиб олиб еяётган

отига қараб юрди. “Эй-й, тухтасанг-чи, охиригача эшитмадинг” дея изидан зипиллаб эргашган дугонасига бу ҳақда оғиз очмади. Гуё ҳеч нарса булмагандек пишқириб, ер тепиниб турган отига минди-да, камчи урди.

От елдириб бораркан ногоҳ даралар ортида эшитилган от туёғи дупурларидан чучиб тушди. Узини харсангтош панасига олган эди ҳамки, хайҳайлаганча тунғизларни қувиб келаётган мис дубулға ва олтин ҳалли совутлар кийган отлиқ навкарларни курди. “Ўлдим”, деб уйлади Зайтуна. Туйқус орқароқда бемалол келаётган турт нафар навкар ялангликда турган отни куриб тухтади. Улар бир-бирига қараб олгач, қиз сари жилди. Зайтуна вазият қалтис эканлигини кунгли сезиб, тошларни паналаб-паналаб бута орқасига ўтди-да отини чақирди. От жабдуқларини силтаб ер тепинганча қиз сари юрди. Шу пайт бир пайкон зувиллаб учиб келиб Зайтуна яшириниб турган бутанинг қоқ уртасига санчилди. Зайтуна отга сапчиб минди-да, дара томон энди. Навкарларнинг узлари ҳам тушуниб-тушунмай бегона отлиқнинг изидан тушиб, уни дара томон сиқиб борди. Зайтуна учун икки йул бор эди: ё қалъа, ё туқайзор, аммо биринчи йулдан бориш хатарли, чунки навкарлар унинг қалъадан эканлигини билмасликлари керак. Якка суворийнинг бир жойда туриб қолганидан дадиллашган навкарлар унга яқинлашиб келдилар.

Навкарлардан бири қиличини қиндан чиқариб ҳамлага ўтди. Қиз ҳам отни у томон ниқаб, бор кучи билан зарба берди. Йигит оғир ингранди-да, от ёлларига бошини қуйди. От пишқириб, жойида айланди. Ногаҳон, эгар пуштони узилиб, қизнинг узи ҳам ерга йиқилди. От қочди. Қиз чаққонлик

билан югуриб бораётган отнинг ёлларига ёпишиб, қушдек устига қунди.

Қизнинг бу эпчиллиги навкарларни довдиратиб қуйди. Улар сергак тортди. Шу пайт қаердандир яна бир отлиқ пайдо бўлди. Жанг шиддатли тус олди. Отлиқ Зайтунани ҳимоя қилганча сафни ёриб ўтди.

Қуққисдан Жузжон шамоли кучайиб, дашт этакларини қора қуюнга айлантирди. Орқадан таъқиб қилиб келаётган навкарлар эса қуюн ичида ғойиб бўлган эди. Зайтуна нотаниш отлиқ билан ёнма-ён от чоптириб бораркан, тўқайзорга чиққунча унинг кимлигини билолмади. Не куз билан курсинки қаршисида Рухнигор турарди.

– Ёлғиз юрманг! – деди муаллима остида уйноқлаб турган отнинг юганини тортиб-тортиб қуяркан. – Тоғнинг ҳар қадами хатарли, алдамчи!

Зайтуна турган жойида тошдай қотиб турар, нима дейишини билмас, Рухнигорнинг хавотирли нигоҳлари эса уни бутунлай довдиратиб қуйган эди.

– Мана бу суқмоқдан юриб борсангиз, қизларни кўрасиз! – деди яна муаллима тоғ этагидаги суқмоққа ишора қилиб. – Сиз бораверинг! Мен ортингиздан етиб оламан.

Рухнигор отига қамчи босиб, бир зумда яна куздан ғойиб бўлди. Земфира етиб келгунча у ҳайкалдек қотиб тураверди.

Дугонаси норози оҳангда ғудранди:

– Қаёққа йўқолдинг? Ёнингдаги Бибисорамиди? Зайтуна жавоб бермади.

Улар муаллима кўрсатган суқмоқдан отларини елдириб кетишди.

Зайтуна йўлда ёғоч ғилдираклари кўча чангитиб келаётган аравакаш бозорчи йигитни кўргач отнинг

жиловини тортиб секинлашди. Бозорчи йигит аравасини йул четида тухтатиб, қизларга юзланди:

– Ҳо! Жасур мерганлар. Жуволларинг улжага туладир-а, ёрдам керакми?

– Эй йигит, овимиз бароридан келмади, – кулди Земфира. – Охират ўтидан бурун ичимизга алам ўтини солманг-да...

– Бунда ҳам бир хикмат бор, – деди аравакаш Зайтунага суқланиб тикиларкан. Сўнг у қизлар қуринмай қолгунча, ортидан қараб турди-да, чуқур хурсиниб, аравасини тақирлатганча яна йулга тушди.

Зайтунанинг хаёлига кеча гужум ортида гаплашиб турган икки соя келди.

– У йигит аравакаш экан-да, – эшитилар-эшитилмас шивирлади у.

– Нима дединг? – Земфира қулоғини шамолдан пана қилиб у томон энгашди.

– Ҳечбало... – Зайтуна сирли жилмайиб қўйди-да отини жилдирди. Улар дарадан ошиб, дарё буйига тушишди.

Шом. Дарё яқинидаги қайрағочлар тагига тикилган утовлар шафақ нурларига чулғаниб турибди. Қизлар қайрағоч соясида ўтириб, уз ўлжалари билан мақтанар, кимдир жайрани отгани, кимдир кийикни қўлдан чиқаргани, яна бири қирғовулни учиб бораётган жойида уриб туширганини ҳаяжон билан гапириб берарди. Зайтуна дугонаси билан улар сафига бориб қушилди.

* * *

Утовда бир тунни ўтказган Зайтунанинг саҳармардонда қурган туши кунглини ёриштирди: бир гала қирғовуллар Зулкифл мақбараси устига қўниб турганмиш. Улар ҳар замонда Жайхун бўйлаб учиб, сув

юзида жимирлаган нурли хасларни олиб, яна мақбара қуббасига қайгиб қўнармиш-да, инлар қуарармиш...

Уйқудан қушдай енгил турган Зайтуна тушини эслаб жилмайди, аммо зум ўтмай яна юзлари тундлашди. “Кеча шоҳ навкарлари билан бўлган тўқнашув... – уйлади у. – Гулсумага етиб борса-я”. Зайтуна қўққисдан бостириб келган бу ҳаёлини қувиш мақсадида ўрнидан оҳиста туриб, айиқ терисидан тикилган нимчасини эғнига илди-да, қизлар уйқусига ҳалал бермасликка уриниб оёқ учида ташқарига чиқди ва дарёга тушиб, юз-қўлларини ювгач, ички бир хўрсиниқ билан осмонга қаради. Ҳали ёйилиб улгурмаган тонг наврасида қизнинг мушқин бўйларидан ёришгандек бўлди. Осмонни тўлдириб юлдузлар рақс тушади... Энг ёрқин нур таратиб турган мана шу юлдуз унга бу ерга келган илк, кечаги кунни ёдига солди. Кеча бу юлдуз унга шунчалар яқин келгандек эдики, гўё кафталарига қўниб тургандек, шивирлаётгандек...

Қанийди тепасида порлаб турган бу юлдузлар унинг қалбида зардобга айланган англамсиз оғриқларни суғуриб олса-ю, у гузал олам аталмиш Бағлон боғларида қайта куз очса. Зайтуна бу ерга келиб билдики, ҳамма жойда қабоҳат, зўрлик ҳукмрон экан. Рухнигор айтгандек, қалъа ҳам, тоғ ҳам хатардан холи эмас эди. Шоҳ навкарлари ҳар қадамда изғиб юришибди. Подшоҳлик, шоҳлик васвасасига тушган турли қабила-уруғлар бир-бирига от солар, жанглар, ғалабалар ва мағлубиятлар ортида эса ҳувиллаган қишлоқ, харобага айланган шаҳаргина мунғайиб боқарди. Аммо Зайтунанинг кўнглига биргина нарса юпанч берарди, бу ҳам бўлса илм. У энди барчасини қайтадан бошлаб, Жайхун сувларидан қалбини поклайди, илм олади. Ичида исён қилаётган нафрат оловларини ўчиради... Бутунги қурган туши ҳам унга шундан башорат қилгандек бўлди.

ОЛОВЛИ ШАР

Зайтуна шундай хаёллар билан дарё буйида утирган эди, ногоҳ ёнгинасидаги қарағайдан “парр” этиб учган аллақандай қуш ундан унча олис булмаган тепалик биқинида мақбара шаклида қурилган мўъжазгина уйча тепасига бориб қунди. Қиз у томонга бурилди. Мақбарами? Ҳа, эслади, кеча Земфира бу ерда расадхона борлигини айтган эди. У қизиқиш билан расадхонага йул олди.

Қиз Жайхун бўйлаб тез-тез одимлаб борар, хаёлларига урилиб қайтаётган тулқинлар эса тонг сукунати бузиб, оғир-оғир шовуларди. Ногоҳ кимдир чақиргандек бўлди. Зайтуна тухтаб, дарё шовқинидан овозларни ажратиб олишга урингандек сал ён томонга энгашиб қулоқ солди. Йуқ, дарё овози экан. Баъзан дарё чақиради, деган гапни у ҳам эшитган эди. Балки ростдир. Зайтуна қалбида пайдо бўлган қурқувни қувишга уринди. Бошмоғини ечиб, ерга оёқ қуйди. Жайхун сувларидек салқин бу тупроқ унинг вужудига ором бергандек бўлдими, у кучанинг пурсилдоқ жойларини териб, гуё йул тугаб қолишидан чўчигандек оҳистагина қадам ташлади. Қурқув ҳам бирдан йуқолди. Расадхона ёнига келгач, бошмоғини бир қулига ушлаганча унинг бироз уришиб қолган ёғоч эшигини суриб кўрди, очиқ экан. Қиз ҳайрон бўлди. “Қулф солишни унутишган бўлса керак” деган хаёл билан ичкарига секингина бош сукди. Туйнукдан тушаётган ой нурлари хонанинг қибла тарафидаги шамдонлар қўйилган токчаларни хира ёритиб турарди. Зайтуна шамдонлардаги шамларни ёқиб, хонани кўздан кечира бошлади. Одмигина гумбаз шаклида ишланган бу хонанинг девор токчаларида осмон доирала-

рини тасвирловчи бир неча халқалар, улар ёрдамида сайёраларни кузатиш асбоблари, шамила¹, руҳама² – Қуёш соати, миқёс, кура фалакия³ жойлаштирилган эди. Деворга осмон ва юлдузлар акси дид билан ишланган. Зайтуна уртада турган бу устурлобни биринчи бор кураётган бўлса-да, худди олдиндан билгандек уни айлантириб, тонг юлдузларини кузата бошлади:

– Мана бу Аторуд! Буниси – Зухро... – қиз самони тулдириб жимирлаган катта-кичик юлдузларнинг шамол уйнаган япроқлардек шилдираб овоз чиқарганини эшитгандек бўлди. Лаҳза ўтмай юлдузлар ҳайбатли одамларга дуниб, нурдан ясалган фойтунларда самони сайр қила бошлашди. Ногаҳон улар яна бирлашиб, оловли шарга айланди-да, минг бир булакка сочилиб кетди. Ҳаммаси оний суръатда акс этди; куз очиб юмгунча содир бўлди. Қиз чўчиб, узини орқага олди. Бироз ўтиб, кузимга шундай курингандир, деган хаёлда хонани айланиб, яна устурлоб ёнига келди-ю, лекин қарашга юраги бетламай жойида туриб қолди. Расадхона туйнукларидан ошиб тушган ёруғлик қизнинг яланг оёқларини ёритди. Қиз бошмоғини кийиб, шамларни пуфлаб-пуфлаб учиргач, худди орқасидан биров кувгандек шошиб ташқарига чикди. Тонг ҳам ёришай деб қолибди. У оёғини қулига олиб утов сари югурди. Етиб келганида ўтов шамлари хира тортган, қизларнинг баъзи бирлари бомдод намозини тугатиб, сахарлик нонуштага ҳозирлик қуришар эди. Зайтуна ўтовга кира солиб бошини курпага ураб кузларини қаттиқ

¹ Ш а м и л а – устурлоб ва квадрат ўрнига ишлатадиган универсал асбоб.

² Р у ҳ а м а – мармардан ясалган лавх.

³ К у р а ф а л а к и я – осмон глобуси.

юмиб олди. Жонли суратларга айланган юлдузлар энди унинг хаёллари орқали миясига сизиб кира бошлади. У бошини қаттиқ чангаллаб “дод” деб юборишига бир баҳя қолган эди ҳамки, утовнинг киз эшиги олдида турган Земфиранинг эрка орози уни бироз узига келтирди:

– Турсанг-чи, энди! Уйқучи киз!..

У Зайтунанинг ёнига келиб, қўлида турган оқ матони ерга ёйди-да, унга чиройли қилиб туширилган тасвирларни мақтай кетди:

– Қара, Етти қароқчи, унинг ёнидаги – сув юзидаги шуъладан пайдо бўлган Зухро – Ҳорут ва Морутдан ишқ узугини олиб, осмонга чиқиб кетган пари киз. Ёқдими?

Зайтуна ўрнидан туриб, каштага кўз югуртирди. Ҳозиргина эсидан чиқарган манзаралари қайта тикланиб, жимираб турган юлдузлар тасвири яна жонлангандек, кашта иплари сутилиб аллақандай ажабтовур шаклларга киргандек туюлди. У кўзларини чирт юмиб, миждаларини пир-пиратганча яна қайта очди: тасвир экан – рақс тўшаётган қизлардек айлана ҳосил қилган рангин юлдузлар сурати. Сув юзида юриб бораётган қиз... Земфиранинг безовта овози уни уйқудан уйғотгандек бўлди.

– Налук хомушсан? – деди Земфира хавотирли оҳангда. – Ё бетобмисан?

– Сал бошим оғриб турибди, – деди киз руҳсиз овозда. – Ҳул-қуруқдан бўлса керак.

– Жингил ёғини тилинг остига қуй! – деди Земфира дугонасининг сўлгин юзидан кўзини узмай. – Бош оғриғинг дарров қолади. Ёки пахталик матодан тайёрланган паранжини анор пўчоғига бўяб, бошингни ураб офтобда утир...

Зайтуна дугонасини чалғитмоқчи булиб, зурма-зўраки жилмайди, аммо бу ясама табассум билан Земфирани алдолмаслигини билгач, унинг тезроқ кетишини истаб, тумтайганча у-бу нарсаларни йиғиштира бошлади. Дугонаси уни ортиқ безовта қилмай, кифтини қистанча матони олиб чиқиб кетди. У эса миясида гужғон уйнаётган бу фикрлар залворидан карахт тортиб беҳолгина ерга чўкди ва бироздан сунг ўрнидан туриб, кимдир таъкиб қилаётгандек, орқасига караб-караб ташқарига ошиқди.

Юлдузлар ҳолати, ғаройиб тасвирлар Зайтунанинг бутун борлигини банд этди. Бугун қизлар билан овга чиқар экан яна уша нурли фойтун аравалар, ҳайбатли одамлар... унинг хаёлида чарх урди. У “қоинот тирик” деган хулосани узица такрорлар, рад этар ва яна уша эски хулосасига қайтар эди. Бу ҳолат кун бўйи уни тарк этмади. У гуё йўқ эди. Бутун борлиқ, қоинот унинг ичига кириб қолгандек, бошқа оламга тушгандек, гуё кимнингдир исми билан кимнингдир қисмати яшаётгандек... Гоҳ-гоҳида ёрқин шуълалар ичида таниш чехраларнинг хира, тузонли, нурли кечмишлари, эртаси кўз олдидан лопиллаб ўтарди.

У қорачиқлар бўйлаб айланаётган юлдузлар аксига боқиб, азал лавҳларини варақларди. Зайтунада бу ғаритабийй ҳолат Дорулҳикмага илк келган кун – Гулсуманинг хаёлларини ўқиганда бошланган эди. У кўп фурсат утмай Гулсуманинг амакиси, мунажжим Аҳмад Сонур уттиз олти шогирди билан Пайғамбар оролида изсиз ғойиб бўлиши ҳақида ҳам айтганида Гулсума бироз жаҳли чиққан булса-да, уйланиб қолган эди...

Зайтуна овдан қайтгандан кейин ҳам анча пайтгача узига келолмай юрди. У утовга кириб келга-

нида қизлар Рухнигорнинг атрофини ураб утиришарди. Зайтуна қизлар орасидан елкалари билан уриниб-суриниб узи учун жой очди-да, ерга чукди.

ТУПРОҚ, СУВ, ҲАВО...

Муаллима юлдузлар ҳақида берилиб нутқ ирод қиларди:

– Тупроқ, сув, ҳаво, оловнинг оламни ташкил қилиши, юлдузлар ҳаракати, маътоли¹, мағориб², маррал ан-наҳор³ – ҳаммаси инсон ҳаётига тулиқ дахлдор. Сиз ўрганаётган табобат илмида бу ғоят муҳим, малҳамлар малҳами турт унсурда жо... – Рухнигор олам сукунатини ичига ютиб, ниманидир эслашга уринди. Охири топди, шекилли, қўлларини осмонга қадаб яна сузлай кетди. – Тоҳаристонда зижни ўрганмоқ афзал, иқлими миёна, аммо ҳижрий-шамсий саратонида фалакни билмоқ ғоятда душвор. Абу Саййид ад-Дарир ал-Жузжоний “шаҳри Ғулғула⁴да фалакни Жайхун буйида туриб ўрганмоқ душвор улмас”, деб ёзади.

Зайтуна муаллиманинг сузларини жон қулоғи билан тингларкан, беихтиёр утов чанғароғига қаради. У жойида йўқ эди. Гуё утов гумбази учи кетган-у, осмон тула юлдузлар Рухнигорнинг бошига тегиб тургандек эди. Бир муддат ўтиб юлдузлардан бири катталашди-да, рассомнинг қоралама суратидек от шаклига кирди. Бу от қора қалам билан эмас, олтин

¹ Маътоли – толе.

² Мағориб – бурж.

³ Маррал ан-наҳор – осмон экватори.

⁴ Ғулғула – Термиз.

сиёҳда тарам-тарам чизилгандек нур сочиб турарди. У олд туёқларини осмонга кўтариб оғир кишнади ва олтин занжирларини шалдиратиб, қозиги атрофида айлана бошлади. Шунда бир улкан қул занжирни қозикдан ечиб юборгандек булди. От пишқирганча нурларни чангитиб уқдай учиб кетди. Зайтуна бор овози билан бақириб юборди:

– Ситоралар... Бизни эшитди!

Ҳамма овоз келган томонга қаради. Рухнигорнинг уйчан, чуқур ва чакноқ кузлари оппоқ чодрали қизлар орасида турган жиккаккина қизга тушди. Зайтуна ички бир шавқ шиддатидан юзидаги изорани ҳам олиб туғридан-туғри муаллимага юзланган эди. Шу тобда унинг сутга чайилгандек тиниқ ва оппоқ юзлари хонага бир даста шуъла сочгандек булди.

Зайтуна очиқ осмон остида эмас, ўтовда эканлигини сезиб, қизариб кетди. Худди ёмон иш қилиб қуйган ёш боладек ерга қаради. “Хаёл қурсин”, деди у ўзига ўзи ва хушёр тортди.

– Орий рост, – деди муаллима кузларини ўтов дарчасидан бир текис тушаётган қуёш нурларига қадаб. – Коинот айланиб турар, ҳар бир сўзингизни эшитар, курар, талқин қилар. У тирик. Унинг сирлари юлдузлар ҳаракатида аниқроқ намоён бўлади. Ҳар ойнинг туққизинчи, ун туққизинчи, йигирма туққизинчи кунлари сайёра юлдузлари ерда бўлади. Уларнинг ҳаракатига қараб беморларни эмлаш мумкин...

Зайтуна кейинги пайтларда ўзида ғаройиб хис – ақл билан англаб бўлмас ҳол – эврилишлар кечаётганини, кунгил кўзгусида аксланган олам унга муъжизалар ваъда қилаётганини бугунги дарс жараёнида теранроқ англади. Рухи илоҳий бир шавқдан энтикиб, кўзларига ёш келди.

Бу уйлар хаёлга сиғдириб булмас даражада ёқимсиз, айна пайтда ҳузурли ва лаззатли эди. Ичидан элас-элас эшитилаётган сув, япроқ, шамол товушлари англамсиз бир шакллар ясаб, сунг яна тош, майса ва дарахтларга айланиб ғайритабиий фикрлар оқими пайдо қиларди. Овоз ниҳоясига етмай, у аллаким қаггик туртгандек чучиб тушди.

– Ҳов хаёлпарсат, – деди Земфира унга жилмайиб қараркан. – Утираверасанми?

Зайтуна ҳеч нарсa демай ҳозиргина дугонаси чиқиб кетган утовнинг кигиз эшигига термулганча узоқ хаёлга чумиб утирди. Сунг урнидан турди-да, у ҳам ташқарига чиқиб, дарё томонга йул олди. У катта тупроқ йулдан оҳиста юриб, бармоқларини букканча кунларни ҳисоблаб борарди:

– Утган кун ойнинг туққизинчи санаси эди. Шоммиди, йук-йук, адашдим, тавба қилдим, хуфтон вақти экан... Ҳа, бу пайтда сайёра юлдузлари ерда булади. “Ҳар ойнинг туққизинчи, ун туққизинчи, йигирма туққизинчи...” – муаллиманинг сузларини яна бир бор пичирлаб такрорлади. У айнан уша куни расадхонага борганини эслади. Юлдузлар унга жуда яқин жойда, ёнгинасида бўлгандир, эҳтимол.

Зайтунанинг фикрлари чувалашиб кетди. Боши лўқиллаб оғриди. Дарё буйига келиб, шундоққина қаршисида ястаниб ётган Жузжоннинг қир-адирларига соғинч билан қаради. Шабада юртининг буйларини олиб келгандек бўлди. Сунг сувга пича термулиб утирди-да, урнидан илдам туриб, дарё ёқалаб юра бошлади. Йул-йулакай малика Гавҳарбегимни эслади: “У ҳам юлдузларга ошно тутинганмикан?..” Уйлари босиб бораётган йуллари сингари сунгсиз туюлди. Шу кетишда у чуптуғара билан уралиб,

тепасига туғ тикилган миттигина тупроқ уюми рупарасида тўхтади. Қамиш пояларидан ясалган эшикни очиб қабр ёнига борди ва чўккалаб, узоқ тиловат қилди. Кейин пешонасини тириштириб, осмонга қаради; юзига ғам кулка солди. У ёнидан онасининг охирги марта бошига ураган ипак гулли румолини олиб, юзларига босди. Упкаси тулиб хўнграб йиғлаб юборди, гуё вужудида минглаб булоқлар кўз очгандек. Кейин йиғидан тўхтаб, йўлда адашиб қолган боладек атрофга олазарак қаради. Соялар аср намозига ишора қилиб турарди. Зайтуна шундагина ўтовдан анча олислаб кетганини англади. Куз ёшларини артиб, бошидан тушиб кетган румолини туғрилади-да, шошганча қизлар томонга чопиб кетди.

АТОРУД

– Ҳой қиз! Қайга йўлчиладинг? – деди утов ёнида турган Рухнигор хавотирли нигоҳларини унга қадаб. – Кўнглим ҳар таба кетди.

– Зиёратда эдим, – деди Зайтуна хижолат бўлгандек.

Зайтуна юраги сиқилган пайтлари ҳеч кимга сездирмай утовдан ташқарига чиқарди-да, Биби Танзила ва малика Гавҳарбегимнинг қабрларини зиёрат қилиб қайтарди. У ҳар гал у ерга борганида Биби Танзила қабри атрофида бир гала бурининг саф тортиб турганини кўрарди. Аввалига бироз чўчиган қиз, буриларга урганиб қолганиданми, ёки бирор илоҳий сир таъсириданми, уларнинг ёнида бемалол утирадиган, бурилар эса эркаланиб унинг ортидан анча ергача эргашиб борадиган бўлди.

Буни Рухнигор яхши биларди. Бугун ҳам унинг уша ерда эканлигини юраги сезган булса-да, негандир кўнглига хавотир оралади. Агар Зайтуна яна пича кечикса, уни излаб йулга тушиши турган гап эди.

– Дуруст, – деди Рухнигор нигоҳларини тоғ тепасига қадаб. – Эртага гиёҳ тергани чикасиз!

Зайтуна “хуп” дегандек енгилгина гаъзим қилди.

* * *

Гира-шира тонг. Майсалар тоғнинг намхуш ҳавосида титраб турибди. Ой нурида ялтираган оппоқ шудринглар оралаб тепаликка интилаётган Зайтуна оёғи остидан патирлаб учган каклик шовуридан чўчиб тушди.

– Субҳоналлоҳ... – ёқасини ҳилпиб, ичидаги қурқувни ҳайдаган булди.

Ун қадамча нарида ғимирлаб юрган Земфиранинг оёғи остидан кўчган тош бошқа катта-кичик тошларга урилиб, пастга юмалади. Чупон итлар ҳурди. Дарада чупоннинг “қурей-қурей” лаган овози, боласини излаган қўйлар, онасидан адашган қўзиларнинг баърагани эшитилди.

Зайтуна кийиклар энг ноёб гиёҳлар усган ерда юришини яхши билади, шунинг учун у кийик туёқлари тушган жойлардан гиёҳ излади. Бугун ҳам тоғ тепасига кутариларкан кийик туёғи чуқур ботган ерда шудрингларга ғусл қилиб, яшнаб турган қариқизга кузи тушди.

– Узимга ухшайсан! – деди Зайтуна унинг ногир яшил митти барглари, гулоби гулчаларини ушлаб.

Унга яқин келиб қолган Земфира кулди:

– Менга айтяпсанми?

– Йуқ, тул¹га, – қисқагина жавоб қилди қиз.

– Жин чалдими, нима бало?! – норози ғудранди дугонаси.

– Унинг руҳи Аторуд буржига тегишли, у фақат Аллоҳгагина тасбеҳ айтади.

– Ошиғи ҳам бор булса керак, а?

– Ҳа, хув анавиниси, каттароғи!

– Уғлон-ушоклари²-чи?

– Мана булар, – дея майсалар қатори ёйилган сарик, бинафшаранг миттигина гулчаларни курсатиб кулди у.

– Ол-а! Куримчи³ бупкет-э!

– Кел, сен “Жума” сурасини укиб тур, мен уни юлиб оламан.

– Сени қора момо айлантирибди, тол новда чайнаб юр! – деди Земфира жаҳл қилгандек тумшайиб нари кетаркан. – Сунг пастликдан туриб хитоб қилди: – Қара, тонг ўркади⁴. Утовга қайтамиз. Ҳали инган⁵ларни соғиш керак.

Зайтуна пичирлаб оятларни ўқигач, қариқизни оҳистагина юлиб олиб, тулай деб қолган саватига солдида, тепаликдан чопгандек пастга иниб, оти сари юрди.

Чуғурлашган қушлар сукунатнинг оппоқ эшикларини очиб юборди. Валийнинг кароматидек бир зумда чупон-у қуйлари билан яшилликка бурканган ажойиб манзара намоён бўлди. Уфқ кизарди. Чупон утовидан чиққан қиз, сув мешларини эшак хуржунига солиб, булоққа жунади. Қизлар эса уловларининг бошини ўтов томон буриб, ҳайё-хуйт деганча от солишди.

¹ Тул – қариқиз.

² Уғлон-ушоклари – болалари.

³ Куримчи – авлиё.

⁴ Тонг ўркади – тонг отди.

⁵ Инган – туя.

Зайтуна от елдириб бораркан кеча Рухнигорнинг турт унсур, малҳамлар малҳами ҳақида гапирган гапларини эслаб борарди. “Турт унсур ва туртга табиат, дедиларми? Ундай бўлса, уларни бир-бирига қушса, албатта, муташобих ул-ажзо¹ ҳосил булади-да! Бу – мизож. Шунда тупроқнинг, сувнинг, ҳаво билан оловнинг суратлари ҳам, маънолари ҳам қўшилиб кетадими? Уларнинг юлдузларга алоқаси-чи? Аторуд катта оламнинг асоси. Бу фалакдаги фаришталарнинг бошлиғи – Жаброил (а.с.), у оламдагиларнинг илмига сабабчи ҳам шу бўлса керак...”. – Зайтуна хаёлини банд этган сирли жумбоқлар оқимида утовга қандай етиб келганини сезмади. Земфиранинг жиғибийрон булганича ҳам бор. Йул-йўлакай айтилган гапларга бепарвогина бош силкиб келган Зайтуна дугонасининг “булоқдан сув олиб утамиз” деган гапини ҳам эшитмаган, у томонга бурилишни унутган эди.

– Тавба?! – деди дугонаси отини дарахтга боғларкан, ранжиб. – От устида ухлаб келдингми? Сувингни ҳам мен кўтариб юрайми?!

Земфира зарда билан икки челақни олиб, юлғунга бойлаб қуйилган туялар ёнига кетди.

Зайтуна гиёҳларни саралаб, ўтов соясига ёйди. Сунг енгилгина, чарчоқни босадиган дамлама тайёрлаб, тулуб²га солди-да, уни бағрига босганча ичкарига кириб кетди. Бироздан сунг эса утовдан майин бир қушиқ тарала бошлади:

... Углак учин олдимур?

Эмди юрак йиртилур...

¹ М у т а ш о б и х у л - а ж з о – таркибан ухшаш нарса.

² Т у л у б – қуй терисидан тикиб тайёрланадиган сув идиш.

³ **Мазмуни:** Замон учини олдимур?

Энди юрак йиглаиди (Девону луғотит-турк).

ОШИҚ АРАВАКАШ

Арава қушилган от угов олдига келиб тухтади-да, ер тепиниб, бор кучи билан кишнади. От-аравага ёғоч қути ва қоплар юкланган эди. Бироздан сунг утовдан Бибисора чиқди. Бозорчи йигит аравадан тушди-да, қоплардан бирини елкасига олиб Бибисоранинг изидан букридек эргашди. Озиқ-овқатларнинг аксарияти қалъага тегишли томорқаларда етиштирилса ҳам, баъзи бир маҳсулотлар Чағониён бозоридан харид қилинади. Уларни қабул қилиб олиш ишлари ҳам Бибисорага юклатилган эди. Йигит қизлар учун керакли бўлган маҳсулотларни олиб келган эди.

Йигит қопни утов олдидаги харсанг устига қуийиб, беқасам ёлмасининг чангларини кафтлари билан уриб-уриб тозаларкан деди:

– Бирйула чупонимизга ҳам учрадим. Жума бозорига бир-икки қуй буғузлаган экан. Бирагуни олиб келавердим.

– Бекор қилибсиз, – Бибисора йигитга маъноли жилмайди. – Эт етарли эди. Майли, қоқи қилиб олармиз!

– Бозор анча тушибди, – деди йигит аравадаги қопларнинг яна бирини келтириб қуяркан. Сунг у ёқ-бу ёққа аланглаб, кузи билан кимнидир излади. – Ҳул мевалар, анорларни айтмайсанми, ер қони буб ётибди-я.

– Ҳов, – деди қиз уткир нигоҳларини унга қадаб, – кимни ахтараяпсиз?

– Ҳеч кимни, – деди йигит бироз хижолат тортгандек. – Дугонанг кўринмайди.

– Ким?

– Ҳалиги, – йигит бошини қашлаб, ниманидир эслашга уринди. – Ҳа, Зайтуна?

– Ётчи¹ними? – қиз қопдан олиб тоғорага солган парвардаларни жаҳл билан нарирокқа суриб қуйди. – Афсунига учрабсиз, – жаврай кетди қиз. – Жодулари овозаи дарвоза-ку. Яхшиям ҳеч ким билмайди. Шоҳ саройина етса...

– Йулғ-эй, – йигит ажабланиб қаради. – Қанақа жоду ҳақида гапиряпсан?

– Эй-й, қандайдир башоратлар... Кеча тонгда сув юзида юриб кетаётганини курибди қизлар. Олами маънидан бохабар эмиш...

Бибисора утовдан бир тугунни олиб чиқиб уялинқираб йигитга узатди ва секин деди:

– Ҳолва, узим тайёрладим.

Йигит “шарт эмас эди” дегандек ортига бурилиб тугунчакни олди-да, раҳмат айтиб, кузларини қисганча осмонга қаради:

– Ҳаво айнияти. Ёмғир ёғади-ёв.

– Булут суйила бошлади, – деди қиз румоли учидаги тугунни ечиб, ундан Термизшоҳ тасвири туширилган кумуш танга олиб йигитга узатаркан. – Ундан кура ёмғир ёғса буларди. Жирғару²дан эсан эсин³ суякларимни қоқшатади. Кузларим ёшланадиган булди. Янаги дафъа Исфаҳоннинг қора-қунғир сурмаси билан оқтибанжол⁴ ола келарсиз!

Йигит тангани минг истиҳола билан олиб, нимадир демоқчи эди, бирин-кетин утовдан чиқиб келаётган қизлар уларнинг суҳбатини булиб қуйди. Бибисора узига ярашмаган ҳаракатлар билан белига тоғорани қуйиб, лапанглаб утов ортига

¹ Ётчи – афсунгар.

² Жирғару – шимол.

³ Эсин – шамол.

⁴ Оқтибанжол – мушк.

утиб кетди. Йигит отининг салқиган пуштонларини тўқасига силтаб-силтаб тортди, тугунни ечиб қайта боғлади. Сунг тахта ғилдиракларини текширган булиб араванинг панасига утди-да, қизлар орасидан Зайтунани излади. Негадир у куринмади. Йигит отни етаклаганча аравани шақирлатиб утовдан узоқлашди.

БАШОРАТЛИ ТУШ

Зайтуна эртанги шикор учун керакли бўлган ов анжомларини тайёрлаб, хуфтон намозини ўқишга тутинди. Гуё у тун ва куннинг пайпаслаб, жума кунининг дуо ижобат бўладиган, осмон эшиклари ланг очиладиган муқаддас ва илоҳий дақиқаларини қўлга киритишга уринаётган тақводор сингари кунни тунга улаб намоз ўқигач, тасбеҳ ва таҳлилга машғул бўлган кўйи кўзи илинди. Яна уша юлдуз – олтин эгар урилган самовий от рупарасида пайдо булди. Эгарда эса кўркам йигит қиёфасида кокиллари ҳилпираб Рухнигор турарди. Бу манзара унга жуда ҳам таниш. Кечагидек эсида, манъжу остидан боқиб турган кокилдор йигит. Ногаҳон бир нақшинкор эшик очилди-ю, унда бу дунёдаги нарсалар билан қиёслаб бўлмайдиган яшил утлоқ, оппоқ гулларга бурканган марварид дарахтлар, соясида ўтирган гузал маликалар ва уларга сабоқ бераётган Гулсума куринди. Рухнигор аста-секин Гулсума томон яқинлашар, Зайтуна қўлларини чўзар, йигит ундан узоқлаб борарди... Зайтуна унинг ортидан қанча югурмасин етолмади. Сунг ям-яшил майсалар устига ўтириб олиб, ўксиб-ўксиб йиғлади: “Изиё, у мендан юз угирди, Сен охиратда мендан юз угирма!”. Унинг сузларини қаердандир пайдо булган Жузжон шамоли яна қай-

тариб юзларига урар, оғзини қандайдир қул ушлаб тургандек нафаси ичига тушиб кетар, яна урнидан туриб жон ҳолагда йигитнинг ортидан югурарди. Шу пайт, қаршисида бир бури пайдо бўлди-ю, угкир тишларини курсатиб ириллади, пайт пойлаб устига ташланди. У ётган жойида типирчилар, бурининг чангалидан кутулишга уриниб, кичкирганча ёрдам сурарди...

Ярим тун. Зайтуна уйғониб, тепасида Бибисорани курди. Дарчадан дарёнинг салқин шабадаси урилиб турибди. Юлдузлар жимирлайди. Тердан шалаббо бўлган муздай куйлаклари унинг баданини жунжиктиргандек бўлди, оёқ учидаги курпани устига тортиб, Бибисорага ҳайратланиб қаради:

– Сен, бу ерда?..

– Ҳа, шу ерда эдим, – деди Бибисора норози оҳангда қошларини чимириб. – Утовни бошингга кўтардинг. Табиб чақириш керакми, кучлироғиндан, – киноя қилди яна у.

Зайтуна узини туголмай йиғлаб юборди. Гуё тузгин қоп-қора сочлари қоплаган вужуди дард ипларини йигираётган дастгоҳдек аламли ва изтиробли силкинди.

Бироз маҳзун тортган Бибисора яна тилга кирди.

– Чилла ўтириш яхши, аммо ошиғи... – деди у раҳми келгандек. – Қизлар орасида ҳам бўлмағур гап-сузлар юрибди. Бу кетишда сени ақлдан озганга чиқаришади. Бетайин башоратларинг-у...

– Бас қил! – унинг гапини кесиб ташлади Зайтуна. Сунг хиёл қаддини кутариб, болишни кукрагига босганча: – Қанақа башорат? – деди.

– Кофа-куфа сирларини очишинг, – Бибисора кузларини катта-катта қилиб, унга яқинроқ сурилди. – Сув юзидаги рақсинг... Мабодо булар турадан ташқарига чиқса-а-а... Гулханда ёқмаса ҳам, қатл қилишлари тайин!

– Йук, ундай эмас, – укириб юборди Зайтуна. – Ичкин¹.

– Кеча бозорчи йигит шу ҳақда гапирди. Сен...

Зайтуна устидаги курпани иргитиб урнидан турди-да, Бибисорани елкасидан итариб юборди. У утов устунига суяниб қолди.

– Гулсума устозга ҳам сен чақдингми? – Зайтунанинг қуллари титрар, лаблари пир-пир учарди. – У йигит ҳам сендан эшитган, эрсак²...

Бибисоранинг ранги буздай оқариб кетди. Кузларини қиздан олиб қочиб, гудранганча алланималар деди, аммо бу гапларни Зайтуна эшитмади. Унинг боши узра хона гир айланарди. Бу хиёнат нафақат дилни яраловчи оғриқ, чақмоқ каби бутун борлиғини куйдириб ташловчи, жисму жонини мавҳ этувчи заҳаролуд зарба эди. Бугзига тикилиб турган тошдай йиғи ташқарига отилиб чиқди. У яна жойига узини ташлади-да, деворга угирилиб олганча хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Оломон тошлари остида қолганида ҳам бир марта бўлса-да миқ этмаган Мансур Халлож шайх Шиблийнинг унга қарата улоқтирган “бир дона гулидан” оҳ тортганидек Бибисоранинг айёрона меҳрибончилиги Зайтунанинг руҳини камон ўқларидек жароҳатлаб ўтган эди.

Бибисора тисарилиб, ташқари юрди-да, “Улиб кетмайсанми!” деганча чиқиб кетди.

¹ Ичкин – айғоқчи.

² Эрсак – эрга шошилган; эрсираган хотин.

ИЛОҲИЙ ДОИРА

Қизларнинг қалъадан чиққанига ҳам икки ҳафта булди. Рухнигор шикор ва сувда сузиш машқларидан сунг толибаларга сабоқ берарди. Бугун ҳам, бир қарашда ўта жиддий ва қаттиққўлиги билиниб турадиган, юзига изора тутган устоз узун, ҳаворанг либосда қўлиғига китоб қистирганча ўтов ёнида саф тортган қизлар ёнига келди.

Кузнинг намхуш ва салқин шабадаси эсарди. Қушлар хониш қилди. Муаллима қушлар овозига пича қулоқ тутиб турди-да, кейин қайрағоч тагидаги харсангтош ёнига бориб, унга катта доира, агрофига эса соат милларига ўхшаш саккизта чизик чизди. Уларнинг тўрттасига Шарқ, Жануб, Ғарб, Шимол деб ёзиб чиқди ва рақамлар билан белгилади.

Қизлар қўлларидаги япалоқ тошларга муаллима чизган жадвални кучира бошлашди. Анор пучоғидан тайёрланган буёқ билан тулдирилган сиёҳдонларга ботириб олинган қаламлардан қолган излар кип-қизил тусдаги диаграмма чизикларидек инсон умр йўллари, дарду оғриқларини, уру кир ва пуртаналарини тасвирлаётган мусаввир чизгиларини эслатарди.

Рухнигор биров уйланиб туриб, жадвални тушунтира бошлади:

– Бу – биз руҳан боғланишимиз мумкин бўлган илми ғайба мавжуд илоҳий доира. Ғайб илмлари ана шу доирада жамланади...

Зайтунанинг хаёлида ўша куни устурлобда кузатган ғаройиб манзаралари қайта гавдаланди. Қерда ўтирганини ҳам унутди. У ўз оламида сайр қиларди: қўнғироқчалар такқан олтин аравалар ва унда ўтирган шахзода...

Муаллиманинг зарда аралаш айтган сузлари Зайтунанинг осмоний уйларини гузғитиб юборди:

– Биламиз, – уша кунги шоҳ навкарлари билан бўлган туқнашувга ишора қилди у. – Қоидаларни бузаяпсиз!.. – Сунг яқин келиб Зайтунага тик қаради. – Аммо... дағи хийла паришонсиз!

Зайтуна унинг йирик кузларида мардона бир ўтни сезди. Бу кузлар унга негадир қалъага биринчи бор келганда, манъжуга суяниб турган йигитнинг қарашларини эслатди. Қизнинг юзида акс этиб турган ифода ўзгариб, қўрқув ўрнини маъюслик эгаллади. У ўрнидан туриб узр сурагач, яна жойига чўкди. “Нега ҳар сафар гапирганда эшик ёки дарчага қараб ўтирадиган устоз бугун менга бундай ёмон қаради? Мени ёмон қўриб қолдимикан? Ё бирор хато қилдимми?” – уйлари чувалашди қизнинг. Рухнигор харсангтошни асабий бир айланиб, ўтов ёнига борди-да, ўзини босиб олиш учун кузадан сув олиб ичди. Кейин ортига қайтиб яна сузини давом эттирди:

– Хотиримга бир ривоят келди. Бу балки... – у Зайтунага бир қараб олгач, айтмоқчи бўлган фикридан воз кечдими, тўхтаб, уйлаганини эмас, бутунлай бошқа нарсани гапирди. – Сабр қилган бандасини Тангри хуш қуларкан! Айтиб берайми? Ажойиб ривоят! – қизиқтирган бўлди муаллима.

Юлдузлар ҳаракати-ю, алламбало оғир жадваллар, рақамлар толиқтирган қизлар чапак чалиб муаллимани қўллаб-қувватлашди.

Рухнигор майсалар устига чордона қўриб ўтирди-да, атрофида ҳалқа ҳосил қилган қизларга паст овозда, ғамгин, худди алла айтгандек берилиб гапирди бошлади:

– Фаришталар ҳали қанот қоқиб улгурмаган. Соҳил бўйида каттагина қишлоқ бўлиб, унга яқин

тепалик ортидаги ғарибона кулбанинг бир четида соч-соқоллари оппоқ бир қария ибодат қиларди. Бу зот ким эди? – Рухнигор қизларга савол назари билан қаради, улардан садо чиқмагач сузида давом этди: – Бу – бадавлат ва шукурли зот бўлган ялавоч – Айюб айҳиссалом эди. Дарча ёнига илинган осма чироқдан таралган шуъла унинг юзларига урилиб, кузларидан таралаётган ёрқин нурларга ҳамоҳанг липиллаб рақс тушарди. Баъзан ёрқин нурлар кучайиб чироқнинг сарғиш шуълаларини маҳв этарди. Туйқус тепа туйнукдан тушаётган бир қатим нур ҳазрати Айюбнинг унгирларига тушиб юмалоқ-юмалоқ гардишлар ҳосил қиларди. Хона ёриша бошлади. Шу пайт эшик шашт билан очилиб, бадқовоқ бир одам шахдам қадамлар билан хонага кириб келди. Бу ким эди? – Муаллима яна қизларга юзланди. Қизлар жур бўлиб “Шайтони лаъин эди” дейишди. – Бале¹, – деди у жилмайиб. Сунг яна сузлай кетди: – Тепакал, кошлари усиқ, кузлари кук, тирноқлари усиқ бу шайтон ҳазрати Айюбнинг олдига чуқди-да, дүриллоқ овозда деди: “Эй Айюб, Аллоҳ осмондан оташ юбориб, мол-қуйларингни куйдириб йуқ қилди. Сен эса тунни тонгга улаб ибодат қияпсан”. Ҳазрати Айюб жавоб бермади. Бироз утиб намоздан фориг бўлгач, “Узи бериб, Узи олган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деди ва яна ибодатга шунғиди. Ҳазрати Айюбнинг гузал ибодатига ҳасади келган шайтон еттинчи осмонга кутарилиб, “Ё Раббим, давлат берганинг учун у сенга ибодат қилмоқда, агар имкон берсанг, мен уни бу зикру ибодатдан қандай чалғитганимни курасан”, деганидан сунг Аллоҳ ҳазрати Айюбнинг тили ва

¹ Бале – ҳа.

руҳидан бошқа ҳаммасини унга топширган, шайтон умри давомида эришмаган бундай имкониятдан мамнун бўлиб, жинларни уз хузурига чорлаган ва унинг мол-ҳолларини куйдириб йуқ қилгач, “қани энди нима қиларкан?” дегандек пайғамбарнинг хузурига йул олган эди. Шайтон ташқарига чиқиб, соҳил буйига борди ва даҳшатли қичқирди. Атрофига қора чигирткадек сон-саноксиз жинлар йиғилиб, итоатгуй қуллардек бош эгди. Шайтон қулларини орқага қовуштириб, у ёқдан-бу ёққа асабий бориб келгач, курсаткич бармоғини кулба томонга нуқиб: “Тарқалинг ва фарзандларини ҳам ҳалок қилинг!” деди. Жинлар кулбанинг барча тирқишларидан ичкарига урмалаб кира бошлашди. Ҳазрати Айюбнинг хонасига юзма-юз яна бир хона бўлиб, у ерда хотинлари ва бола-чақалари нонушта қилиб утирарди. Жинлар улканлашиб, қичқирганча болалар устида юмалай кетишди, улар утирган жойларида бирин-кетин жон таслим қилишди. Хотинлар дод солди. Еру осмон титраб кетди. Яна уша алфозда ҳазрати Айюбнинг кулбасига кириб келган шайтон унинг ҳали ҳам жойнамоz устида эканлигини куриб: “Аллоҳ фарзандларингни ҳалок қилди. Сен ҳануз ибодатдамисан?” деди. Ҳазрати Айюб жавоб бермади. Бироз утиб намоздан фориг бўлгач, “Узи бериб, Узи олган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деди ва яна қайта ибодатга шунғиди. Шайтон дарғазаб бўлди ва ҳазрати Айюбнинг ёнига келиб унинг оғиз-бурнига пуфлаганди, у беҳол бўлди, баданига бадбуй хид тарқалди, қаттиқ терлади, бош-оёғига чечак тошиб, йиринглай бошлади. Шу кундан бошлаб шайтон кулбага келмай қуйди. Ҳазрати Айюб тушакка михланиб қолди. Унинг бу ҳолидан жирканган дусту яқинлар, хотинлари бирин-кетин тарк этишди.

Биргина хотини Раҳима қолди. Ҳамкишлоқлар ҳам сиғдирмагач, Раҳима эрини олиб даштга чиқди, чайла тикди, қулдан тушак, тошдан болиш қилди. Қишлоқда уззукун ишлаб, топганини эрига келтирадиган бўлди. Эрининг этсиз танасидаги қуртлар бир-бирини ея бошлаганда, омон қолган бир жуфт қурт юрагини, тилини тишлаганда Айюб алайҳиссалом Тангрига ёлборди: “Ё Раббим, Сен раҳмлиларнинг раҳмлисисан. Ортиқ тоқатим қолмади”. Шу пайт шамол турди, дарё сувлари шалоплаб, даҳшатли тулкин урди ва Аллоҳ таолодан ваҳий келди: “Оёғинг остини товонинг билан теп”. Ҳазрати Айюб ерни тепган эди, чашма отилиб чиқди. У сувдан кафтларига олиб ичди. Сув шунақа ширин эдики, бутун танига қувват, ором югургандек бўлди. Ҳазрати Айюб унинг сувига чумилди, ичди ва барча дардларидан халос бўлди...

Рухнигор ривоят айтарди-ю, кузларидан шашқатор ёш тукилар, лаблари титрар, пешонасидан маржон-маржон тер қуйилар, ҳар замонда бурнини тортиб, ёш тула кузларини осмонга тикиб, “Ё Раббим” деб қўярди.

Қизлар ҳам ёшли кузларини ишқаганча, ернигоҳларини қадаб, тафаккурга шунғиган, энди улар бир-бирларининг қўлларидан тутиб, “ё ху, ё ман ху” деганча ўтов чанғароғига боқиб рақси самоъ туша бошлаган эди. Товушлар ўтов устунларини зириллатар, қушлар сингари унинг панжарали ёғочларига урилиб, муъжиб бир қўшиққа айланарди.

Ошиқу мубтало Зайтунанинг кўзига Рухнигор муаллима манъжуга суяниб турган кузлари қоп-қора, сочлари елкасига тушган уша йигит бўлиб кўринди-ми, унга қараб талпинар, оёқларининг тагига узини

ташлаб, буғиқ нидо қилар, яна қизларга қушилиб рақс тушиб кетарди.

Бу ҳол Земфиранинг беҳуш йиқилиши билан якун топди.

РАҲИМАНИНГ СОЧЛАРИ

Қора булутлар Бойсуннинг ўқ тоғларига қараб сурилди. Тоғ шабадаси Зайтунанинг ёноқларини силаб, қунғироқ зулфларини уйнаб утди. Ёмғир бир-икки томчилади. Бадани жунжикди; ўтовга кириб, энди урнига чузилган эди ҳамки, остонада Земфира куринди.

Зайтуна истамайгина “кел” деганча, китоб ва-рақлашга тушди.

– Сен ҳақингда... эҳ-е-е ёмон гаплар юрибди, – деди у дугонасининг ёнига чуқаркан бармоқларини бирин-кетин букиб. – Савдойи, ётчи... санайверайми?

Шу пайт Зайтуна нимадир эсига келиб, сакраб турди-да, кузлари ёниб дугонасига қаради:

– Устознинг кузларини курдингми?

– Нима қилибди кузларига? – деди Земфира гуё устознинг кузида бирор нуксон бўлган-у, у бундан беҳабар қолгандек. – Нима, ғилай эканми?

– Йук. Нимадир бор демоқчийдим.

– Ургилдим сендан. Ростданам сенга нимадир бўлган.

Зайтунанинг анча кунлардан буён уйлари алғов-далғов, дили хуфтон эди, аммо буни ҳеч кимга сездирмасликка қанча уринмасин, қандайдир сирли куч уни дугонаси сари тортар, борлигини чирмаб олган бу мавҳумотни фақат Земфира билан сирлашгиси келарди. Балки уни безовта қилган

мавҳум сир Земфиранинг ҳам руҳида оч бури-
дек увлаётгандир. Жодудек қора ипларга чандиб
ташланган бу мавҳумот нима эди, буни ўзи ҳам
тушунмасди. У Земфирани беш қулидек яхши
биларди, ҳар бир ҳаракати, уйлари унга таниш,
нима демоқчи эканлигини гапирмасдан аввал
англайди. Ҳатто у билан бир хил тушлар курган
пайтлари ҳам булди. Нега? Наҳотки унга рухан
шунчалар яқин булса?

Зайтуна ботинида қўзғалган беором сирли туйғу-
лар қаршисида бир лаҳза иккиланиб турди-да, яна
дугонасига юзланди:

– Кунглим алағда, гуё бу кузлар...

– Етар энди! – Земфира жаҳл қилгандек юзлари-
ни дарча томонга буриб олди. У Зайтунани эшитгиси
келди-ю, аммо ичида пайдо булган қўрқув фикридан
кайтарди. Ҳозир нимадир содир буладигандек юраги
“шув” этди, гуё дугонаси даҳшатли бир сирни очиб
қуяди-ю, кутилмаган бурондек ҳамма жойни остин-
устун қилади. Земфира урнидан турди-да, нимага
келганини ҳам унутиб, утовдан чикиб кетди. Зайту-
на эса дугонасининг қўрқув аралаш нигоҳларини куз
олдига келтириб завқланиб кулди.

Ҳеч қанча вақт утмай хонада осмондан тушгандек
қулида бир даста китоб билан Рухнигор пайдо булди:
оқ куйлак кийган, бармоқларида эса зумрад кузли узук.

– Ё Тангрим, – деди Зайтуна ҳаяжонланиб ва уй-
лади: “Қурт¹ни йуқласанг қулоғи куринади”.

– Мана бу... – деди Рухнигор қулидаги китоблар-
га ишора қилиб. – Уқиб чиқарсиз.

– Раҳмат, халиги... узр сўрайман, – деди Зайтуна
ерга қараб турган булса-да, узун киприклари ости-

¹ Қурт – бури.

дан унга ҳар замонда назар ташлаб қуяркан. Сунг илдам юриб, устознинг қулидаги китобларни олди.

Рухнигор “ҳечқиси йуқ” дегандек қулини силкиб, чикиб кетишга шайланган эди, Зайтуна уни қуярда-қуймай бироз утиришга ундади. Муаллима курпачанинг бир четига ийманибгина чукди. Зайтуна ҳам унинг ёнига ўтирди ва гап бошлади:

– Ривоят дардли экан. Эсласам кунглим бузилади. Раҳиманинг: “Ё Изи, аҳволимни кўриб турибсан. Одамлар бу дунёда биздан жирканмоқда, Сен охиратда биздан жирканма! Ё Изи, одамлар бизни ҳовлимиздан қувиб юборди, қиёмат кунин Сен жаннатингдан бизни қувма!” дея илтижо қилганлари-чи? – гапира туриб, ғайришуурий тарзда кафтини Рухнигорнинг қулига қуйди, шу билан ҳаяжоним босилади деб уйладими ёки бегуноҳ бир эркалик билан руҳида исён қилаётган ботиний сезгини учирмоқчи бўлдими, унинг билакларидан ушлаб, елкасига бош қуйди ва давом этди: – Нонвойнинг хотинидан қарзга нон сурагани, эвазига ер упган ун икки кокилини қайчилаб, унга бергани, ҳазрати Айюб хотиним ўзини сотибди, деган гумонга боргани, бўлган воқеани билгач ич-ичидан юм-юм йиғлаганлари, эҳ-ҳ, бари қазғули-я?!

Рухнигор ҳаракатсиз, утирган жойида тошдай қотиб турарди. Билакларига тегиб турган қизнинг иссиқ кафтлари чехрасига хижолат оловини ёққан-у, зулфларини уйнаётган унинг сабуҳий нафаслари эса бу утни ўчиришга уринарди. Муаллима қизнинг коп-қора сочларини беихтиёр силади, бармоқларига ураб эркалади. Ботаётган қуёшнинг қизғиш нурлари дарчадан ошиб, унинг соч уйнаётган бармоқларига тушди.

– Намози шом! – деди Рухнигор ўтов дарчасига қараб. Унинг елкасига бош қуйиб турган Зайтуна эса она қучоғидан айрилаётган қизалоқ сингари урнидан истамайгина қўзғаларкан қўзлари муаллиманинг хавотирли қўзлари билан туқнашиб кетди. Гўё баданидан совуқ илон урмалагандек сесканди. Юраги тез-тез ура бошлади. Бу ҳолатни сезган Рухнигор у ёқ-бу ёққа қараган булди-да, урнидан туриб, эшик томон охиста қадам қуяркан деди:

– Эртага устоз Амул¹нинг дарси. Кеч қолманг-а!

МИТТИ ОДАМЛАР

Жайхун шовуллади. Юлғун шохларини юлқилаб уйнаётган тулқинлар сукунат тошларига урилиб, қўкка сапчиди ва ортига қайтаркан ой нурларига чулғаниб рангин мусиқалар ҳосил қилди. Соҳил атрофларида пайдо бўлган гулханлар оппоқ ёғдуларни чорлаётгандек оловли қўлларини у ёқдан-бу ёққа силкиб овоз берди: гурр-гурррр... Оловни ураб олган қизлар куп утмай оппоқ қўйлаклари билан узларини сувга отишди. Уйғонаётган борлиқ – отларнинг янтоқ бошларини “карс-курс” узиб еяётгани, сувга сакраган қурбақанинг шалоплаши тонг отаётганидан дарак берди. Тулқинларга тур ташлаб, унинг нолаларини тутишга қизиқиб кетган ой тонг отганини ҳам сезмади.

Гулханга ўтин ташлаб утирган Зайтунанинг хаёлига яна ўша йигит келди. Улар ёнма-ён ўтирибди. Гўё елкалари бир-бирига тегиб тургандек, қиз йигитнинг олов кафтларини аввал бармоқларида, сўнг ҳадикдан дир-дир титраб турган елкаларида ҳис

¹ А м у л – маҳаллий аҳоли Амударёни Амул деб аташган.

қилди; энтиқди. Тўлқинлар оловга урилиб, яшнаётган чуғ дарё остидаги марваридлардек жимирлаб кетди. Сув ва олов қушилиб, унга ёруғ йўл очган-у, у бу йўлдан туясига миниб қўшиқ ҳиргойи қилиб кетаётган қиз – узини курди. У уйқудан уйғонгандек чўчиб тушди ва ёнида ҳеч ким йўқлигини билди. Қизлар аллақачон дарёга тушиб, нариги соҳил сари сузарди. Зайтуна урнидан туриб дарё бўйига борди, сувдан ажиб ифор таралгандек бўлди, совуқ хаёл қилдими аввал секингина оёқларини солди, илиқ тафт оёқларидан урмалаб бутун вужудини эгаллагач, учишга шайлангандек қўлларини ёзиб узини сувга ташлади.

Зайтуна ой нурлари уйнаётган сувда шунақа тез сузардики, бир лаҳзада балиқдек дарёнинг қоқ уртасида пайдо булар, қизларнинг қиқир-қиқир кулгилари эса сув юзида қалқиб-қалқиб, Зайтунанинг ёнига келганда ажиб пўртаналар ҳосил қиларди.

Зайтуна кейинги кунларда узидаги ғаройиб ўзгаришларни, кўзига ҳар хил нарсалар кўринишини шунчаки юрт соғинчи, тунлари тинимсиз мутолаа, толиқиш ва бедорликдан деб билса ҳам, ичида англаб бўлмас бир қўрқув ҳукмрон эди. Бу қўрқув баъзан ширин оромга, этни жунжиктирадиган ажиб орзиқишга айланарди. У бугун ҳам дарёда сузиб бораркан, атрофини одамчалар митти қайиқларда ураб кетаётганини кўриб қўрқиб кетди. Узи билмаган ҳолда дугоналаридан анча олислаб кетганини англади. Танидаги бутун кучини аждаҳо сингари сўриб олаётган дарё оғир-оғир ютинди. Қизнинг қўл-оёқларидан мадор қочди. У ортига қайтиб, яна қайиқчалар қўрқовида қирғоқ сари суза бошлади. Туйқус ёнгинасида, сув юзида ёрқин нур таратиб турган Аторуд юлдузини курди. Унинг атрофида

жилваланаётган ғаройиб нур рақсига термулганча сув қаърига тобора чуқур тушиб бораётганини ғира-шира англар, аммо бунга қарши бирор чора қилолмас, на қулини қимирлатар, на оёқ силкий олар эди. Кузлари куюқ зулмат аро оппоқ йулак очилганини, ёрқин туйнук пайдо булганини илғади, ғайришуурий энтикиш билан туйнукдан сузиб утди-да, вужудида ғаройиб бир енгилликни туйди, сунгсиз нурли йул буйлаб бораркан, икки томонини ураб олган ям-яшил ярқироқ боғлар яшил ёғдуларда чумилаётгандек куринди, оппоқ нурлардан кузлари қамашди. Бу нурнинг манбасини излаб олға юрди. Туйқус нурли йулакни кесиб утган шуълалар дарёси намоён булди ва унинг зангор тулқинлари ичида ғарқ бўлиб бораётган уз танасини, рухсиз жасади сари сузиб келаётган Рухнигорни курди-ю, узи ҳам бир нафасда ўз танасининг ёнида пайдо булди, жонсиз оёқларидан кучди. Шунда бир бақувват қул сочларидан маҳкам ушлаб, сув юзасига олиб чиқаётганини пайқади. Кузларини очганда қирғоқда ётарди. Тепасида эса ҳарир ипак кўйлақда, куринишидан эркак, аммо Рухнигорга жуда ухшаш нотаниш бир киши тик турарди. Зайтуна яна ҳушидан кетди. Кузини очганида эса эркак йуқ эди. Нафаси қисиб юраги беҳузур булди. Ён томонга хиёл бурилиб уғжиди, калта-калта йўталди. Сунг бошини кутариб, дарёга қаради. Дарё ҳеч нарса курмагандек уз узани буйлаб бир маромда йурғаларди. Қизлар эса бу воқеадан хабарсиздай қий-чув кутарганча бир-бирига сув сепиб, қумлоқ қирғоқ буйлаб чопиб юришарди.

Зайтуна урнидан сапчиб туриб, ҳул куйлақларини қуритиш учун пана жой излади. Соҳилда биргина тут дарахти булиб, унинг остидаги харсанг

тошда Рухнигор китоб ўқиб ўтирарди. У дарёга туташ боққа югуриб кетди. Анжир дарахтининг панасида кийимларини ечиб сиқди-да, баданига ёпишиб турган куйлагини тортиб-тортиб қўяркан, ҳозиргина уни қутқарган йигит ҳақида уйлай бошлади: “Ким эди у? Нега Рухнигорга бунчалик ухшайди?..” Аммо бир тухтамга келолмай аллатовур бир кайфиятда турганида ортида кимдир чуқур-чуқур нафас олгандек туюлди. Йигит ҳаёл қилди-ми, кукракларини қули билан тўсиб, чўчиб атрофга аланглади: ҳеч кимнинг қораси кўринмади. Бир муддат утиб, яна ҳансираган овоз эшитилди. Зайтуна бадтар кўрқиб кетди. Овоз келаётган томонга синчков назар ташлаб қулоқ тутган эди, анжир оҳиста тебраниб, овоз бергандек бўлди. У анжир дарахти одамдек нафас олиши ҳақида китобларда ўқиган эди, лекин айни пайтда бу ҳаёлига келмади. Қиз анжирдан узоқлашди. Дарахт поясидаги шамолли олов киприк қоққунчалик фурсатда тубидан тортиб барглари учигача бориб келди, сониялар ичида қизил гулчалар очиб, худди шундай тезлик билан тукила бошлади. Тукилган гуллари ўрнидан бўртиб-бўртиб мевачалар пайдо бўлди. Зайтуна тиззалаб ўтирди-да, “Ват-тийн” сурасини ўқий бошлади. Анжир яна бир чуқур нафас олди-да, сўнг жимиб қолди. Жимлик ипини қизларнинг овози узди:

– Ҳу-у, Зайтуна-а-а!

У анжир дарахтига бир фурсат тикилиб қолди. Дарахт танасидаги оғриқлар унинг вужудига кўчгандек кўзлари ёшланди. Томирлари бўйлаб югураётган олов узун киприкларида кўз ёш – оппоқ гулчалар пайдо қилди. Зайтуна ҳам анжирдек оғир хурсинди. Сўнг ўрнидан туриб қизлар томон юрди.

Тонг ёришиб булди. Қизлар нарсаларини йи-
гиштириб бирин-кетин дарё бўйида яна саф тор-
тишди. Тепалик устида китоб мутолаа қилиб ўтир-
ган Рухнигор муаллима сафга яқинлашди-да, Зай-
тунага куз қирини ташлаб, сунг қизларга юзланди:

– Сув – турт унсурнинг бири. Сувда сузаяпсизми,
уни бутун вужудингиз билан ҳис қилинг, узингизни
дарё денг! Шунда у сизни бегонасирамайди.

Зайтунанинг вужудига титроқ югурди: “Наҳотки,
мени қутқарган одам Рухнигор булса?!”

Қизлар отларига илдам-илдам миниб, ўтов сари
кетдилар. Зайтуна эса Рухнигорга яқинлашди.

– Устоз, – деди титроқ овозда. – Чукай дедим. Ку-
зимни очсам...

Китоб варақлаб ўтирган муаллима бошини ил-
кис қўтариб унга қаради. Зайтуна унинг кузлари-
да яна уша утни кўрди. Томоғида туриб қолган суз
товонларигача зириллатиб ўтди; нигоҳларини ерга
эгди.

– Ҳали сузишни яхши билмайсиз! – деди Рухни-
гор хотиржам кайфиятда кузларини дарё томонга
қадаб. – Секин-аста...

Рухнигор урнидан туриб сафланган қизлар сари
юрди, орқадан Зайтуна эргашди.

Оқ ипдан қора ип ажралиб, майсалардаги шуд-
ринг доналар ялтирай бошлади. Отлар пишқириб
ер тепинди-ю ўтов томон уқдек учиб кетди.

Қиз бу воқеадан кейин анча пайтгача узига ке-
лолмай юрди. Юрса ҳам, ўтирса ҳам уша йигит хаё-
лидан кетмади. У узини бир сафар ёлғондан чукаёт-
ган қилиб курсатди, нафи булмади. Жавонмард дарё
барибир унга уз сирларини очмади.

Зайтуна ўтовга келгач, кийимларини алмашти-
риб, бугун буладиган Чоршанба сулув байрамига

тайёргарлик курди. Қошларига усма, кузларига сурма, кафтларига хина қуйди. Оҳорли либосларини кийиб, қизлар билан кенг сайхонлик сари йул олди.

Зайтуна Жайхун бўйлаб юриб бораркан, шиддат билан оқаётган лолақизғалдоқ сувларнинг тулқин уришига бир зум тикилиб қолди. Бу пуртаналар Рухнигор утирган харсангтошга шалоплаб урилар, жойидан силжитолмагач, айланиб яна долғали оқимларга қушилиб кетарди. Бироз нарида гаплашиб Зайтунани кутиб турган қизлар сабри чидамай кичқирди:

– Бул энди!

Зайтуна ерда ётган япалоқ тошлардан бирини олиб Жайхунга қиялагиб отди-да, сув юзида сакраб-сакраб кетаётган тошга бирпас қараб тургач, қизлар ортидан чопиб кетди.

ЧОРШАНБА СУЛУВ

Сафар ойи. Кайкитоғ этакларидаги кенг сайхонликда қозонлар осилган, гоҳ дуторнинг шўх овози, гоҳ чанқовузнинг махзун нолалари, гоҳ чарх урганча рақс тушиб доира чалаётган, қушиқ айтаётган қизларнинг жарангдор кулгилари эшитилади. Қувноқ кулгилар уртада ловуллаб ёнаётган гулхан тилларига кучиб, осмонга урлайди. Ялангликда йўғон шохлари тарвақайлаб кетган гужум булиб, унинг шохига солинган ҳалинчак қизларнинг кулгиларини осмонларга олиб чиқиб, кенг дашт устидан сочиб юборарди.

Ошлоқларга турли ноз-неъматлар тортилган, парварда дейсизми, ёрма, ҳолвайтар, қотирма¹

¹ Қотирма – патирдай ёйиб, қозонда пишириладиган нон тури.

дейсизми, баридан бор. Марказга тикилган чодир яқинидаги еручоқ ёнида гулоби пешонабанд ураган Рухнигор гоҳ чапдастлик билан утин ёрар, гоҳ узун капкир билан қозонни ковлаб қўяр, гоҳ утлоққа ёйилган қоқма гиламда чуғурлашиб сабзавот арчаётган қизларнинг шухчан ҳазил-ҳузулларига аралашар, алланималар деб уларни кулдираар эди. Қизлар ич-ичидан унинг чапдаст, илдам ва уктам ҳаракатларидан ҳайратланишса, муаллиманинг болта сопини маҳкам тутган чайир қўллари Зайтунага манъжу остида кетмон дастасини сиқиб турган уша утли кузлар соҳибини эслатарди.

Рухнигор қозон ёнига қизлардан бирини қуйиб, даврага қушилди ва уларни баҳсга чорлади:

– Келинглар, мен сизларга либос ҳақида гапириб бераман. Ипак либос юракни бақувват қилса, зангориси хафақонликни йўқотаркан. Заъфарон тус жома бепуштликка олиб келади...

Рухнигор устидаги зангори кийимга ишора қилиб, этакларини тортиб-тортиб қўйди-да, яна қизларга юзланди.

– Бу хасталик, – деди у яна алланималарни уйлагандек утов чанғароғига қараб. – Бош мия туқималарининг олам ва коинотга таъсири натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Зайтуна бирдан гапга аралашди:

– Эй, мен заъфарон тусли жомаларни яхши қурардим-ку? Энди бу рангдан воз кечаманми?

– Рост, – деди Рухнигор қизнинг бош-оёғига разм соларкан жилмайиб. – Бу рангдаги калим¹ларни киймаганингиз дуруст.

Қизлар бирин-кетин савол бера бошлашди.

¹ К а л и м – кийим.

Зайтуна кеча тушида курган Рухнигор билан боғлиқ ғаройиб манзараларни эслаб, чунтагида турган япалоқ тошни олиб, “Кузлар” деб ёзди-да, уни секингина Земфирага узатди.

“Бу кузлар манъжу остидан боққан кузлар”.

“Устозми?”

“Юсуфнинг кузлари!”.

“Телва!”

Кулдан кулга утиб, унсиз суҳбатлашаётган тошлар ҳаракатини суҳбат давомида кузатиб турган Рухнигор толибалар эътиборини жалб қилмаслик учун гапини тухтатмай, Земфирага караб кузлари билан “тошни бер” дегандек ишора қилди. Ноилож қолган Земфира бироз иккиланиб турди-да, қизарганча тошларни унга узатди. Устоз яна ушандай алфозда гапини давом эттирди. Тошдаги сузларни уқиди-да, ранги ўзгарди, аммо сездирмасликка тиришди, хотиржам урнидан туриб, учоқ бошига кетди. Рухнигор тез-тез одимлаб бораркан бу ерга келишдан олдин устози ва унинг уртасида бўлиб ўтган суҳбатни эслади.

– Сочингни устирасан, – деди Аҳмад Сонур жиддий қиёфада. – Бир йил етади!

– Ҳазрат, – деди Сомон Ашур хайратланиб, – нега энди?..

– Қизларга сабоқ берасан! – деди устоз унинг гапини кесиб. – Улар эран¹ эканлигини билиб қолмасин. Гулсума рози. Турада мирзабошилик ҳам қиласан.

– Аёл калимида-я?! – деди Сомон Ашур устозидан ғазабини яширишга уриниб.

– Тафсири Қуръон билан тиббу табобатда олдинга тушадигани йўқ. Отда юриш, сувда сузиш, камон

¹ Эран – эркак.

отиш, шикор қилиш, хуллас, тамоми варзишда қизларга устозлик қилсанг дегандим.

Сомон Ашур таъзим қилиб, орага чуккан оғир изтиробли сукунатни ички исёни билан бузмасдан, бесас-бесадо ташқари чиқди ва бир йилдан сунг аёллибосидаги сочи узун йигит Рухнигор исми билан қалъага кирди.

Бу воқеаларни эсларкан унинг аввал чехрасига табассум югурди, сунг жиддий қиёфага кириб, учоқ бошигача шахдам қадамлар билан бориб, тухтади. Чунтагига қўл солиб тошни олди. Тикилди. Япалоқ тошдаги арабий имлолар илдиз отгандек, гулга буркангандек, унга нималарнидир шивирлагандек, елкасига бош қўйиб турган қизнинг сабухий нафасларини димоғига олиб келгандек булди. Юраги гупуриб, вужудига титроқ югурди. Энтикди. Шу қўйи хира тортиб бораётган қуёш нурларида ялтираб турган тошлардаги сузларга бирзум тикилиб турди-да, уларни яна чунтагига солиб, Жайхун томон шитоб билан кетди.

Рухнигор даврани тарк этгач, юрагида пайдо булган қурқувни боса олмаган Зайтуна ҳам қизлар орасидан отилиб чиқди. Шу лаҳзада унинг бу қурқуви англаб булмас ширин бир туйғуга айланиб, музлаб бораётган вужудини иситгандай эди.

Дугонасининг ҳаракатларидан хавотирга тушган Земфира ҳам секин даврани тарк этди. Қизлар ниманидир сезгандек бир-бирига сирли қараб қуйди. Бибисора эса Зайтунанинг ортидан луқма ташлади:

– Нега бушоқ¹сан? – сунг куз остида Зайтунага қараб қўярган яна деди: – Ётчилик этмадингми?!

¹ Бушоқ – асабий.

– Ётчилик, дедингми? – деди Зайтуна Бибисоранинг гапидан жаҳли чиқиб. У ортига қайрилиб, Бибисора томон юрди. Иккаласининг урушиб қолишидан хавотирга тушган Земфира дугонасининг кулидан ушлаб, четга тортқилади. Улар даврадан узоқлашгач, Земфира кузларини чақчайтириб деди:

– Нима қилиб қуйдинг?! Нодон қиз!

– Қурқмасанг-чи! – жилмайди Зайтуна.

Унинг юзида ҳеч қандай қурқув, ҳагто хавотир аломатлари йуқ эди.

– Гапларинг ростми?

– Рост!

– Қаердан билдинг?

– Тошлар айтди!

– Яна бошладингми?

– Сенга бир сир айтайми?

– Айтма, бу сирларинг бир кун бошингни емаса гурга эди.

Зайтуна бироз уйланиб турди-да, айтмоқчи бўлганини эмас бошқа бир сирни айтди:

– Эртага мени қатл қилишади.

– Нималар деяпсан?! – дабдурустан айтилган бу гапдан Земфира чўчиб тушди. – Нафасингни ис-сикроқ қилсанг-чи! Нима, жин чалдими сени?

Земфиранинг қурқувида жон бор эди. Негаки Зайтунанинг Аҳмад Сонур ҳақидаги сузлари туғри чиқиб, бир ҳафтадан буён бу ҳақда толибалар орасида гапирилаётган эди. Аҳмад Сонур угтиз олти мунажжим шогирдлари билан бир кечада ғойиб бўлганди. Гулсума на улиги, на тиригидан хабар булмаган устозининг хужрасидан бир мактуб топди. Унда шундай жумлалар бор эди: “Тирикмиз, моҳи мавлудда келурмиз”. Олимлар беш йилдирки дом-дараксиз эди. Гулсума ҳар мавлуд ойлари

устозининг қайтишига умид боғлаб, йулига қарар, тонггача ибодат қилиб, Аллоҳга илтижо қилиб чиқарди.

– Юр, ўтдан сакраймиз, – деди яна Земфира ўзидаги қўрқувни сездирмасликка уриниб.

Уч жойда гулхан ёқилган бўлиб, бири катта, қолганлари эса кичик эди. Гулханларга дам-бадам исирик ташлаб турилганидан ялангликни хушбўй ҳид тутганди. Зайтуна қарийб икки қулоч кутарилиб ловуллаётган энг катта гулхан ёнига борди. Лекин юзларига урилган олов ҳилини сезмади; ҳаприққан оташ унинг томирларида югураётган оловга қўшилиб кетгандек, зоҳиру ботинини жизиллаган ўт чирмаб олгандек, гўё вужуди ҳам бир парча оловга айлангандек бўлди; ўзини оловли гуллар ичида ибодат қилиб ўтирган ҳазрати Иброҳимдек хотиржам ҳис қилди. У ортга бироз тисарилди-да, оловга ўзини урди ва гулхан устидан қушдек учиб ўтди. Навбатини кутиб турган қизлар қийқириб юборишди:

“Аҳсант!”,

“Офарин!”

“Ё Изи!”

Зайтуна сабоқдошларига жилмайиб миннатдорчилик билдирган бўлди ва Жайҳун соҳиллари томон кетди. Дарё бўйида ўтириб, юз-қўлларини юваркан, яна сув остида юлдузлар қуриниб кетгандек бўлди. Ажабланиб қўкка термулди. Қўк юзи ойнадай тиник, қуёш қулиб турарди. Сунг ортига – қизлар томонга қараганди, ҳансираб чопиб келаётган Земфирани кўрди. У югуриб келди-да, дугонасини кучоқлаб:

– Қойил, Зайтуна! – деди ва қўзларини катта-катта қилиб жилмайди. – Жининг кутардим нима бало!

Дугонасига жавобан Зайтуна ҳам жилмайди.

– Сени Бибисора нима дебди дегин.

– Нима дебди?

– Ётчи дебди.

Зайтуна бироз ўйланиб туриб жавоб берди:

– Бу ётчилик эмас. Бурнақи замонларда одамлар ҳар хил қиёфага киришган. Хоҳлаган жойида пайдо бўла олган. Сўгин булар эсдан чиққан. Агар мен ибтидога қайтолсам борми, қирқта қизни ҳам қанотларим остига олиб, осмонга учиб кетардим.

– Нимага энди осмонга?

– Гулсума устоз айтиб берувди. Бизлардан олдин ҳам бу ерда қирқта қиз сабоқ олган. Буни билиб қолган подшо уларни ўз ҳарамига келтиришни буюрибди. Лекин қизлар ҳарамга боришни истамай, ҳув анови ғорга, – Зайтуна Кайкитоғ жарликларига осилиб турган юксак қоя томонни бармоғи билан кўрсатди, – кириб ғойиб бўлибдилар. Бирдан тоғу тошлар гўмбурлаб, жойидан силжибди-ю, ғорнинг оғзи бекилиб қолибди. Подшо навкарлари шундан сўнг бу тоғларни қанча кезиб изламасинлар, улардан бир нишон ҳам тополмай, саройга ноумид қайтишибди. Айтсам ишонмайсан, ҳеч кимга айтмагин-ку, – у дугонаси томон эгилиб, кимдир эшитиб қоладигандек паст овозда давом этди: – бир марта ана шу ғор оғзига яқин борганимда қизлар айтган маҳзун қўшиқларни, қум-тошларни тирнаб ғичирлаб бораётган омов товушларини, отларнинг кишнаганларини ўз қўлоғим билан эшитганман.

– Устоз тура сирлари кўчага чиқмасин, деб жон куйдиришининг сабаби бу ёқда эканда. Ёки... – Земфира ўйланиб қолди. Сўнг яна қаҳ-қаҳ отиб кулди: – Агар сен тилсимни ечсанг... қайси тарафга учишни мен билан кенгашарсан, – деди.

– Албатта, – жилмайди Зайтуна...

Зайтуна байрам тугаб, ўтовга қайтиб келганида қизлар нарсаларини йиғиштириб, қалъага қайтиш тадоригини куришарди. Қайрағоч остида эса юк ортилган аравага суянганча аравакаш йигит турарди.

– Эй қиз, нима, бу бозорчи йигит сенга ошиқ булиб қолганми? – қизлар ҳазил қилиб кула бошлади. – Изингдан қолмайди-я!..

Зайтуна қалъа сари отланган қизларнинг ҳазилига бепарвогина қўл силтади-да, нарсаларини жуволга жойлаб, уларнинг сафига қушилди.

* * *

Тун. Барглар шитирлаб овоз берди. Туғлар қанот қокди. Соқчи қизларнинг оёқ товушлари эшитилди...

Гужум ортида турган икки соянинг бир-бирига шивирлаган овозлари қулоғига чалинди:

– ...Мен билардим!

– Мен ҳам билишингизни билардим?

– Қаранг, юлдузларимиз айро...

– Йўқ, мен сизнинг илакингиздаман.

– Хатар бор. Улар аждардек наъра тортмоқда.

– Булар бари меники.

– Гуноҳ... Мен қурқаман! У бизни қуриб турибди.

– Бизларни У учраштирди...

Соялар бир-бирига яқинлашди. Ой булутлар ортига ўтди.

– Кетинг!

.....

Соялар бир-биридан узоқлашди. От кишнаб тун сукунатини бузди. Дарвоза олдида турган соқчи қиз ғудранди. Бу манзара булутлар ортига ўтиб кетган ойга жуда яхши таниш эди. Худди уша манзара... Фақат овозлар узгарган.

Қалъа дарчасида милтираб турган шам худди сиёҳга ботирилган қаламдек у ёк-бу ёққа қимирлаб тунга алланималарни ёзарди. Ҳовуз бўйида бир-бирларини қувиб ҳовучлаб сув сепаетган қизларнинг янғроқ кулгилари таралгандек бўлди. Чанқовуз садоси, дутор овози... Зайтуна эса жойна-моз устида тасбех ташлаб утирарди...

“...МОҲИ МАВЛУДДА КЕЛУРМИЗ”

Муаззиннинг йиғи аралаш титроқ овози тонгни уйғотди: “Аллоҳу акбар!..”

Зайтуна ғира-ширада ҳовли саҳнидаги тошҳовуз бўйида навкирон вужудини ипак куйлақдан халос қилди-да, либосини кип-қизил ғунчалаган атиргул устига ёпди. Сунг шундай хотиржам ва сокинлик билан тошҳовуз зиналаридан сувга тушди. Муздек сув унинг ичидаги тафтни ўчиролмас, у сувпари сингари ой нурига фарқ бўлган: сув юзида гоҳ қуринар, гоҳ қуринмас, шундай хилқатни ўз ичига яширган сув ҳам баъзан ҳалқалар ҳосил қилар, баъзан ҳовуз тошларига ўзини урар эди.

Ҳовуздан чиқибоқ хужрасига қайтган қиз жойна-моз устида узоқ ўтириб қолди. Унинг ғунчадай лаблари оҳиста пичирлар, кўзларидан эса тасбех доналаридек шашқатор ёш куйилар эди. Сунг чоршанба сулув байрамида кийган ҳарир либосларини устига илди, мушку анбар сепди, ўзини тошойнага солиб, узоқ томоша қилди. У оппоқ либосда, зебу зийнатлар ичида янада малоҳат ва назокат касб этганди. Каштали нимчаси оппоқ ҳарир куйлаги устидан вужудини ўраб олган, бошидаги пилладуз дупписи эса чиройига янада чирой қушган эди.

Зайтуна хонадаги кийим-кечак ва китобларини олиб тугунга солди. Сунг қулоғидаги зирак ва қулидаги узукларини ечиб, мис сандиқчага жойлади-да, кутариб ҳовлига чиқди. Ҳамон қуёш чиқиб улгурмаганди. Дарчаларда липиллаётган шам қизларнинг ибодат қилаётганларидан дарак берарди. Хурос қичқирди. Отлар кишнади. Тоғ тарафдан буриларнинг увиллагани, қалъага туташ боғдан шитирлаган овозлар эшитилди. Зайтуна уша томонга борди-да, манъжу остини ковлаб, узук ва зиракларини кумди ва тезда ортига қайтди. Ҳужрасига кириб, зикр билан машғул бўлди. Қуёш нурлари ҳужра дарчаларидан оқиб кира бошлаганида эшик тақиллаб, остонада Бибисора куринди.

– Сизни маликамиз Гулсумаи Даврона чорлаяпти, – деди сирли жилмайиб. У ниманидир билар, аммо сездирмасликка тиришар, айёрона қулиб турган кузлари ичидаги шодлигини ошкор қилиб қўярди.

Зайтуна индамай унга эргашиди.

Кенг хона. Ердаги Ҳандасавий шакллар нилуфар гуллар билан безатилган, кенг хошияларда отлиқ чавандозлар, холдор буғулар, грифонлар тасвири туширилган жун гилам устида толибалар ер чизиб ўтирибди. Турда – Гулсума. У шу қадар гузаллашган эдики, унинг бир қултум сув билан ютгулик чиройи бутун хонани ёритиб турарди.

Зайтуна кириб келганида ҳамма кузлар туйқус унга қадалди-ю, яна бошлар жимгина ерга эгилди. Бибисоранинг ишораси билан Зайтуна хона уртасидаги бўш курсига келиб ўтирди. Унинг қаршисида яна бир кичкина ёғоч курси бўлиб, ундаги шаффоф идишда сариқ тусли суюқ оғу турарди.

Гулсуманинг кузларидан тукилган бир томчи ёш киприкларига илашиб қолди. У шошиб нозик бармоқлари билан киприкларини сидириб ташлади. Унинг ишораси билан Бибисора:

– У сиримизни бегонага билдирди, шу боис қатл қилинишга лойиқ! – деди-да, идишни Зайтунага узатди.

Зайтуна кузларини чирт юмиб, оғуни охиригача симирди-да, буш идишни Бибисорага узатди. У Гулсумага қаттиқ тикилиб турганча, лаҳза ўтмай курсидан барқут гиламга сирғалиб тушди. Дарчадан бостириб кирган Жузжон шамоли товус гулли дарпардаларни силкитди, хонадаги қизларнинг румолларини юлқилаганча, букириб-укириб айланди. Хонани қора қуюн қоплаб, бирзум одам одамни танимас даражага келтирди. Хонада изиллаб айланган шамол хонтахтадаги биллур идишни ерга уриб синдирди-да, атрофга қум сочиб, чиқиб кетди; ҳовлида мағрур турган дарахтларга ташланиб, уларнинг шохларини ерга босди, тошқудуқ оғзига илинган саночни ёғочга уриб даранглатди; ҳовлига қараган ҳужра эшикларини шарақлатиб очиб юборганча қалъани тарк этди.

Земфира додлаб юборди. Ҳиқиллаган йиғи овози хонани тутди. Қизлар йиғисига шу лаҳзагача жиддий турган Бибисоранинг ҳам ноласи қушилди.

Гулсума эса ҳаёл сургандек киприкларини пирпиратмай дарчага тикилиб турарди. Боғ саҳнидаги дарахтлар остидан эса ортига қараб-қараб бир қиз кетиб борарди: қул силтаб юришлари, либослари, ҳаракатлари Зайтунага жуда ухшарди. Дарвоза олдидан эса уни аравакаш йигит кутиб турарди.

Зайтуна дафн қилинган, Земфира эртаси куни ҳам дугонасининг қабрига келди. Дугонаси билан

узи ёзишган япалоқ тошлар ҳул тупроқ уюми устида мунғайиб турарди. У йиғлаб ортига қайгаркан, қалъа дарвозасига етганидагина уткинчи дарвешнинг овози уни узига келтирди:

– Садақа қилинг! Аллоҳ йулига!

Земфира беихтиёр овоз келган томонга қаради. Дарвеш унга яқинлашди-да, бир япалоқ гошни қизнинг қулига тутқазди. Қиз тошдаги ёзувларга куз югуртирди: “Земфира, бу уша сирим. Сен буни уқиётганингда мен карвон билан сахро ошиб кетаётган бўламан. Яна учрашамиз. Зайтуна!”

Биёбон. Қуёш уфққа бемалол ёнбошлади. Шамол сахро осмонига айланиб, буғиқ увиллади. Карвон қўнғироқларини жиринглатиб, қум тузонларига парво қилмай имиллаб судралар, шафақ нурларини тузғитиб фалак узра қирғийлар чарх урарди. Туя устида эса қора чодрада Зайтуна кетиб борар, осмонда порлаб турган Аторуд юлдузи унинг тепасида туриб, ёрқин нур таратар, у гўё қизнинг елкаларига қўниб тургандек эди. Олдинда имиллаб кетаётган кекса туякаш эса хирқироқ овозда хиргойи килар, ҳазин овоз сахро қумлари устида тулқин-тулқин излар қолдириб, қухна саҳрони уйғотиб борарди:

... Углак учин олдимۇ?

Эмди юрак ииртилур...

2019 йил, Тошкент.

Ҳикоялар

Момбулок



Момоннинг муъжазгина кулбаси
ботаётган қуёш шуъласида кимсасиз
дашт қуйнида ёниб турган бир парча
оловга ухшарди.

ДАШТДАГИ ОЛОВ

Дашт. Ҳар ер-хар ерда пастқамгина лойсувоқ уйлар. Узоқларда фақат куй-қузилару уюр-уюр отлар кўзга ташланади. Гоҳ-гоҳида оқбош ва янтоқни эринибгина чайнаётган туяларнинг укириги эшитилади.

– Тезроқ юр, – дейди онам, у ёк-бу ёкка олазarak бўлаётганимни куриб. – Бу туришда кеч қоламиз. Қара, қуёш ҳам қизарди.

Онам ҳар йили ёзги таътилда бизни момонникига олиб боради. Момон тепалик ортида туради. Бу ерлар Бойтерак деб аталса ҳам, сувга яқин йул четидаги яккам-дуккам теракларни айтмаса, умуман терак йуқ ҳисоби. Балки бу ерларни сувсиз саҳрода устан мана шу қахрамон тераклар шарафига «Бойтерак» деб номлашгандир.

Яланглик бағридаги тепалик ортида миттигина, лойсувоқ уй куринади. Онам мени яна тезроқ юришга ундайди.

– Ана, момонгнинг уйига ҳам етиб келдик, – дейди онам уйга ишора қилиб. Қора шимим тиззагача тупроқ бўлади. Уни қоққанча, лойсувоқ уй томон югураман. Онам ортимдан қичқириб қолади:

– Эҳтиёт бул, ҳой, итлар бор!

Пастқамгина кулба. Шифтига қул чузса етгулик. Енида супа. Девор пастидан кичкина панжарали дарчалар қуйилган. Тагига кигиз тўшалган. Айниқса, кукламда бу уйча ям-яшил утлоқдан озроқ жой тупроғи билан кесиб олинган-у, том устига урнатиб

қуйилгандек куринади. Худди онамнинг сумалакка майса ундирган хонтахтасидек. Тепалиқдан қарасам, бу уй мен лойдан қуриб уйнайдиган уйчаларга ухшайди. Гуё момом бу уйни фақат узи учун қурган.

Момом бизни кўриб, ҳассасини қидира бошлайди. Мен чопқиллаб бориб, ўрнидан туришга ҳам улгурмасидан буйнидан қучаман. Чупон итлар сергак тортиб, мен томонга юра бошлайди. Сунг улар менинг бу хонадонга яқин одам эканлигимни билгач, ҳафсаласи пир бўлиб ортига қайтади. Бу орада онам ҳам етиб келиб, супа устида ўтирган момом томонга энгашади:

– Ассалому алайкум, онажон! Яхши юрибсизми?

Улар узок сўрашишади.

– Жиянларинг даштга кетган, қуйларни урмалайиб келгани, узинг чой қуйиб юборарсан, – дейди момом онамга чойўчоққа ишора қилиб. Мен тезда тошқудукдан сув тортаман. Онам булса чойўчоққа утин қалаб чой қуяди.

Момом бежиримгина попукли носқовоғини олиб, тил остига бир чимдим нос ташлайди-ю, дашт воқеалари ҳақида сузлай бошлайди.

Момом, одатда, сигирларини набираларига атаб, «Шобердининг сигири, Қулмуруднинг сигири», деб гапирарди.

– Шобердининг моли сира купаймайди, ё касал булади, ё улади, – дейди момом ариқ четидаги утларни ҳафсаласизлик билан битта-битта чимдиб еяётган, суяклари буртиб қолган озғин олақашқани курсатиб. – Қулмуруднинг сигири бу йил туғса, бешта булади. Қулмуруд отангга ухшади. Кеча купкаридан бир улоқ, бир гилам олиб келди. Ғойвота отанг ҳам сара отлар минарди-да. У майдонга кирса, чавандозлар: «Бу Убайдулло майдонга тушдимми, ундан улоқ олиб булмайди», – деркан.

– Шоберди тинчми? – дейди онам, ниманидир олдиндан эшитган-у, хавотир олгандек булиб.

– У-ми? Ундан одам чиқмайди. Қадимда биров «Кузанинг «кул-кули»дан курқаман» деб кечаси гуристонга бориб уликларни тунарган. Уни Худо деганига ҳам ишонмайман. Қирқ бир кун булди уйдан аразлаб чиқиб кетганига. Опанг оғзига қараб, куп эркалатиб юборди-да. Хотин олиб берсанг, туғдиради бу қулоқсиз. Уни юзидан биров совуқ шамол утказган булмаса, – момомнинг лаблари пириллайди, курпача остини сирпалаб, носқовоғини излайди.

Онамнинг момом ҳақидаги ҳикояларини тинглашни ёқтирардим, минг марта эшитган булсам ҳам, яна сурайверардим. Онам момом ҳақда эртак сузлаётгандек гапирарди. Уларни эшитганим сайин момомга нисбатан меҳрим ортиб бораверарди.

Онамнинг айтишича, момом ёлғиз қиз булган экан. Уни жуда ёшлигида қишлоқнинг энг обрули кишиларидан бирига узатишибди. Аммо турмуши узоққа бормай, нимадир булибди-ю, эри олиб қолибди. Кейин эса қишлоқда от жаллоб, чавандоз, мерган сифатида донг тарагган бир йигит момомга талабгор булиб чиқиб, никоҳига олибди. Уша чавандоз менинг бобом экан. Улар турт уғил, икки қиз куришибди, менинг онам энг кенжаси экан. Тоғаларимнинг ҳаммаси, ҳатто балоғат ёшига етиб-етмаган Ҳасан, Ҳусанлари ҳам урушга кетибди. Лекин шулардан фақат бир нафари урушдан қайтибди. Момом Ҳасан, Ҳусанларини куп эсларкан. «Улар ёш эди, ҳали милтиқ ушлашни ҳам билмасди...» – деб уксиниб-уксиниб йиғларкан. Урушдан омон қайтган тоғам қишлоқда электрчилик қилиб юрганида тасодифан ток уриб, бевақт оламдан кўз юмибди. Шундан сўнг момомнинг юраги бу чексиз мусибатлардан адои тамом булса-да, буни бировга

билдирмай, фарзандлари, марҳум тоғаларим руҳини шод этиш учун учоқ бошида пилик ёкиб утирар экан.

Яна онамнинг айтишича, Худо улимни аввал тоғларга берган экан. Тоғлар бунга чидаш беролмай ўрнидан силжиб, минг бир булакларга булиниб кетган экан. Сунг уни жониворларга тортиқ этибди. Улар ҳам бу куйгиликка чидай олмай, бўкириб-ўкириб оламни бузган экан. Кейин уни Худо бандасига лойиқ курибди. Қараса, бир ёқда катта қозонларда ош пишган, бир томонда дапи-доира, уйин-кулги булиб ётган экан. Шунда Худо бу улимни ҳар нарсага бардошли ва сабрли булган бандасида қолдирибди. Одамлар биров узоқ яшаб, оламдан утса: «Бизга ҳам шундай ёш насиб этсин», – деб ният қилишаркан. Чунки улим ҳақ экан. Аммо тоғлар, жониворлар кутаролмайдиган дардни кутараркан одам. Кўнаркан, қўникаркан одам. Фақат ёш кетганга ёмон ачинаркан, фарёд ураркан. Момом ҳам тоғаларим фироғида тунлари нола қилиб, тоғлардек силкиниб-силкиниб, охулардек куз ёш тукиб йиғларкан.

«Эркакдек момо», – дерди одамлар. Чунки момомнинг бошқа аёллардек давраларда куз ёш билан дардини тукканини ҳеч ким кўрмаган. Аммо момом тунлари гулхан билан сирлашиб, бор дардини унга сочарди. Гулхан гуриллаб ёнар, осмондаги ғуж-ғуж юлдузлар гулхан тилларида бирин-кетин суна бошларди. Бобомдан қолган попукли носқовоғини тиззасига уриб-уриб нос чекарди момом. Сунг гуяндалардек гулхан атрофида айланиб, йиғи бошларди. Бу йиғи мунгли бир қушиққа айланарди: «Вой Ҳасан... вой Ҳусан!..»

Момом чойучоқдаги қумғонни олиб келиб чой дамлаётган онамга разм солади. Онам ғамгин, кузларида билинар-билинемас ёш йилтирайди.

– Ишқилиб, уйинг тинчми? – сұрайди момом.

– Худоба шукур, тинч. Шунчаки, мазам йуқ. Дўхтирлик ҳам қилиб курдим. (Дўхтиргаям бориб кўрдим.)

Эскичадан дейишадими-ей, – дейди онам, шолча устига тушган нон увоқларини қуллари билан тераркан.

– Унда сени бир боқин-қоқин қиламан, зора Оллоҳ шифо берса.

Момомни қишлоқ одамлари Бахши момо деб чакирарди. Доира чалиб, бир тўда момолар билан бемор атрофида айланиб рақс тушганини куп бор курганман. Кимнидир момом боқин қилса, биз дераза ва эшик тирқишларидан муралаб томоша қилардик. Момом доирасига оқ сурпдан халта тикиб, уни деворга илиб қўярди. Гуё у биз учун ҳар ишга қодир муъжиза эди. Момомнинг кузини шамғалат қилиб, қулимизга олиб чертиб ҳам кўрардик, буни сезиб қолган онам: «Тегмайлар, оғзиларинг қийшайиб қолади», – деб дакки берарди.

Момом боқин-қоқинга тайёргарлик кўра бошлади. Қамиш чўпларини йиғиб, унга пахта ўраб пиликчўп ясади. Сунг уларни пахтамойга ботириб, косадаги унга суқиб чиқди. Узун бир таёқни олиб, унинг учига эски латталарни ўраб-чирмади. «Сен уйга кир», – дейди момом. Мен одатдагидек панжарали дарчадан мўралайман. Чунки девор пастидаги дарча – ётиб олиб томоша қилиш учун жуда қулай жой. Ҳовли уртасида онам бошига чопон ташлаб утирибди. Момом қулидаги узун оловли таёқни онамнинг бошидан тинимсиз айлантиради. Олов парча-парча бўлиб атрофга отилади. Худди олов биз эртақда ўқиган оловли қушлар – қакнуслар каби дарча панжарасига урилади. Кейин бу қушлар парвози ҳам тиниб, қуйик латталарнинг ҳавода қолган ёқимсиз хиди дарча тирқишидан уйга киради.

«Туш пастга, ёнимга кел!» – дейди момом ким биландир гаплашгандек, супа ёнида тарвақайлаб ўсган кекса тут шоҳига қараб. Дарахт тепасига синчиклаб қарайман, ҳеч ким йўқ, баданим жимирилаб, қалбимни кўркўв босади. Урнимдан турмоқчи бўламан-у,

оёқ-кулларим боғлаб қуйилгандек жойимдан қимир-
лолмайман. Кимдир тут дарахгидан тушиб келаётган-
дек шохлар қисирлайди, оёқ товушлари эшитилади,
қилт этган шамол йуқ бийдай даштда кутилмаганда
шамол туради. Момом ёнида кимдир утиргандек у
билан яна нималарнидир тез-тез гаплашиб, қулидаги
оловли гаёкни онамнинг бошидан тўхтовсиз айланти-
ради. Осмон гумбурлаб, ёмғир эмас, бир парча зангори
шуъла момомнинг оёқлари остига тушиб, улар турган
кафтдеккина жойни ёритади. Кейин бу шуъла кенга-
йиб, бутун ховлини, дашту осмонни қамраб, бир бутун
улкан ёруғликка айланади. Қулоғимга арава қушилган
отнинг туёқ товушлари эшитилади. Қўркувим яна оша-
ди, бошимни кўрпага буркаб, кузларимни қаттиқ юма-
ман, узим ҳам гуё уша ёруғлик ичида-ю, дашт бўилаб
учиб юргандекман.

Бироздан сунг қўшни хонадан момомнинг ово-
зи эшитилади: «Буёққа кел! Қарама, дегандим-ку,
сенга». «Қизик, – дейман ичимда, ҳайратим ошиб. –
Момом мени дарчадан уғринча муралаганимни
қаердан билди экан?» Кейин момомнинг ёнига
чўккалаб оламан-да, учай-учай деб ёниб турган пи-
ликчўпларга қарайман, улар ҳам, назаримда, момом
билан гаплашаётгандек туюлади. Момом онамнинг
юзларига сув сепеди, қулоқларидан тортади, елка-
сига бир-икки уриб, дуога қўл очади ва қандайдир
сеҳрли, мен тушунмайдиган сўзларни узоқ пичир-
лайди.

Мен ҳам кафтларимни очиб, уларнинг узим ан-
ламаган истакларига қўшиламан...

Хаёлимга бироз олдин эшитганим кекса тут да-
рахтининг ваҳимали ғижирлашлари, ғалати оёқ
товушлари-ю, қўнғироқлар жаранги келади. «Бал-
ки, улар менга ҳам нимадир демоқчи бўлган-у, мен

уларни тушунмагандирман», – уйлайман ва момомнинг бироз олдинги ҳолагини англагандек буламан.

Кузимга уйку илинади. Уйғонганимда тонг узининг ғира-шира қизғиш нурларини дарчага қуяётган бўлади. Туришга эриниб, дарчадан ҳовлига қарайман: супа, тут дарахти, момом тонг шабадасида кекса тут дарахтидек тебраниб, тасбеҳ утиради. Чупон қўрадаги қўйларни «ҳай-ҳайлаб» даштга ҳайдайди. Майсалар чумолидек девор юзларига ўрмалаб, панжарали дарчагача чиқиб келади, гўё бутун дашт тошиб, мана шу кичкина кулбага киришга уринаётгандек.

– Болам, анча енгил тортдингми? – сурайди момом, елиб-югуриб иш қилаётган онамга қараб.

– Ҳа, она, бугун анча яхши ухладим, оғир тушлар ҳам курмадим, – дейди онам мамнун қиёфада.

– Худо меҳрибон, болам. Чин дилдан сурасанг тилақларингни, албатта, ижобат этади. Эскиларнинг айтишича, Худо бандаларини она уз фарзандларини суйганчалик суяркан.

Биз момомникида анча кун бўлдик. Онам кетар олди ҳовли ва уйларни супуриб-сидирди. Момомнинг кийимларини ювди, нон ёпиб, нонкурпага ўради. Момом эса битта кулча олиб: «Пода кайтар маҳал – инс-жинслар қўзиган пайт, нон йулдошинг бўлади, болам», – деб қўйнимга солди-да, пешонамдан ўпиб қўйди. Сунг хайр-хушлашдик.

– Тезроқ юр, – дейди онам, у ёқ-бу ёққа олазарак бўлаётганимни кўриб. – Бу юришда кеч қоламиз. Қара, қуёш ҳам ботай деб қолди.

Тупроқ йўлдан тез-тез одимларканман, ортга қайрилиб, момомнинг пастқамгина лойсувоқ уйига қўз ташлайман. Момомнинг муъжазгина кулбаси ботаётган қуёш шуъласида кимсасиз дашт қўйнида ёниб турган бир парча оловга ўхшарди.

БОШПАНА

«Хувв Гулбахор! Қаерларда юрибсан, болам?»

Гулбахор чопқиллаб келади ва момонинг узун гулчин этакларидан ушлаб эркаланади, буйнидаги шудринг доналаридек оппоқ шода-шода мунчоқларини лабларига босиб, қулоқларига шипшийди:

– Момо, қаранг, деворга нима чиздим!

Момо деворга ҳозиргина чизилган оппоқ ажи-бу-жи чизиқларга тикилганча уйга чумади. Бу чизиқлар унинг кўз унгида суратдек гавдаланиб, болалик хотираларини жонлантиради: ота-онаси, ариқ буйида лойдан уйча қураётган қизалоқ...

Момо шу хаёллар оғушида ичкарига кираётиб, зина олдида пала-партиш ётган оёқ кийимларни девор тагига тартиб билан теришга тутинади. Чоли эса уй олдидаги айвонда букчайиб, тез-тез нафас олиб, айвон устунини қули билан ушлаганча ниманидир эслашга тиришади ва кампири нимадир деган-у, унга жавоб бераётгандек ўзига ўзи гапиради:

– Қўявер, шундоқ ҳам уйимиз яхши. Сен айтгандек, деворни оқлаб қўйсақ булар экан.

Кафтдеккина ҳовлида икки туп хурмо ҳосили куплигидан ерга тўшалиб ётган новдаларини кўтаришга уринади. Аммо уйноқлаб ўтган салқин шабада зўрға турган шохларга тегиб кетади-ю, балога қолади – шохлар қарсиллаб синади. Қорамтир қизил хурмолар бандидан узилиб ер билан битта бўлади ва унинг ичидан ширага буккан нимпушти томир-

лар қуёш нурида жимирлайди. Деворларнинг зах емирган жойларидан сувоқ сомонлари, чириган синч ёғочлари кузга ташланади. Ҳовли уртасида катта тоғора, биридан буғ чиқиб турган икки челақ ва кичкина шолча устида бир уюм кир кийимлар йиғилган.

Момонинг хотир кузгусида юзларидан чарчоқ асари кетмаган, иккиқатлиги билиниб турган аёл жонланади, унинг устида олча гулли чит куйлак, бошида пойтери румол, эғнида чийдухоба нимча, оёғида калиш... У обдан чайиб-сиққан кийимларни силтаб-силтаб дорга илади. Уларнинг тасмадек шарақлаган овозлари ва сачраган сув томчилари ҳовлида қултиқтаёк тутгандек арвағанглаб юрган мусичаларни чўчитиб юборади. Улар «пирр» этиб уй шифтига кўниб, жаҳл қилгандек норози оҳангда ғуриллайди. Бир тўда болалар кичкина ҳовлини бошларига кўтариб қичқиради. «Ҳой, жим дейман. Ҳой..!» – ҳовлида у ёқдан-бу ёққа қичқириб чопиб юрган болаларига танбەҳ беради аёл. Оқ куйлак ва калта иштон кийиб олган, жингалак сочли, ялангбош миқтигина бола қулидаги қалам билан оппоқ деворга нималарнидир чиза бошлайди.

«Ҳой, қоғоз йукми сенга?» – яна жиғибийрон бўлади аёл. Оппоқ девор юзида илонизи йўл, гоҳида синчиклаб қаралса, харсанг тошлар орасидан болаларини етаклаб кетаётган айиққа ухшаш алламбало тасвирлар пайдо бўлади, гўё қадимий қоятошдаги расмлар шу бола қўлларида қайта жонланган санъат асаридек оқликка сингади. Аёл шопшганича суви сиқилган кийимларни тоғорага ташлайди-ю, унга қараб югуради. Бола қиқирлаб кулади ва қўлга тушмас қасоскорлардек қочиб, эшик ортига яширинади. Аёл бармоқлари билан

авайлаб девор юзидаги қалам изларини учиршига уринади.

Ичкари уйдан эркакнинг овози эшитилади: «Ҳов, хотин!» Аёл шошиб уйга киради-ю, чойнакни кутариб чиқади. Сунг ошхонадан ёғнинг чарсиллаган овози ва иштаҳани қитиқлайдиган ошнинг ёқимли хиди ҳавога таралади. Зарда қилиб нари кетган мусичалар яна ошхона эшиги олдида пайдо бўлиб, ғуриллай бошлайди.

Эркак ҳовлига чиқиб, кенг елкаларини ростлайди ва куксини тулдириб-тулдириб чуқур нафас олади. Сунг девордаги маънисиз, гоҳо ниманидир эслатувчи қалам излари, зах емириб куриниб қолган девор синчларига қарайди. Шунда купинча Зараутсой дарасига онасидан ажраб уйда қолган қузичоқларни ўтлатгани олиб чиққанида, у ердаги унгир ва камар тошларига ишланган ажи-бужи чизиқлар, белгилар, ибтидоий одамларнинг ов қилаётгани, жуда антиқа шаклда чизилган турли жониворлар, одамсимон махлуқлар тасвирини курганини эслайди... Буларнинг бари бир қарашда невараси каби болалар уйинқароқлик қилиб чизиб кетганга ухшарди...

Ошхонадан эшитилган аёлнинг ҳорғин овози унинг хаёлини булади:

– Уйни бир оқлайдиган булибди-да. Ёш болалар булганидан кейин...

– Қуявер, озрок пул тушсин, уйни бошқатдан кўтарамиз, – дейди эркак уйнинг бош-оёқ тарҳини хаёлан чизиб. – Бу йўлакни ёпиб, кунчиқар томонга катта дарвоза урнатамиз. Хоналарни кенгайтирамиз. Нима дединг, а?

Қуёш баланд деворлар ошиб бу ҳовлига бир қур назар ташлайди-ю, сунг катта кучага тушиб, тезда куздан ғойиб булади. Хурмо дарахтининг соясидан

қўрқиб титраб турган бу нимжон, рангпар райҳонлар чилла утириб ғордан эндигина чиққан авлиё – қуёшнинг ана шу бир дамлик назари билан тетикланиб, кукка бўй чузади ва унда зоҳир бўлган каромат – ифторлар руҳингизда ажиб ғаройиботлар пайдо қилади.

Кечки салқин ва намхуш ҳаво эркакнинг юпка куйлак остидаги баданини жунжиктиргандек бўлади, у уйга кириб кетади.

Ойнинг ипакдек майин нурлари хурмо шохларидан сирғалиб, аёлнинг тим каро сунбул сочларига илашади. Юлдузлар эса бу кичик ҳовлининг кичик осмонига сиғмай ғужирлайди.

Тонг яна шу кулбанинг синч деворлари ортида ёришади. Қуёшнинг заррин нурларини тусиб турган девор болаларнинг бир ҳовуч кулгисини қуёшга тутлади. Жаранглаган оппоқ товушлар ёмғирнинг марварид томчиларидек қуёш нурларидан сирғалиб, хурмо дарахтининг ғубор босган баргларига тушади.

Гирди яшил пупанак билан чегараланган соялар олами – рутубатли тор кучадан аразлаган қуёш куну тун, ой ва йиллар ҳисобини тасбеҳдек угириб ботаверади, чиқаверади. Эркак эса нур ва соянинг бениҳоя жангида деворнинг нураган жойларини сувайди. Заъфарон тусга кира бошлаган шапалоқдек оғир хурмо япроқлари, уни туколмаган уچار шамол жиғибийрон бўлиб, дарахт шохларини юлқилайди. Совуқдан омон қолган майса – яшил орзулар устига оппоқ лайлак қорлар ёғади. Лойдан ямоқ солинган деворларга ёмғир томчилари урилиб, яна ёрилади, бўртади ва секин-аста емирила бошлайди. Катта кучалар қорини эритган хасис қуёш бу ҳовлига бош сукмай уфқ томон шошади.

Аёлнинг хоналар буйлаб беозорлик билан юргани, печга ўтин қалагани ва ўтиннинг чарсиллаб ёниши эшитилади. Иссиқ печь ёнида қунишиб ўтирган болалар печь устига ташлаб иситилган сарғиш пахта толаларини бир гуллаб олиб, бармоқчалари билан ундан чигитини амаллаб айиришади ва ёнига йиғиб, бир-бири билан ким узар уйнашади. Аёл чигилланган момик толалардан миттигина чопончалар қавийди. Эркак эса йўталиб-йўталиб қор курайди, уларни бир этак пахтадек елкасига олиб, кўчага чиқиб кетади. Сочларига оқ, юзларига ажин оралай бошлаган аёл сандикни очиб, қизларига сеп деб ташлаб қўйган бисотини кўздан кечиради.

Шифтдан ўтаётган томчилар овоз беради: «чак-чик...»

– Ҳеч булмаса, томни ямаб, эшик-деразаларни тузатсак яхши буларди-да, – деди аёл, тоғорани шифтдан томаётган томчиларга тўғрилаётган эркакка.

– Қорлар эриди, – деди эркак синиқ табассум билан. – Қиш ўтсин, кейин уйни қайта кўтарамиз! Ош-хонани булса кунботар томонга кўчирамиз. Шунда хоналар яна биттага купаяди.

Дераза ва эшик тирқишларидан изиллаб совуқ киради. У урнидан туриб, дераза тирқишларига пахта тикиб чиқади, аранг очилиб ёпиладиган, буюқлари кучиб кетган эшикни қаттиқроқ тортиб қўяди.

Куёш қайтади. Девор юзларида ёриқлар, ёмғир томчиларидан қолган сариқ доғлар пайдо булади. Уй янада кичрайган, чўккандек, қадди дол кекса кампир сингари асо – синч ёғочларга суянади. Шафакнинг қирмизи шуълалари том устидан оқиб келиб, хурмо дарахтининг шохларига урилади. Шабада қаердадир гуллаган ўрик дарахти ва майсаларнинг

хушбуй ифорларини олиб келади. Арилар ғунғиллаб хушбуй ифорлар келаётган томонга шошади.

Ҳовлида куймаланиб юрган момо хурмо дарахти тагида бирзум тухтаб, эндигина куртак ёзаётган шохларига қарайди. Шунда қулоғига сахро шамолининг буридек увиллаши ва бир четда янги туққан туядек бузлаётган хурмо тункасининг ҳасратли овози келади. Момо энтикади. Кузларида хира тасвирлар пайдо булади: титраётган хурмо тункаси, уни юпатаётган ёруғ қул... Момонинг вужудига ҳам титроқ югуради. Болалиги, хурмо кучатини экаётган отасига ёрдамлашаётган қизалоқ, ушанда отасининг унга айтган сўзлари эсига тушади: «Хурмо дарахти имонли кишига ухшайди, болам. У имонидан кечмаганидек, хурмо ҳам баргларини ташламайди».

Момо уйга чумади. Хотира касри дарвозалари ланг очилади ва у ердан қулларини силтаб узи сари чорлаётган сулув киз куринади.

Момо ушанда сочлари тақимиға урган сариққина, ун туртга тулган сулув дашт қизи эди. Одатга кўра, у пайтларда қиз ёшлигидан қулоқсингди қилиниб, кимгадир атаб қуйиларди. Тенг-тушлар даврасида биров фалончининг қизини мен келин қиламан, дедими, тамом, қиз буй етиб ушанинг уғлига, албатта, турмушга чиқарди. Момо эслайди: тоғасининг ўзи тенги бир уғли бор эди. Бир кун йигитча қиз кургани келади: эғнига четларига хошия бериб тикилган буз куйлак, олача иштон. Этагида бир сиқим қўрспечак ва уч-туртга хурмо. Қиз бу совғани хушламайди чоғи, жаҳл билан уларни ерга сочиб юборади. Йигитча лом-лим демайди, шарт ортига бурилиб жунайди. Шундан сўнг у қизни кургани бошқа келмайди. Иккови ун олтига

тулганларида уларни никоҳлаб қуйишади... Йиллар утиб «шайтон» набиралари «Бобомни севганмисиз?» деб суроққа тутса, момо силтаниб-силтаниб кулганча фақат ана шу воқеани эслаб гапириб беради. Момо яна жилмаяди, хотиралар оламидаги уша ун турт яшар сулув билан узоқ гаплашгандек бўлади.

Дераза ойнасига урилиб қайтаётган қуёш нурлари момонинг нимжон хаёлларига игнадек санчилади. Сунг ҳовли ичидан утган ариқча бўйидаги кундага охиста утиради. Ариқчадан оқиб келаётган осмон момонинг оёқлари остида турган тошга келганда жилдираб овоз беради. Ариқча бўйида лойдан уйча қуриб уйнаётган набирасига қарайди. У лойни юмалоқлаб, «уй» тиклайди, сунг хурмо шохчаларидан синдириб келиб, ҳовлисига дарахт қилиб суқиб чиқади ва ёнидан ариқча тортиб, узоқроқдан шу ариқчага обтобадан сув қуяди... Момо набирасининг олдига бориб, уйчани қандай қуриш кераклигини ургатади. Уй деворини қайтадан биргаликда кўтаришади. Хари – чўпчалар устидан лойни кафтларига уриб япалоқлаб қуяди. Ҳовли юзасига, «хурмо» дарахтининг тагига кичкина сунача қуришади...

* * *

Ун йил угиб, елкадор, қошлари қалин, буйчан йигит шахдам одимлар билан бу кўхна уйга кириб келди-ю, ҳаммаси узгаради: у уйнинг ҳар бир қаричини куздан кечиради, катта-катта қадамлаб улчайди. Ҳовли уртасидаги эски хонтахта устида сочилиб ётган бежирим чизилган уй суратларини эса шамол тузғитиб уйнайди.

– Уйни бошқатдан кўтараман, – дейди йигит уйнинг бош-оёқ тарҳини хаёлан яна бир бор чизиб. –

Бу йулакни ёпиб, кунчиқар томонга катта дарвоза урнатаман. Хоналарни кенгайтираман.

У уч-турт йигитни бошлаб келади-да, уйни бузиб, урнини теп-текис қилади. Буйчан йигит уй пойдеворини чуқур қилиб кавлатаркан, пойдевор урнидан жимирлаб сизиб чиқаётган сувга кузи тушади. Йигит бармоқлари билан сув чиқаётган жойни тирнайди, сув купаяди, янада чуқурроқ кавлайди. Ер бағридан кўз ёшдек сизиб чиқаётган шифобахш сув булоқ сингари кичик шаффоф шарчалар ҳосил қилиб, ташқарига шиддат билан отилади. Йигит уйноқлаб чиқаётган сув атрофига тош ётқизиб, панжара билан урайди, айлантириб хурмо экади.

Бу воқеа билан боғлиқ гаплар оёқ чиқариб қишлоқ оралайди:

– Эшитдингми, Гулбуви холанинг уйи урнидан булоқ чиқибди!

– «Момобулоқ»ни айтяпсанми?..

ИККИ ОЛАМ

Ойтула момо оғир бетоб булиб қолди. Ёши етмишга яқинлашибдики, бирор марта кўрпа-тушак қилиб ётганини эслолмайди. Иссиқ жон-да, осмонни ўраб-чирмаб келган қора булутлар қуюқ кўлкасини ерга тушади-ю, момо бирдан йиқилди; оғир дардга чалиниб, узини анча олдириб қўйди. Бошида кўз ёш тукиб ўтирган келини Сарахол момони чойга ундади:

– Онажон, бир қошиққина ширчай!..

Момо инқиллаб, бемадор қоқсуяк қўллариини тушакка тираб турмоқчи булди, ҳоли келмади. Хира, нурсиз кузларида ёш айланди. Енги билан кўзларини артиб, яна туришга уринди, йуқ булмади. Сарахол момонинг бошини оҳиста кўтариб, орқасига ёстик қўйди. Сунг четроқда турган қуроқ ошлоқни тушак устига – момонинг оёқлари орасига ёзиб, бир коса ширчайни эҳтиётлаб ёнига сурди.

– Барака топ, болам, – деди момо, зўрға нафас оларкан, ёстикқа суяниб. – Шу десанг, тушимда бир тепалик эмиш, устида онам утирганмиш, эғнида доим кийиб юрадиган гулли нимчаси, бошида оқ румоли... Намоз чолнинг уйини ёнидан утиб кетяпти. Лекин онам билан кетдимми-йўқми – ангсармадим. Қарилик-да, болам. Ёш кетавергандан кейин одам деган мўртлашиб бораваркан.

– Она, булар туш-ку, – Сарахол момони юпатмоқчи бўлди. – Худо хоҳласа, отдай бўлиб кетасиз, ширчойдан иссиқ-иссиқ ичволинг!

Момо қўллари титраб қошиқни оғзига аранг олиб борди-да, хўплагандек бўлди, сунг қошиқни солиб косани четга суриб қўйди.

Ойтула момо ҳеч тиним билмасди, бир қарасанг даладан ўт юлиб келарди, бир қарасанг урчуқ йигирарди, бир қарасанг... хуллас, дунёнинг бутун ташвиши момонинг елкасида гўё.

Касал бўлгач, тўрт кунда момонинг аҳволи оғирлашди. Бир ҳафта ўтиб «момо жон беряпти, жони ғарғарада» дейишди. Элу хеш йиғилди. Ховлини супуриб сув сепишди, бурдоқини дарахтга боғлашди. Сандиқ очилиб, хотин-халаж момо «ўлимлигимга» деб йиққан бисотини бир бошдан кўздан кечира бошлади. Қизлари эски, ранглари униқиб, тукилай деб қолган сандиқни титиб, кийим-кечакми, чойнак-пиёлами, нима бўлса барини алоҳида-алоҳида ажратишди.

Момонинг кенжа қизи Ойсара сандиқнинг бир четидаги кичкина тугунчани худди биров унинг қўлидан олиб қўядигандек юлқиб олди-да, дарров ечди. Ичидан тилла узук ва сирға чиқди. Буни куриб Ойсара «Вой онажоним-э» деб йиғлашга тушди.

Уй бозорга айланди. Бухчалар тугилиб, четга олиб қўйилди. Кимдир аразлаган, кимдир қовоқ-тумшук қилган... Даврадаги кампирлар орасига кириб, Сарахол қайнсинглисини ёмонлайди:

– Ҳаммасига ўзи эга чиқиб олди-я, ювғич.

– Ҳа келин, қўявер, тўймас тулум бўсаям қийинда, – деди қишлоқ қайвониларидан бири унга таскин бергандек. Бу гап-сузларни эшитиб турган мо-

монинг эри Султон чол охири чидаёлмай хотинлар утирган хона эшиги пардасини ҳассаси билан суриб бош суқди-ю, ушқира кетди:

– Одам бўмай... Астағфирилло! Биз улсак одам буласан баринг. У ёқда онанг бечара... бу ёқда санлар... – чолнинг худди биров бугандек бугзидан узук-юлуқ сузлар отилиб чиқди ва ҳассасини жаҳл устида ерга бир нуқиб, ташқарига чиқиб кетди.

Кайвонилар момонинг қиз ва келинларига «бориб онангга қара» дегандек ташқарини курсатиб имо қилади. Биринчи бўлиб Сарахол қайнонаси ётган ҳовлида чол-кампир учун алоҳида солинган уйга кетди. Изидан Ойсара, унинг изидан неврақиз эргашиди.

Момо бир ҳолатда ётибди: ётаверганидан қийшайиб кетган румолининг бир четидан чиққан оппоқ сочлари тузиган, юзлари сўлгин, кузлари нурсиз. Ҳалқуми билинар-билинемас пирпираб учади. Гуёки жон томоғида тошдек туриб қолгандек ютинади.

Айтишларича, бир гуруҳ фаришталар жонни бармоқ учларидан тиззагача суриб келгач, уларнинг урнига яна бошқа гуруҳ келиб, жонни тиззадан белгача, сунг бошқа гуруҳ ҳалқумгача олиб келаркан. Сунг инсон «пуф-ф» деб сунгги нафасини чиқарар экан-у, омонатини Аллоҳга топшираркан.

Момо бу дунёда омонат эканлигини билади. Бу жонни бир кун бериб қутулади. Орзу-ҳавас-чи, набира-ларимнинг тўйини кўрай, шу болам оёққа туриб олсин дейди-да. Орзу-ҳаваслар эса тубсиз уммон, тубига етмайди киши.

Эртаси кун пешинга яқин ҳеч ким уйламаганда момо узига келди. Ҳамма ҳайратда. Момонинг

музлаган вужудига яна қон югурди. «У дунёдан қайтиб келди момо», деди кимдир. Ойтула момо уйқудан уйғонган гудакдек, кузларини ишқалаб у ёқ-бу ёққа қаради-ю, ҳассасини олиб, ҳеч кимнинг ёрдамисиз ҳовлига чиқди. Дарвозахона олдида нима қиларини билмай андармон булиб юрган чоли момони куриб, эсдан озаёзди. Чолнинг тилига келгани шу бўлди:

– Ҳой кампир, бу нима қилганинг, бориб жойингга ётмайсанми!?

«Улим олди Аллоҳ бандасига ғойибдан бир куч ато этар экан. Бир ўнгарилди-да кампир», ўйлади чол. Сўнг кулларидан тутиб етакламоқчи бўлди.

– Қўяверинг, чол, узим... – деди момо, вайиш тагидаги шолчани калинрок сояга судраркан, жилмайиб.

Кунлар қушдай қанот қокди, дарёдай тулқин урди. Момо эса ёнига ким келса, у дунё ҳақида гапирадиган булиб қолди:

– У дунёни кўрдим. Тилвизордай қилиб кўрса-тишди-я.

Аёллар эти жимираб кўрқув аралаш бир-бирига қарайди. Баъзилари момога янада яқинрок сурилиб, гапга тутди.

– Ҳаммани кўрдим: онамни, отамни, акаларимни, утган-кегтанларни ҳаммасини кўрдим, – дейди момо. – Чулмиш, ўртасида бир гулзормиш. Ёнига чашма боримиш. Ёнига ка-атта мажнунтол, тагига паркур-палар тушалган супа боракан. Қарасам, устига отам ётипти чиройли булиб. «Келдингми?» деди. Яна бир жойни кўрдим, шамчаларга ўхшаб ёниб турган нарсаларни. Ҳайрон бўлдим, қаердандир овоз келдими, ё ёнимга биров келиб гапирдими, булар ғийбатчиларнинг тили деди.

Аёллар бир қўзғалиб олишди. Момонинг гапига ишонмасликни хоҳлашарди-ю, лекин ишонмасдан бошқа иложлари йўқ эди.

Уларни зимдан кузатиб турган момо ҳикоясини бадтар қизитди:

– Яна бир жойга бордим, баланд бўйли, жундор, худди Эҳсон қассобга ухшаш кишилар одамларни пода-пода қилиб хайдаб келиб, бир бошидан уғирда янчаяпди. Қўрқиб кетдим.

– Нега уғирда? – деди қўшни хотин момо томонга сурилиб.

– Яна бояги овоз, улар бегуноҳ жонни улдирган, омонатга хиёнат қилган кишилар, деди.

Помидорига келавериб безор қилган қўшнининг товугини косов билан уриб улдирган Сарахол ранги оқарганча чойни баҳона қилиб чиқиб кетди.

– Кейин яна бир жойга бориб қолдим. Бир гала аёллар эмиш. Ҳаммаси йиртиқ-ямоқ кийимда, оёқ-қулида занжир. Бир-бирини сочини юлармиш. Шунда яна бояги овоз: бу очиқ-сочиқ кийиниб, сочларини қирққан хотинлар, деди, – дея неварасига юзланди: – Сан қиз жутиларга сочингни сотмагина-а.

Ойтула момонинг гапи қўни-қўшни, қариндош-уруғларга аввалига қизиқ туюлса-да, кейинчалик эътибор бермай қўйишди. Энди у ховлида сур-сидир қилиб юрган келин ва қизларига танбех бера бошлади: «Ҳов, мағзавани бедага сепма! Учоқни кулини туғри келган жойга ташлама! Ойбаҳорга бир коса овқат чиқар...»

Ойлар ўтиб момо дарахт, сигир, қўй, нимаики туғри келса, уша билан гаплашадиган бўлди. Қишлоқ аҳли момони ақдан озди, бечора дейишди.

Купинча дугонаси Ойбаҳор момони йуқлаб борар, соатлаб гурунглашиб ўтирарди.

– Эшикдан келиб тешикдан олсин-да, Ойбаҳор, – дерди момо чуқур хурсиниб. – Оёқдан колдириб, муҳтож қилмасин экан.

– Ҳа, ишқилиб, Худони раҳми кесин! – деди Ойбаҳор момо. – Отам раҳматлик айтарди, бу дунёда ҳамма ўлиб, биргина шайтон қоларкан. Худо итларга ухшаш махлуқларини занжиридан бўшатиб юбораркан. – Шу пайт боғловли ит хурди. Қандайдир шарпани илғадими дарвозага қараб даҳшатли ғириллади. Ойбаҳор момонинг эти жунжикиб, қурқув босдими пиёладаги чойни бир-икки ҳўплади-да, юзларидаги майда тер доналарини артиб итига ушқирди: – Тура-а! Тур!!! – Ит хижолат тортгандек жойида айланиб, узи ковлаган чуқур олдидаги тупроқ уюмига чўзилди. Ойбаҳор момо у ёқ-бу ёққа аланглаб, яна ривоятини давом эттирди: – Ҳая, шайтон қочаркан, жони ҳалқумига тикилиб югураркан. Яширинишга бирор жой, тепа йўқ-да. Шайтон чўлдаги битта тепаликка кузи тушиб, худди сажда қилгандай мук тушиб шуни орқасига бекинаркан. Қаранг, шу ҳолда Худо уни жонини оларкан. Уша тепалик Одам отамизнинг мозори экан... Қаранг, шайтон барибир Одамга сажда қиларкан-да. Эй Худо, гуноҳимизни кечир, – момо куз ёшларини артиб, ўрнидан қўзғалди.

Айни ёз чилласи момони эски дарди маҳкам тутди-ю, бирданига тушакка михлади. Ўзини эплотмаса ҳам, тили кучдан қолмаганди. У ўзига узи гапиргандек ўтиб кетганлар билан гаплашадиган одат чиқарди: «Онажон, келдингизми, отам яхши юрибдими?..»

«Булди, тамом, – дейишди момонинг ҳолидан хабар топганлар, – у дунёдагилар билан гаплаш-
дими, энди кетади». Яна момонинг хонадонига хотин-халаж серкатнов бўлиб колди. Ойсара кунора онасининг уйида. Ҳадеганда Сарахолни тергагани-тергаган. Келини ҳам у келса, жуда жонга тегдинг-да узиям дегандай ҳар замонда башарасини бужмайтириб терс гапирадиган булди.

Момо эса бир нуқтага тикилган куйи, нималарнидир шивирлар, кимдир савол берса бош қимирлатиб қуярди. Бошқа хонада эса қизу келинлар уз дарди билан овора:

– Шуни манга беринг опа, қозонни!

– Нимчалари янгими?..

– Оҳорлисидан бер. Яқинда қиз чиқараман. Момосидан туёна булади!..

Тонг саҳар келини уйғонди. Қараса – момо йуқ.

– Вой улмасам, – деб юборди қурқиб кетганидан. У ёқ-бу ёққа куз ташлаб ёнида ётган қайинопаси Ойсарани туртиб уйғотди: – Ҳой опа, туринг! Онам йуқ.

Кеч ухлаганидан булса керак, уйқуга туймаган Ойсара келинининг гапини унчалик англамади, шекилли, ғудраниб бошини яна ёстикқа қўйди.

Тонг отди. Момодан дарак йуқ. Гуё момонинг жасади ҳам руҳи билан бирга қушилиб учиб кетгандек. Қариндош-уруғ момони излаб қишлоқ кезди. Аммо дараги чиқмади.

Бир тун Сарахол туш кўрди. Тушида Ойтула момо, бошида оқ румол, эғнида оппоқ либос, ҳассаси ва унга қушиб ушлаган кичкинагина бўхчаси билан Намоз чолнинг уйи яқинидаги катта тупроқ йулдан одимлаб борарди.

Ҳикоялар

Мусоқишлук



*Дор огочи олдида куллари боглиқ новча,
пахлавонкелбат йигит қургон теварагида
қутуриб айланаётган жиншамолга нурсиз
нигоҳларини қадаганча турибди, гуё нафас
олмаётгандек.*

ҚАТЛ

Туйқус кутарилган жиншамол саксовулларга ташланиб, баргларини юлқилайди, шохларини қайиради, илдизи билан суғуриб олишга уринади, пояларидан қаттиқ тортади. Томири сувга етган саксовуллар миқ этмай туравергач, жиғибийрон булганча тепаликларга чикиб, чириллаб айланади; алаמידан тепалик биқинидаги “хай” деса товуш етгулик харобаларга ошиқади. Белигача кумилиб, зурға нафас олаётган бу чолдеворлар бир пайтлар Олачабоб ҳудудларида ҳукм сурган Турабекнинг қурғони эди.

* * *

Муҳташам қурғон ўртасидаги мовий масжид минорасидан кўриниб турадиган ялангликда кулоҳ, бурк ва оппоқ саллалар тулқини безовта чайқалади. Тизза бўйи баландликда тош билан уралган қатлгоҳга дор тикилган. Дор оғочи олдида қуллари боғлик новча, паҳлавонкелбат йигит қурғон теварагида қутуриб айланаётган жиншамолга нурсиз нигоҳларини қадаганча турибди; гўё нафас олмаётгандек.

Оломон гувранди:

– Ўғри, қаллоб!

Тупроқ ва қум зарраларини Мусонинг қон сизиб турган жароҳатларига босаётган жиншамол, қулларига илашган нарсани отаётган издиҳомга ҳалал беравериб чарчади чоғи, пича сусайди. Оловли булутлар кечиб юрган қуёш тепаликлар устига чикиб

нафас ростларкан, борликка бир ҳовуч сунгги нурларини сочишга улгурди. Нурга кумилган яланглик бағрида оқ эшак минган оппоқ либосли бир чол куринди.

Оломон угирилиб унга қаради:

– Абдуллохон, Эшон!..

Ҳовуридан тушган саркаш жиншамолнинг нозик эпкинларида оппоқ яктагининг унгирлари ҳилпираб келаётган бу муйсафид дашт этагида мўъжазгина бошпана тикиб, яккатом бостирмада яшарди.

Бек бир гуруҳ исёнчи саййидзодаларни асир олиб, қатлга буюрганида ҳам Абдуллохон оқ эшакда шу доргоҳда пайдо бўлган ва ундан маҳкумлар хунидан кечишни сураганди.

– Абдуллохон, ҳурматинг бор, – деганди ушанда Бек зўрға жилмайиб. – Нима, бу гумроҳларнинг барини озод қил, дейсанми?

– Йўқ, – деган эди Эшон дадил. – Кулбамга канча сиғса, ушанчасини.

Бек истехзоли кулиб, мулозимларига гунохкорларни эшоннинг кулбасига ҳайдаб боришни буюрганди. Ушанда одамлар кулбага урилиб-сурилиб кирган, ташқарида эса бирорта ҳам маҳкум қолмаганини кўриб ажабланган Бек отдан тушган ва у ҳам кулбага бош суққанди. Одамлар уйнинг бир бурчида ғуж бўлиб ўтиришар, бостирма ичида эса яна шунча одам сикқулик бўш жой қолган эди. Абдуллохоннинг кароматидан ҳайратга тушган Бек унинг этақларини кузига суртиб, узига пир тутганди.

Эшон яна ўша оқ эшакда пайдо бўлди. Жазодан омон қолган Мусо унинг оёғи остига узини ташлаб юм-юм йиғлади:

– Сизни Худо етказди, пирим. Улгунимча қулингиз бўлай!..

Мусо сунгги нафасигача Абдуллахоннинг остона-сида хизматини қилди. У оламдан утгач, авлодлари ҳам ота ваъдасига содик қолиб, эшонзодаларга муридлик қилишди. Эшоннинг кичкинагина кулбаси атрофида уникига ухшаш бостирма уйлар купайди, гавжум қишлоқ бўлди. Бу жойни “Мусоқишлоқ” дейишади...

Қобилхон Мусони қутқарган ана шу эшоннинг туртинчи авлоди эди. Унинг тупроқ кўчага қараган дукони пастқамгина уйига тиркаб қурилганди. Дукон олдида увода кўрпа ва лулаболиш ташланган иккита ёғоч сури турар, ёнидаги бир туп шохлари кукка тегиб қайрилган мажнунтол тагида ажриқ ариқдан арқондек эшилиб майсаларни хилпиратганча лойқа сув оқиб утарди. Одамлар, одатда, кечки салқинда ана шу сурида ёнбошлаб, бир шиша исқоти билан яхна гўштни паққос туширишгач, алламаҳалгача йиллар таъсирини ўтказолмаган тош ҳайкаллардек ўрнидан қўзғалмай утиришарди.

Қобилхон йирик-йирик сомон билан дидсизларча суваб оқланган кўримсизгина дуконнинг бўёқлари кўчиб, тукилай деб қолган кукиш эшигини очаркан, дераза токчасидаги ёғли қўл билан очилавериб варақларининг чети капалак қанотидек уваланиб қолган жигарранг қарз дафтарга кўзи тушди. Унда барча қишлоқдошлар исми қайд этилган; бировининг номи ўчирилиб, янги бетдан яна ёзилган, бошқасининг оти эса дафтарнинг ҳар бир бетида бор эди. У гўё қисмат лавҳига ухшар, тириклик ва ҳаётнинг бош сарлавҳаларидек эртанги кунга унсизгина ишора қилиб турарди. Қобилхон дафтарни ҳафсаласизгина варақлаб, яна жойига қўйди.

Бу йил деҳқоннинг ҳосили кам ундими, ҳосил йиғар паллада кукрак кериб келадиганлар ҳам дукондан паналаб утадиган бўлди. Қобилхон жума бозордан икки қулини бурнига гиқиб қайтди. Аммо савдо юриб турсин, деб пулини топганда қайтариш шарти билан қассобдан бир ширвозни кутарасига олди-ю, келтириб суйди.

У гужум пояларидан ясалган қинғир-қийшиқ пештахта устидаги чой идишларини бир-бир олиб, чангини пуфлаб тозалай бошлади. Дарчадан бостириб кирган иссиқ шамол гушткунданинг устида қотиб қолган қон доғларига ғуж бўлиб ёпишган чивинларни тузғитиб ўтди. Қобилхон уларни ёғлама сочиқ билан “киш-киш” лаб эшикка ҳайдади-да, пардани тушириб, дарчани ёпгач, мажнунтол тагидаги сурига бориб ўтирди. Бошини эгиб, илонизи ариқчадаги сувга термулганча узоқ уйга чумди. Унинг хаёлини дуконга келган йигитнинг: “Ака, ғуш боми?” деган овози бўлиб юборди.

Қобилхон тарозида гушт тортаркан, харидорга син солди: яғриндор, барваста ва буйчан бу қора йигит Мусо авлодларига ўхшар экан. Бир хаёли узидан сураб курмоқчи ҳам бўлди, лекин индамай қуя қолди.

Шу тобда отасининг гапи ёдига тушди:

– Уғлим, буванг Абдуллохон Мусо авлодларининг эшони эди. У тортган ариқ сангайм, мангайм, етти пуштимизгайм етади.

– Мусо авлоди деганингиз Обир дарозни болаларими? – деб сураганди Қобилхон тепалик ортидаги қушни қишлоқнинг барзангидай одамларини куз олдига келтириб.

– Шундай, уғлим, – деганди ота ҳам майингина жилмайиб. – Бозор куни уша қишлоқда олиш бор, насиб бўлса, саниям обораман.

У кукрагигача тушган кукала соқолини силаб, бир қошини чимирганча қибла томонга қаради-да, шом тушаётганини кўргач, секингина урнидан қўзғалди.

Бозор куни Қобилхон билан отаси туйга борди. Ота-бола давра турига утишлари билан кўр тукиб майдон айланаётган полвонлар югургилаб келиб, отанинг пойига чуққалади-да, этақларини упдилар; бобонинг дуосини олгач, яна даврага қайтишди. Олишув узоқ чузилди, охири “Ҳалол!” деб бақирди баковул узала тушган рақибининг устидан туриб, қаддини ростлаган ҳукиздай полвоннинг қулини баланд кутараркан. Полвон уртага қўйилган зот – тойчоқни етаклаб келди-да, арқонини эшон буванинг қулига тутқазди:

– Дуо қилинг, эшонбува!..

Бола пайти отаси билан иккови муридларнинг хонадониди тез-тез меҳмон бўлишарди. Туй борми, аза борми, ҳеч бири эшон бувасиз ўтмас, у ердан қуй ёки улоқ, ё бошқа бирор назр-ниёз билан қайтишарди. Купинча одамлар эшон буванинг олдида пул қўйиб, дуо олишарди. Айримлар эса: “Қўйларим бала ташлаётувди, биттасини эшон бувага атовдим, таққа тухтади-е!” – дея бирорта қуйини бўрдаб, бобонинг уйига ташлаб кетишарди...

Қобилхон харидорни жунатгач, дукон эшигига калладай қулф осиб, апил-тапил ҳовлисига ўтди. Кечаси билан бир нималарни уйлаб, алланималарни чамалаб, у ёқдан бу ёққа ағанаб чиқди. Барибир бўлмади, тонг отмасдан бурун шаҳарга чиққанида киядиган кийимларини пайпаслаб таҳмондан олди-да, шоша-пиша кийинди.

У хотини билан икки ўғилчасини эски “Жигули” сига миндириб, қадим кўрғон хароботи ёнидаги

Мусоқишлоққа етиб келганида кумоқ тупрокда кулча бўлиб ётган илон қуёш нурларидан қочиб оқбош соясига судралиб ўтди.

Бир уюр чанг меҳмонларнинг уловини қишлоқ чеккасидаги уй дарвозаси ёнида қувиб етиб, оппоқ турига уради. Машина эшиги очилиб одамлар тушгач, ғуборлар ўзини ичкарига уриб, намчил ўриндиқларга қўнди. Кутилмаган меҳмонлар ташрифидан гангиб қолган сунгги хонадон эгалари ҳам нока дастурхонга суви қочган нон булаклари ва бир ҳовуч парвардани ийманибгина қўйишди.

Мункиллаб қолган кампир Қобилхоннинг ёнига чўкди.

– Садағангиз кетай, Эшонбува, хуш кепсиз, отангиз раҳматли тез-тез кептурайдилар...

– Юрибмиз тирикнинг ризқига шерик бўб, – дея ютиниб қўйди Қобилхон. – Раҳматли отам муридлардан қўл узма, девдилар.

– Хушниёзнинг ўғли, тўнғичи бор-ку, Эшонқулмиди, шуни қамаб қўйибди, ўғирлик қилибдими-ей, билмадим нима бўлди, – деди кампир қоқсуяк қўллари билан нон булакларини уларнинг ёнига олиб қуяркан.

Қобилхоннинг ичиб турган чойи гомоғига учиб, узоқ йуталди. Йуталганида силтаниб тукилган, бир хўплам чойи қолган пиёлани охиригача симирааркан, томоқ қириб, совуққина жилмайди:

– Дуконам ўзимизники, ўғриям ўзимизники, қуяверинг дедим. Кўнмади, қисталақ.

Қобилхон узоқ ўтиролмай, кетишга изн сўради. Кампир у ёқ-бу ёққа аланглаганча ўрнидан тураркан, қўзғалмоқчи бўлган меҳмонга “Сиз утира туринг” дегандай қўлини қимирлатиб қўйди-да, имиллаб ҳовлига чиқди. Бедапояга сепилган гўнгларни титиб

юрган бесаранжом товукларни катакка хайдаб қамолмай, жиғибийрон булиб сукиниб юрган уғлини имлаб ёнига чақириб олди-да, биров эшитиб қолишидан чўчигандай пичирлади:

– Эшонбуванг қайтаман деяптилар, назр-ниёзинг булса, болам...

– Она-а, – уғил мулзам тортгандек, бошини хам қилди, – пул йуқ-ку, бу йил томорқадан топганимизам томоғдан ортмади. Ё бирор сатил ғалла...

Кампир лабини тишлаб, бошини қимирлатди. Кейин уғлига “Бор, ишингни қилавер” дегандай қул силкиб, пешайвон биқинидаги эски хужрасига кириб кетди; бироз утгач, у ердан ярим челакча бугдой, улимликка деб сақлаб қуйган кийимликларидан икки-уч эскича урфдаги, аммо оҳорли либослари солинган каттагина тугунчакни кутариб чиқди. Меҳмонлар ўтирган хонага кириб, гулоби румоли билан тарам-тарам ажин босган юзини ярим бекитганча меҳмонлар ёнига келди-да, қулидагини дастурхон чеккасига секингина қуйди.

Қобилхон ичида пичирлаб хонадон эгаларини узича дуо қилган булди. Сунг хайр-хушлашиб чиқди-да, кампир берган тугунчакни машина юкхонасига, бошқа хонадонлардан атаб берилган кичкина-кичкина тугунчалар ёнига қуйди.

У даштнинг уйдим-чуқур йулларидан саксовулзор оралаб уловини елдирганча Мусоқишлоқни тарк этаркан, отаси билан бу ерга келган болалик пайтлари, тойчоқ миниб қайтган кунлари куз олдидан лопиллаб ўтди. Машина деразаларига урилиб, ичкарига киролмай қайтган жиншамол бадтар аччиқланиб тепаликларга чиқиб, чириллаб айланарди. Қобилхон уловни илкис тухтатиб, ичида жиншамол каби укириб чопаётган бетизгин туйғуни

чувиллашиб утирган угилчалари-ю, уларни тинчи-
тишга уринаётган хотинига сездирмаслик учун туп-
роқ йулга тушиб, уфқ томонда чанг-ғубор фонида
тукилиб ётган қадим қургон харобаларига бирзум
тикилиб қолди. Шу пайт кутурган шамол бироз хо-
вуридан тушгандек, келиб йигитнинг шими поча-
ларини юлқилаб уйнай бошлади. Қобилхон бирор
қорани илғади шекилли, қулларини кузига пана
қилиб синчков боқди: тепалиқдан оқ эшак минган
оппоқ либосли бир чол Мусоқишлоқ томон тушиб
келарди.

СОВУГАН ҚУЁШ

– Жонга тегди! Улимимга рози қилади бу! Битта қизи бор сизми, учрашса учрашибди-да, шунгаям шунчами, отангиз улганди-я?! – дея минғирлади аёл ва бурнини қайта-қайта шулқиллатиб тортганча ерда сочилиб ётган кийимларни йиғиштириб, тахмонга ташлади-да, сунг эшикни зарда билан ёшиб чиқиб кетди.

Қарсиллаб ёпилган ёғоч эшикнинг зарби симкаравотнинг темир оёқлари ва Эшонқулнинг юрагигача зириллатиб юборди. Ҳаво етмаётгандек туюлдими, очик кукракларини, ажин қоплаган озғин юзларини, йирик кузларига соя солган қалин қошларини юқорига силади-да, урнидан туриб, деворни оҳиста ушлаганча дераза томон юрди. Деразани очиб, муздай шамолдан ютоқиб симирди. Сунг кукрагини чангаллаганча девор ёнлаб яна урнига қайтди ва ивирсиб ётган хонасига бостириб кирган совуқ шамолдан эти жунжикиб, ямоқ чопони билан қалтироқ тиззаларини уради. Шу пайт эшик очилди-ю, яна бўсағада аёл куринди:

– Опангиз келибди, – деди у оқсоқланганча бир коса овқатни хонтахта устига “дуқ” этиб қуйиб, эрига қараркан. – Исирик солмасам, уйдан пешобнинг ҳиди келиб қолибди. Уйламасин, укам қаровсиз деб.

Эр ҳеч нарса демай, каравотни оғир ғижирлатиб секин чузилди-да, деворга қараб ёнбошлаб олди.

Аёл бу сафар исириқ солинган хокандоз билан уйни айланиб, сунг ташқарига чиқиб кетди.

Ховлидаги бир туп олма иссиқ улкаларга куз тиккан қушлар билан узоқ хайрлашаётгандек яланғоч новдаларини беозор силкитди. Утлари қуриб, туёқлар остида тақир чиб кетган қип-қизил дашт буйлаб қишнинг ҳузурбахш ҳиди уфурди. Мусоқишлоқ одамлари бундай пайтларда ҳам даладан бери келмайди. Саксовул ташийди, тезак теради, янтоқ чопиб дасталайди...

Эшонкул худди шундай мавсумлардан бирида, дашт утлари қовжираб, қуйлар тақир тупроқ ялаган паллада кунни кеч қилиб опасиникига борган эди. Ичкари хонадан опасининг пиқ-пиқ йиғлагани, поччасининг дағдағали овози эшитилди. Поччаси билан рупара келса, узини босолмай жанжал чиқиб кетишидан чучидими, бусаға ҳатламай ортига қайтди. Тун қоронғисида қишлоқ оралаб келаркан, бир кунгли ичишни тусади, “бир шиша” бўлса, балки дили ёзилармиди. Одамлари кўча деворларини йулнинг ярмигача суриб келганидан кўчалар анча торайиб, тоғ сўқмоғидек эгри-бугри йулакчалар пайдо қилган. Айланма йуллардан утиб, узи ҳам билмаган ҳолда дукон рупарасидан чиқди. Тор йулаклардан ёруғликка чиқиб қолгандек чуқур нафас олди. Алламаҳал. Дукон ёпиқ. У деразага қоқилган михларни авайлаб суғуриб, ойнани олди-да, ичкари кирди. Нимага бундай қилаётганини узи ҳам билмас, фақат бир нарсани – қалбида пайдо бўлган ғашлик ва изтиробни бир лаҳза булсин унутиш, ховурини босишни уйларди. Бир шиша ароқни топиб, пештахта устига пулини қуйди, сунг ташқари чиқди-да, жилдираб турган илонизи ариқча ёнида, қари мажнунтол тагидаги

таниш сурига чўкканча бутилкани симирди. Боши айланиб, сурига чузилди-ю, осмон тула юлдузларга тикилганча қандай қилиб ухлаб қолганини англамади. Тонг ёғдусида кутарилган ғала-ғовурдан уйғониб кетди.

– Дуконга уғри тушибди!

Қобилхон дукондорнинг жавраб тушунтираётган овози қулоғига чалинди. Участка нозирининг таҳдидли овози уни бутунлай узига келтирди:

– Э-ҳа, эшон бува, уғри ҳам шу ерда экан-ку!..

Эшонқул узини тушакка михлаган бу касалликни камокда орттириб қайтди: юрак санчиғи билан келди. Саратонда ҳам тарк этмайдиган иугал узун қиш кечалари ухлатмайдиган бўлди.

Бемор девордан юзини ўтириб, кузларини шифтга қадаганча ётаркан, негадир пода ортидан чанг ютиб, янтоқзор оралаб чопиб юрган болалик чоғларини, румолининг бир учини тишлаганча уйчан ўтирган онасини, кузларида ёш билан деразадан ташқарига термулиб турган укасини эслади.

... Кунузоғи мол кетидан юриб толиққанидан бўлса керак, қуёш уфқдан кутарилиб, борлиқни қиздира бошлаганда ҳам ухлаб ётган Эшонқул ҳовлидаги ғунғир-ғунғир товушлардан уйғониб кетди. Қуёш аллақачон ҳовлини буйлаганди. Кунчиқардан эсган иссиқ шамол курпача қатига қистирилган пашшахона четларини учириб уйнади. У қиртишланган бошига ёпишиб қолган пашшахонани силтаб ташлаб, лойсупадан пастга оёғини осилтирганча, оёқ кийимини излади. Тополмагач, алланимадир деб ғудраниб, оёғига опасининг эски бир калишини унгу чапига қарамай илди-да, урнидан турди. Ҳовли тула одам. Урик шохига суйилган қўйни илиб, терисини гоҳ пичоқ, гоҳ бошмалдоқда

сирмаб шилаётган қассоб, қон юқи қули орқаси билан қалин мўйловини бир силаб олгач, болани ёнига имлади:

– Қани, ёрдамлаш. Шундай кунда ҳам ухлайдим, одам деган. Хув ановини олиб кел! Ҳаҳ, полвон...

Бола саксовул ғарами устида ётган итялоқни ис-тамайгина олиб келиб қассобнинг олдига қуйди-да, уй томон жўнади.

Таниш-нотанишлар: бири чой, бири дасталаб нон ташиган, ошхонада эса хотинлар қулларида идиш кутарганча куймаланиб юрибди. Болакай аёллар гавжум турган булма – опасининг хонасига ажабланганча бош суқди. Хона турига тутилган бахмал чимилдиқ ортидан опасининг пиқиллаб йиғлаётган овози келди. Ун чоғли хотин-халаж эса қий-чув қилиб тортишишарди:

– Қуда бува, куёвга бир нима атанг! Бир болали сигир мандан денг!

Болакай нима бўлаётганини фаҳмлаб, атрофга аланглади. Шў пайт бир ҳовуч танга чангаллаб чо-пиб келаётган укасига кузи тушди.

– Бу ёққа қара! – у укасини қулидан силтаб тортган эди, ҳовучидаги тангалар гиламга сочилиб кетди. – Кир уйга! – бошига бир туртди.

Ука йиғламоқдан бери бўлиб, акасига эргашди.

– Опамни обкетишадими? – деди ука йўл-йўлакай кузларидан тукилай деб турган ёшларини юзларига шуваб артаркан. – Қосим айтди. Бошқа...

– Уч! – деди ака қизарган кузларини укалаб.

Укаси билан уйга кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлаб, юзларини ёстиққа босди. Дераза пардасини кутариб, кузларида ёш билан ҳовлига термулиб турган уканинг опаси олдига тушиб мусиқа остида қаҳ-қаҳ урганча уйнаб кетаётган таниш-нотаниш

одамларни куриб, яна алами тоза булди. Деразани уриб йиғлади, кигизни тепиб бақирди, аммо уни ҳеч ким эшитмади.

Ака йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган укасига бироз термулиб турди-да, эшикни очиб ташқарига чиқди. Қуёш совуган. Қозон ўчоқдаги чуғ ҳар замонда учиб тушган япроқларни ёндиролмай заифгина тутун чиқариб қуяр, куркалар қозон атрофида тупланиб ниманидир талашар, отаси эса ҳувиллаб қолган ҳовлини айланиб, сочилиб ётган у-бу нарсаларни йиғиштириб юарди...

Эшонқул супа устига бориб чузилди. Кукка қаради. Нигоҳлари билан бутун осмонни чирмаб олишга уринаётгандек қаттиқ тикилди. Улкан осмон унинг қарашларига дош беролмай юзлари қизариб, тепаликлар сари эгилгандек булди. Қулоғига йиғи товуши келди: опаси пиқ-пиқ йиғлаяпди. Кузлари ёшланди.

Шу пайт отасининг зардали овози эшитилди:

– Молларни ҳайда... Ҳув, кун кеч булди...

Уйларидан куриниб турадиган тепалик ортида юлғун поялари билан уралган ёлғиз қабр булиб, унинг бошидаги бир туп йуғон, танаси ғадир-будур кекса тут барча зиёратчиларнинг ҳасратларини жимгина тинглаб, оғир-оғир тебраниб қуярди. Зиёратчилар унинг шохларига рангоранг латталар боғлаб, қабр олдидаги сомонсувоқ супачага қизил тангалар ташлаб кетишарди. Эшонқул баъзан бу тангаларни териб оларди-ю, онасига ҳам билдирмай мактабга жунар, онаси сезиб қолиб, уни уришганида эса тангаларни жойига қуийиб келарди.

Опасининг туйидан кўп ўтмай, укаси иситмалаб қолди. Ота-онанинг тинчи бузилди. Сукланди деб

уйлашдим, кишлоқ мулласини олиб келиб дам солдиришди. Исириқ тутатиб, ирим-сирим қилишди. Бола тунлари алахсираб тангаларини излади, опасининг исмини айтиб чақирди, йиғлади.

Бир куни тонгда туриб, онаси билан шифо тилаб таниш зиёратгоҳга келишди.

– Она, – деди Эшонқул супа ёнига чукаркан унинг устида сочилиб ётган тангаларга курсаткич бармоғи билан ишора қилиб, – буларни эшон бува ололмайди-ку?

– Ундай дема, – деди онаси уғлининг қулига бир уриб. – Одамлар Худодан дардига даво сўраб, танга ташлайди. Эшон бува тилакларимизни Узига етказди, болам. У кишиям уканга шифо тилаб дуо қилдилар.

– Тангалар-чи?

– Худо уни етим-есир, бева-бечораларга беради.

– Ҳа, Амир девонагами?!

Онаси қовоқларини уюб, “жим” дегандек ишора қилди.

Эшонқулнинг тўйдан кейин тузғиган катта ҳовлини тозалашда онасига ёрдам бераётиб, топиб олган тангаси ёдига тушди. Ушанда буни тўй куни укасининг қулидан сочилиб кетган тангалардан бири эканини ҳис қилиб, сездирмайгина чўнтагига солиб қўйганди. Беихтиёр чўнтагига қўл тикди. Совуқ тангалар унинг бармоқларини куйдиргандек бўлди. Болакай тангани чўнтагидан олиб, супа устига қўйгач, кўзида ёш билан укасига шифо сураб дуо қилди. Қабр бошида турган тут шовуллаб, шамолда ҳайбатли силтанди. Шохларидан узилган биттагина заъфарон япроқ ҳавода сувга шунғиган тангадек қалқиб-қалқиб супа устига тушди.

Онаси бироз юрди-да, ортига қайрилиб уни чақирди:

– Бўл, кетамиз. Қимирла!..

Бола бироз утиб секин қўзғалди-да, йулсиз ян-тоқзор оралаб онасининг изидан чопиб кетаркан, йўл буйида оқ салла-ю оқ либосли чолнинг ёнма-ён Исоқишлоққа оқ эшак йўрттириб кетаётганига кузи тушди. Син солиб қараб қолди, эслашга уринди, қаерда кўрган эди-я?..

Болаликдаги уша беҳудуд дашт энди Эшонқулга ғарибдек, узига ухшаб қаргайиб қолгандек хастахол, заъфарон тепаликлар устига урмалаб чиққан лой томлар эса тобора тақир тупроққа ботиб кетаётгандек янада пастқам куринди. Бирзумга вужудини тарк этган таниш санчиқ танасида чумолидек урмалай бошлади, куксида оғриқ гурди. Хотиралар уфуриб турган янтоғу оқбошларга пича тикилди-да, оркага қайтиб дардманд юракдек ингичка дарзлар ҳосил қилган деворга суянганча уз урнига – симкаравотга чузилди. Ингранди. Юрагида пайдо бўлган игнадек оғриқ оловга айланиб кукрак қафаслари бўйлаб югурди, томоғига нимадир тикилгандек ютинди. Ёстиғи остини сирмалаб дори излади. Ерга тушиб кетган дорисини олиб, кўрпа қатига қўйди. Бўғзига тикилиб турган оғриқ бутун вужудига тарқади. Деворлар тарс-тарс ёрилиб, эски ёриқлари эса каттаргандек бўлди.

Дераза ортида эса хотинининг қарғангани эшитилди:

– Опангни урма, дедим, буйинг гурда чиригур!

Эшонқул кўкрагини қаттиқ чангаллади. Шифт болорлари устига қулаётгандек, деворлар чор атрофдан қисиб келаётгандек туюлди. Чукур ҳўрсиник ичидан отилиб келди-ю, бўғзига қадалиб турди-да,

бир томчи ёшга айланиб, оқ оралаган соқолига син-
гиб кетди...

Эшик ғийқиллаб очилиб, қонсиз юзлари ва кир-
тайган кузлари эшикка қараганча коғиб қолган
одамнинг бошига худди узига ухшайдиган бир кам-
пир пилдираб кириб келди.

Сарғайган дашт юзига йирик-йирик иссиқ ёмғир
томчилари тома бошлади.

ЖОН ДИЛБАРИМ

– Қоранг ўчгур Потма, Зухра, қанисан? – ҳовлидаги супада курпага ураниб ётган тулагина аёл ёстикдан бошини хиёл кутариб, у ёқ-бу ёкка аланглади. Сунг изидан паст овозда яна деди: – Единг-ку, тириклай единг-а!

Толнинг ҳилолдай ингичка барглари шитирлаб тукилди; шохида ғуриллаб турган мусича “пир” этиб бир девор нари қўшни ҳовлига учиб утди. Тандирхона олдида искаланиб юрган қора ит биров тош билан ургандек белини ёнга қийшайтириб шинғиллаганча орқасига қарай-қарай дарвоза томон кетди. Молхона тарафдан ва уй ичидан қош-қузлари қора, сочлари майда қилиб урилган, бир-бирига икки томчи сувдек ухшаб кетадиган қизлар кўринди-да, овоз беришди:

– Мана, она, ҳозир!

Симтуғара билан уралган боғ сахнида дарахтга илинган қўлтелефонидан таралаётган қўшиққа жур бўлганча бир эркак ер чопарди:

*“Жон дилбарим, кузларингни соғиндим ман,
соғиндингму?..”*

Туйқус боғнинг қуйироғидаги улкан ёнғоқ дарахтида қарғалар қағиллади. Эркак қаддини ростлаб, аввал ёнғоқ дарахтига, кейин осмонни ўраб, чирмаб келаётган булутларга қаради. “Қиш эрта

келди”, уйлади у. Сунг этигидаги нам тупроқларни ерга уриб-уриб туширди-да, узидан икки-уч қадам наридаги дарахт соясида турган сув тула кузани кутариб, мириқиб симирди. Лаҳза утмай боши айландими, кузани ерга оҳиста қуйиб, бир қўли билан дарахтга суянганча чук тушди. Узига келгач, урнидан туриб яна жойига қайтди.

Киприк қоқмай эркакни кузатиб турган аёл овозини баландроқ қуйиб деди:

– Ҳаҳ, овозгинанг ўчсин! Бошимга етдинг. Энди “Дилбарим” деган қушиқ эшитасан! – устидаги курпасини оёқ учига суриб, урнидан туришга уринди. Оёғи оғридими, ингранди, бир-икки йуталди ва яна қизларини чақирди:

– Потма, Зухра, тул қолгур, қайдасан?!

Отхонада турган от бор кучи билан кишнаб, ер тепинди, пахса уй силкиниб, пештоғидан ини билан “туп” этиб ерга тушган полапон чирқиллаб нола қилди. Ногоҳ эсган ёмғир ҳидларига қоришиқ шамол хазонлар ва сочилиб ётган қуш ини ҳасчупларини йиғиб супа ёнига олиб келди. Катта-катта ёмғирлар ёғди. Ҳовлидаги кийимлар ёйилган дор судралиб, пешайвонга, сунг уй ичига кириб кетди. Ёмғир тўхтади.

Шу пайт молхона томондан югургилаб келган қиз аёлнинг қулидан ушлаб суянганча пастга туширди-да, қўлбола тувакка ўтқазди. Қўлювгичга сув солди, офтобани тўлдирди ва дарахт шохига янги сочиқ илиб, уйга кириб кетди.

Бироз ўтиб иккинчи қизи келди. Супадаги жойларни йиғиб, онасини яна суянганча ўрнига олиб чиқди, офтобани силтаб ичида сув йўқлигини билгач, бир қадам нарида, ток тагидаги сатилдан сув олиб, уни тўлғазди ва эркакни чақирди:

– Ота, чой тайёр.

Эркак белни дарахтга суяб, пешайвон ёнига келди. Офтобадаги сувда ювинди. Сунг юзларини шабадага тутди; гуё шабада сув томчиларига тегиб, янада салқинлик бахш этаётгандек эди. Бироз ўтиб айвонга чиқиб утирди. Бели оғриди, шекилли, курпачага ёнбошлади.

Аёл эрига қараган куйи кузларини пирпиратмай уйлади: “Ким у, Дилбар? Яна бошқа...”. Аёл дард заҳил қилган юзларини силаган бўлиб, кўз ёшларини артди. У дарахт гуллари сочилиб ётган ҳовлига, тандирхона атрофида айланиб, бирор егулик излаётган итига ва ниҳоят айвонда, шундоқ кўз унгида бутун умрининг бор мазмуни ва бахтига айланган, пешонасига қулини қуйганча оёғини чалкаштириб, чархи даввор бир айланиб олис сайёраларда бўлиб қолишини орзу қилиб осмонга қараб ётган эркак – узининг умр йулдошига яна ички бир дард тула нигоҳини қадаб қолди. Ўшанда куз эди. Ўнқир-чунқир йуллардан чайқалиб келаётган трактор чуқурга тушиб, силтанди. Қий-чув қилиб бир-бири билан гап талашаётган қизлар маккапоя бошига келгач, ғаройиб бир махлукни кўриб қолгандек тиркама панжарасига ёпишди.

– Қани, манам бир курай, – деди Салима худди бир нарсадан қуруқ қолаётгандек дугоналарини турткилаб тиркама панжарасига яқинлашаркан. – Вой-бу, бунча баҳайбат, узунлигини қара!

– Иштони-чи, – кулди иккинчи қиз. – Қопга ухшайди.

– Ростданам телбами? – ҳайратланди учинчи қиз...

Йул четидаги катта ариқ буйида ҳозиргина маккапоя пушталари оралаб чиқиб келган баҳай-

бат одам сувга тикилиб турарди: маккажӯхори барглари илашган жингалак сочи елкасига тушган, кузлари уткир ва йирик, қоп-қора соқоли кукрагини ёпган, устида коржомо, кенг иштон, оёғида қунжи кесилган кирза этик. Узун ва яғриндор; куриб дев дейсиз, ҳайбатидан от ҳуркади. У сувлаган нигоҳини ариқдан кутариб, бақир-чақир қилиб келаётган қизларга қаради-да, яна ариқ бўйидан тушиб маккапоя оралаб Мусоқишлоқ томон юриб кетди. У фақат бир пайтда, яъни қизлар даладан пахта териб қайтаётган намози шомдагина ариқ бўйига чиқиб, бирзум сувга тикилиб турарди-да, сунг ортига қайтиб кетарди.

Тиркама каттароқ чуқурга тушиб, яна силтанди. Салима узини тутолмай чайқалиб-чайқалиб унинг бортига урилди-ю, оёғи қарс этди. Бу ҳам етмагандек қизлар унинг устига келиб тушди. Салима додлаганча оёғини ушлаб, ҳушидан кетди. Шушу, оёқ улгур тузалмади, қанча шифохонада ётди, қанча табибни эшигини тақиллатди, бари бефойда. Йиллар ўтиб, оз-моз қимирлаб турган, ҳассага суяниб юрса буладиган бу оёқ уни тушакка михлади-қуйди.

Энди шу супа ҳалак, у ҳалак, шу каталакдек уй овора, у овора, эшикка куз тикиб ўтиради, қўшнилардан кимдир чиқиб қолса борми, бирдан кузига зўр бериб, дийдиё қилади:

– Касал бўлсанг эрга ҳам кераксиз бўлиб қоларкансиз! Бу қорабош илон “топганга” ухшайди, хола. Дилбар дейдими-эй... Қушиғи ҳам шу: “Жон дилбарим”... Жони бўйнига тоқилган, бу хотининг улиб хотинсиз қолгурнинг.

Аёл узини ҳам аямай қарғади. Инқилаб оёғини чузди, оғриди, яна қайтариб йиғди. Ҳозиргина

безиллаб турган аёл ёшсиз кузларини ишқалаб йиғидан таққа тухтади-да, у ёқ-бу ёққа қараб яна гуруннга утди:

– Ҳа-я, эшитдингизми, Гулли бева Нурман чолнинг кенжасининг бошини айлангириб, иссиқ-совуқ қилиб, тегиб олибди.

Ачиниб, упкаси тулиб йиғлайман-йиғлайман деб турган қушни аёл, Салиманинг қуп-қуруқ кузларига бироз ҳайратланиб қараб турди-да, янгиликка уч дил ҳовурини босиш иштиёқида барчасини четга суриб, кузларини катта-катта қилганча гапга қушилди:

– Бало ютсин! Такага “ноз” қил деса, тол шохига осилибди.

Аёл яна юм-юм йиғлай бошлади:

– Ёшгина эдим, чиройли эдим, бошимда пилтадузи дуппи, сочим қирқта қилинган, кошимга қалдирғоч қилиб усма қуйилган... – Товуши янада баландлашди: – Қанча йигитлар сочимга ошиқ эди, қанча йигитлар қошимга ошиқ эди, қанча йигитлар кузимга ошиқ эди...

Қушни аёл пиёлада совиб қолган чойни лабига тегизиб ичгандек булди-да, урнидан қузғалди.

– Касал отда келиб, пиёда кетаркан, қизим. Ҳа демай отдай буб кетасан. Майли, мен борай, – у ёшли кузлари билан калишини излаб аранг бир пойини топди, сунг ёш тусиб қуйган кузларини уқалаб, иккинчи пойини излади, ниҳоят бунисини ҳам топди: – Ҳаҳ, улгур, бу ёқда экан.

У оёғига калишини иларкан яна деди:

– Касалинг эскича, мани айтди дерсан. Қулингни бир янгилаб кур! Ётқизиб ҳам қуяди-да бу қурғур момолар, онанг катта бахши ўтган!

Кампир пилдираганча шошиб чиқиб кетди.

Аёл яна ҳовлида урмаланиб юрган эрига қаради. Қадди чукиб, туртта суяги қолибди бечоранинг. У энди лой қориб, зах емирган деворларни сувоқ қиларкан икки пахса айлантирилган ҳовли девори устидаги қултелефонидан янграётган қушиққа жур бўлиб ҳиргойи қиларди:

*“Жон дилбарим, кузларингни соғиндим ман,
соғиндингму?..”*

...Кун қайтиб, адир ортидан муздек шабада эсди. Даладан қайтаётган одамларнинг қий-чуви билан тепалик ортига ўтган қуёшнинг нимтатир сояси эса ҳали ҳам оламини ёритиб турибди. Аёл “чух-чух” ланганча қурага қуй қамаётган эрига разм солди. У қуйларни қамаб, таёғини судраганча супа ёнига келди. Чой ҳам ичмай, ток тагидаги симкаравотга чўзилди-ю, уйқуга кетди.

Супа устига ошлоқ ёзган қизлар отасини уйғотишга журъат қилолмай, бир-бирига қараб индамай тураверишди.

– Қуявер, улмайди, – жеркиб берди аёл, – етти дўзахга ўт қуяди бу хотинбоз!

Қизлар уйга кириб кетишди.

Аёл тонгга яқин яна ихранди. Оёғини чўзди, оғриди, яна йиғиштириб олди. Уйқуси қочди. Сунг супа ёнига қуйилган симкаравотда ётган эрига ажабланиб қаради. Тонг отмасдан туриб, ҳовли айланиб томоқ қириб юрадиган эр ҳали ҳам каравотда чўзилиб ётарди; у аллақачон бу дунёни тарк этган эди. Шамол ҳовлига сочилган хазонларни супуриб, супа ёнига туплади...

Фасллар алмашди. Шамол тоғларда ёққан қорлар совуғини олиб келди. Уй мурисидан чиққан оппоқ тутун осмонга ўрлади. Деразада турган қорачи-

роқнинг сарғимтир нурларини ютиб юборган тонг печка ёнида қунишиб ётган аёл ва икки қизнинг юзларини ёритди. Аёл оғир ингранди. Калта-калта йўталиб, изидан ёнида турган тоғорага эгилиб ўғжиди. Сунг қизининг суёвида ташқарига чиқди-да, аравачага ўтириб қаергадир йул олди.

Шамолли, ёмғирли тонг. Кулранг булутлар аста-секин сузиб қишлоқ узра қуюқ соя ташлади. Аёл катта-кичик қабрлар оралаб бораркан, ўзи ўтирган аравачанинг бир оёғи қандайдир чуқурга луп этиб тушди-ю, унинг белидан юқориси аравадан ерга осилиб қолди. Аёл жонсиздек туюлган оёғини аравадан аранг тортиб олиб, эмаклаганча ҳали нами қочиб улгурмаган қабр томон юрди. Қабр устида пиёла ва сув солинган куза, супачасида эса бир даста қоғоз гул турарди. У гулни кўриб аввал ҳайратланди, сунг ранги қути учиб, унга янада яқинроқ борди, титроқ кўлларини гулга узатди ва яна қулини нимадандир қўрққандек бирдан тортиб олди. “Буни ким қўйди экан” уйлади аёл. Англамаган ҳолда узун киприкларига осилиб заъфарон ёноқларига оқиб тушган бир-икки томчи ёшни шоша-пиша рўмоли учлари билан артиб олди-да, гулни олиб четга улўқтирди. Туйқус қабристон оралаб аста-секин ўзи томон узоқдан юриб келаётган қабристон қоровулига кўзи тушди. Аёл унга узоқ тикилиб қолди. Охири топди. Бундан анча йиллар олдин, қизлигида йул четидаги катта ариқ бўйида курган девдай одам шу эмасми? Шу, аниқ шу. Ҳали ҳам уша кийимда: устида коржома, кенг иштон, оёғида қўнжи кесилган кирза этик. Аёлнинг қўрқувдан ранглари оқариб дағ-дағ титрай бошлади. Одам маккапоя пушталари оралаб келиб, сувга қандай тикилиб

турган булса, худди ушандай алфозда қабр олди-га келиб, унга бироз қараб турди-да, ерда ётган гулни олиб яна қабр устига қуйди ва деди:

– Шамол...

У ортига қайтиб қабрлар оралаб кетди. Анча пайт туриб қолган аёл узига келгач, ортига бурилиб, аравачаси ёнида йиғлаб турган қизини кўрди. Аввал шамол, кейин эса узоқлардан келаётган, унга таниш булган қўшиқ қабристон четидаги баланд тераклар баргига қўшилиб шовуллади. Аёл у ёқ-бу ёққа аланглади. Қўшиқ қабристонга туташ зовур буйидаги қоровулнинг кичкина кулбасидан таралиб турарди:

*Жон дилбарим, кўзларингни соғиндим ман,
соғиндингму?
Қорда қолган изларингни соғиндим ман,
соғиндингму?..*

Ҳикоялар

Ҳамаидаги дунё



Аммо у уз овозини танимади, хат-
то куз ёшлари ҳам узиники эмасдек.
Бу овоз акасининг овозига ухшайди, гуё
ичида у йиглаётгандек.

ҲУЖРА

Турт йиллик талабаликдан кейин биринчи бор баҳорни соғиниб келишим. Қишлоғим ҳам ичимга кириб қолгандек; у билан қўшилиб нафас оламан, томирларимга яшил қон югуради. Тепалик оша даштга ёйилиб кетган бостирма уйларга қарайман. Мана бу унгирларда, мана бу дунгликларда чопиб юрган болалигим кўз олдимга келади: «Эй-й журалар!..» Тепаликлар акс-садо қайтармайди, улар тоғлар эмас-да.

Қишлоғимнинг номи ҳам жисмига монанд – Баҳор. Бугун шундоққина уйимизнинг ёнидаги энг баланд тепаликка чиқиб, атрофга кўз ташладим-у, ҳайратимни ичимга сиғдиролмадим; қишлоғимга бу ном шунчаки берилмаган-да. Эҳтимол, қиш шунинг учун бизни ёмон қуради, ҳасади келар. Изиллаган изғирини баданингни уйиб олай дейди, ёмғири қорга, қори музга айланиб, ханжардек санчилади...

Уйимиз катта йўл бўйида, қишлоқдан бироз ажралиб туради. Йўл зовур ёқалаб кетган; кучанинг икки чети кета-кетгунча фақат тутлар. Куприкдан ўтиб, кунботарга юрилса, зовур четида учта ҳовли бор: Элмурод раиснинг уйи, Араббуванинг уйи ва бизнинг уй. Қишлоқ маркази бироз олисроқда бўлгани учун, шу уч уй болалари – синфдошим Анвар, мен ва бошқа болалар эрта тонгда тудалашиб мактабга борардик. Мактабдан қайтаётганимизда эса тупроқ йўлда шақилдоғи-

ни судраганча Амир бизни кутиб оларди. Ақли ноқисроқ бўлган бу бола – Анварнинг акаси. Кузлари катта, сочлари қўнғироқ, қорамағиз, новча. Кучада кимни курса, олдига югуриб келарди-да, қўлидан ушлаб, уйга юр деб туриб оларди. Қўн суз билмасди: ота, она, мома, нон, ака – луғатидаги бор-йўқ суз шу. Изғирин буладими, жазирамами, унга фарқи йўқ, доим дарвоза олдида уйнаб утирар, қўлида консерва қутиларидан ипга тизилган шақилдоқ бўларди.

Бугун у куринмайди. Дарвоза олдида оқ ит қўлоғини ерга босиб, бир қўзини қия очиб ётибди. Бир пайтлари қўзимга ҳайбатли қуринадиган бу ёғоч дарвоза энди уриниб, шалвираб қолгандек. Итдан қўрқиб, унга сездирмасдан утмоқчи бўлиб, тез-тез юра бошладим. Шу пайт «Оқтой! Бах-бах!» дея итини чақирганча Анвар чиқиб қолди. Мени курди-ю:

– Э-э була, бормисан? – дея тиржайганча қўлоч ёзиб кела бошлади. – Шаҳарлик бупкетдинг санам. Бизаниям эслайсанми ўзи?

Мен ҳам уни қуриб қувониб кетдим, ахир неча йиллик журам; муштлашиб катта бўлганмиз! Шу қўйи дарвоза олдида анча пайт суҳбатлашиб угирдик, сўнг у қўярда-қўймай уйга таклиф қилди. Уша ҳовли, ҳеч нарса узгармаган: шохалаб кетган урик, ҳовли уртасидаги чордоқли уй, лойсувоқ деворлар... Фақат уйдан узоқроқдаги омборхона эшигига бошқа, каттароқ қўлф осилибди. Бола пайтимиз мана шу омборхона олдида уйнаб қолсак, Анварнинг онаси қўлига таёқ олиб қувиб соларди; негадир шу хужрага яқинлашгани қўймасди. Бизни қувиб юборгач, Хурсанд хола хужра билан гаплашгандек омборхона эшиги ёнида бирпас ўтирарди-да, қўзларига ёш олиб, ортига қараб-қараб узоқлашарди.

Ҳануз сирлилигича қолган, доим қизиқ туюлган бу ҳужра бугун негадир бошқача, қандайдир сеҳрланган кулбадек қайғули, кимсасиз куринди. Гуё ҳужра бу хонадонга мутлақо тегишли эмас, узга оламдан тушган-у, унга яқинлашган одам бахтсизликка йулиқадигандек. Деразалари йуқ, эшик тирқишидан қараб, у ерда фақат қуюқ зулмат ҳукмронлигини сезиш мумкин эди. Йулақда кулбага қараганча анча туриб қолдим, шекилли, Анвар келиб елкамга туртганини ҳам сезмабман. Биз болаликда доим уйнайдиган жойимиз – чордоққа чиқдик. Ёнбошлаб ётганча узоқ гурунглашдик, болаликни эсладик.

* * *

– Тура қол, болам! Тонг отиб қолади, – дейди онам хавотирли оҳангда. Тонг отиб қолишидан чучигандек дераза пардасини суриб, ташқарига қарайди. Дераза қоронғи, булутлар тонгни ортига яширгандек ҳурпайиб турибди.

– Ёмғир ёғса керак, – дейди яна онам. – Бу ҳавода тонг отганиям билинмайди.

Инжиқлик қилиб, кўзимни аранг очаман. Кўзим кум тикилгандек оғрийди. Иссиққина кўрпадан чиққим келмай, ёнимда ётган укамни туртаман. У ғудранганча бошқа ёнбошига угирилиб, бошини кўрпага тошдек ураб олади. Онам очган деразадан кирган шабада шудрингли бедапоя ҳидини ди-моғимга олиб келади. Бир ҳовуч муздек шабадага бет ювгандек сесканиб кетаман, уйқум очилади. Кўзимни ишқалаб-ишқалаб, худди биров мажбурлагандек зурға урнимдан тураман. Юз-қўлимни на-ри-бери юваман-у, онам тайёрлаб қуйган тугунчани олиб, молхонага чопаман. Онам молларни шохбандидан бушатиб, катта йулгача ҳайдаб чиқишади.

Тонг қоронғиси ваҳимали. Озроқ юрганимдан кейин ғира-ширада молларини янтоққа қантариб турган Анварни куриб қурқувим йуқолади. Моллар бир-бирига қушилиб, пода бўлади. Сигирларга бир шохи синган Катта сигир йулбошчилик қилади. Оч сигирлар йул четидаги шода-шода қип-қизил мунчоқдек осилиб турган янтоқ гулларига буйин чузиб, тишлаб узиб олади-да, йулидан чалғимай чайнаб кетаверади. Бирортаси тухтаб қолса, ортидан келаётган сигир шохлари билан нуқиб, пуписа қилади: «Тезроқ юр».

Ғиштин дуконнинг орқаси бедазор. Урилганига куп бўлмаган. Яккам-дуккам беда ғарамлари тунига ураниб ётган одамдек қорайиб куринади. Сигирлар бедазорга ёйилади, ут куп булгани учун олислаб ҳам кетмайди; бедапоя атрофини ураб турган пахтазорга ҳам утмайди. Қорни гуйганлари ётиб олиб кавш қайтаради. Бизни эса уйқу элитади.

«Яна ухлаб қолманглар», – дея тайинларди онам. Бедазор этагидаги тутзор бизга онам айтиб берган жинлар мамлакатини эслатарди.

– Ёш эдим. Бир кун далада, дарахт тагида утирсам, – дейди онам, – тепамда, дарахт устида бир чиройли сариққина қиз узун сочларини ёғоч тароқда тараб утирибди. Ёнимда эса ёғоч коса, ичида садақайрағочдан ясалган чиройли тасбеҳ. Оламан десам, қиз ҳам, тасбеҳ ҳам йуқолиб қолди. Ухламаганим яхши булган, йуқса у мени чалиб кетармиди?..

– Она, Амирни ҳам уша сариқ қиз шундай қилиб қуйганми, – дейман қурққанымдан, хаёлимга дарахт тагида ухлаб ётган Амир келади.

– Йўқ, – дейди онам уйга чумганча, – у онадан шундай туғилган. Унинг онаси ухлаб қолган, болам, онаси...

Онам ухлаб қолмаслигимиз учун бу эртакнамо ҳикояни ичидан тўқирмиди ёки бўлган воқеами, ишқилиб, уйқумиз келди дегунча соч тараб утирадиган қиз куз олдимизга келарди.

– Ухлама, сариқ қиз чалиб кетади, – дейман Анварга гўё уша қиз ҳозир келиб қоладигандек атрофга аланглаб.

Кун чиққач уйга қайтамиз. Шу билан кечки салқингача мол боқиш ташвишидан озодмиз, салқин тушгач, молларни зовур четларида бироз айлантираамиз. Моллар яна йулга чизилиб, тўғри уйга жунайди. Қайтишда ҳам Катта сигир подани етаклайди. Келгунча йулда шаталоқ отган пода ҳорғин ва оғир қадам ташлайди, қорни туйган-да. Бир-бири билан шохлашиб, йулни тусиб қуйган бузоқларга сигирлар бош силкиб ҳафсаласизгина «жим юр» дегандек танбех беради.

– Ҳамма моллар Каттанинг боласи, – дейди Анвар тарғилни курсатиб. – Хурон мол. Отам сотгани қуймайди, сигирларимизни баракаси, дейди.

– Шуни айтяпсанми? – дейман Анварнинг мақтанчоқлигини хушламай. – Қари-ку бунинг!

– Қари бўлсаям, унча-мунчасини шохини қайиради, – керилади Анвар.

Чиндан, ҳамма моллар ушанинг изидан эргашарди, биронтаси унга тик бормайди. У бир ҳамла қилдими, тамом, ҳатто масиққан ҳукизлар ҳам пусиб кетади.

– Аласузгич ундан зур. Кеча Каттани кучи етмади, ўзингм кўрдинг-ку, – мен ҳам молимни мақтайман. – Ҳар кун бир сатил сут беради. Кеча зовурга ботиб қолгандаям-чи, ўзи чикиб кетди.

– Ушандай пайтда думини қайириш керак, галварс, – дейди Анвар билимдонликка ўтиб. – Мол

дангаса бўлади, думини қайирсанг, жони оғриб, чиқишга узи ҳаракат қилади. Молни жони думида.

– Ундаймас, – дейман жаҳлим чиқиб, – керак бўлса, узингни молингни думини қайир!

– Э-э-э, – дейди Анвар, – барибир, сан гапга тушунмайсан...

Моллар қайтгунча барра утларга ҳам эътибор бермай, мураб-мураб қўяди. Зовур ёқалаб бораётган пода иккига бўлинади. Елини тарсиллаб турган соғин сигирлар уйга яқинлашгач, сабри чидмай, лукиллаб югуради, узини молхонага уради. Бузоқчалар оғзи купириб, онасининг елинини силтаб-силтаб эмади.

Онам молларни шохбандидан боғлаб олади. Кейин бузоқнинг ипини қўлимга бериб, узи сут соғишга тутинади. Онам алла айтганда ҳам, мол соғаётганда ҳам ғамгин бир қушиқ куйлаётгандек бўларди, томоғига йиғи тикилгандек товуши титраб-титраб чиқарди. Гуё сигир ҳам онамга қўшилиб йиғлаётгандек кузларидан ёш оқиб, жим турарди.

Мен эса Анварларнинг уйи томонга қараб-қараб қўяман. Анварга сигирларни боғлашда Амир ёрдамлашарди. У қўлига бир қарич чўп олиб, узоқроқдан туриб молларни қайтаришга уринар, қайсарлик қилганини сукканча қувиб юрарди:

– Чу, ҳаҳ, мо-о-о...

Қуёш тик кутарилиб, оламга ёрқин нурларини сочади. Онам дастурхонга иссиққина ширчай, пиёлада қаймоқ қўяди. Ширчайдан ичар-ичмас кийиниб, сумкамни кутарганча Анварларникига югураман. Мактабга шошамиз. Амир йул бошигача Анварнинг сумкасини кутариб боради, сўнг шақилдоғини судраб уйга қайтади. Синф журнаliga Амирнинг исми ёзилган бўларди. Муаллим

Анварни доскага чиқарадиган бўлса «Амир Қулмуродип» деб мурожаат қиларди.

– Амирни урнига бораман, – дейди Анвар нигоҳлари билан ер чизиб.

– Сан-чи, сани ўрнингга ким мактабга чиқади, – дейман ажабланиб. – Сани уканг йуқ-ку?!

– Билмадим, – елка қисади у. – Отам билади...

Мактабдан қайтгач, мен доим Анварларнинг уйига чиқиб, у билан бирга уйнардим. Амир бизга шерик. У қишин-ёзин устига жемпер, кенг йул-йул нока иштон, калиш кийиб юрарди. Унинг йиғлаганини курмаганман. Анвар урса ҳам, оғзини буриштириб йиғлаган буларди-да, кузидан бир томчи ёш чиқмасди. Ўйинга қушмасак, бизга ёмон қараб, бир четга бориб оларди-да, тупроқ уйнардим. Чупларни синдириб, бошига ип боғлаб чиқарди (бу боғловдаги сигирлар бўлса керак). Гохида консерва қутиларини бир-бирига боғлаб шакилдоқ ясарди.

Узоққа чузилмаган баҳор салқинидан сунг кунлар қизийди. Қоқ туш пайтида эса қишлоқ одамлари уй деразаларига қалин мато тутиб, қоронғи қилиб ухлайди. Офтоб уради деб кўчага ҳам чиқишмайди. Тупроқдан ҳил чиқади. Бир куни Анварларнинг ҳовлисига секин ўтдим; жим-жит. Ит мени танийди, индамайди. Энди анорларни узиб сатилга солаётгандим, жўяк ичида утирган Амирга кўзим тушди. У ўкрайиб қаради. Қулида шакилдоғи.

– Иккита анор олдим, – дедим уни алдаган бўлиб. – Майлими, ҳеч кимга айтмайсанми?

У ўрнидан туриб қўлимдан сатилни олди-да, симтуғарадан энгашиб сатилни бизнинг ҳовли томонга ўтказиб қўйди. Анварлар билан ҳовлимиз ўртасида девор эмас, симтуғара бўлса-да, Амир бирор марта ундан ошиб ўтганини курмаганман. Мен

челақдаги анорларни тукиб, яна олмоқчи бўлдим. Амирни алдашга уриндим. У бу сафар индамай утирмади:

– Мома, мом, а, ма... – Амир қули билан имо-ишора қилганча уйга лапанглаб югуриб кетди.

Мен узимиз томонга сакраб ўтдим-да, икки четига райхон экилган ариқ ичига ётиб олдим. Аммо Амир ҳам, бошқа одам ҳам уйдан чиқмади.

Бир куни отам билан Анварнинг отаси гаплашиб турганини курдим:

– Мактаблари бор, берсанг буларди, – деди отам Амирга имо қилиб.

– Суриштирдим, фойдаси йук эмиш, – деди Элмурод раис, ғамгин тус олиб.

– Шерободдаги Авлиё отага олиб борсанг-чи, зора шифо топса. Мулла-пулла дегандай... – деди отам қулидаги ток қайчи билан вайишдаги ток новдаларини бутаркан.

Элмурод раис тирсагидан кесилган унғ қули-тиғига носқовоғини қистириб, чап қули билан қопқоғини бураб, унга бир отим нос ташлаб чекди. Унинг қулини ёшлигида варақа¹ юлиб кетганини эшитган бўлсам-да, мен учун у онадан шундай туғилгандек эди. Балки Анварнинг отасини эсимни танибманки шу ҳолда кўриб, бошқача тасаввур қилолмаганим учундир? Болалигимизда бирорта-миз жим бўлмай йиғлайверсак, кесилган қулининг енгини шимарарди-да, буриштириб тикилгандан сунғ қолган беухшов чандиқ изларини курсатиб қурқитган буларди. Буни курган ҳар қандай бола бирдан жим буларди-қоларди.

¹ В а р а қ а – пахта толасини чаноғидан ажратувчи ускуна.

Бир куни Анвар билан мактабдан қайтаётиб, Амирнинг катта тупроқ йулда қандайдир ёғоч қутичани судраб чопиб юрганини курдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай йулда Хурсанд хола пайдо бўлди-ю, Амирни дуппослай кетди. Амир қуллари билан юзларини тусганча: «Ма, ма...», – деб йиғлар, аммо одатдагича кузидан бир томчи ёш чиқмасди. Хурсанд хола хуморидан чиққунча калтаклагач, бизни курди-ю, тўхтади ва Амирнинг қулидаги қутичани бағрига босганича ортига қарай-қарай лукиллаб уйга чопиб кетди. Шу пайт кутилмаганда Анвар ҳам акасини калтаклашга тушди. Бу манзарадан қарахт бўлиб қолдим. Охири чидолмай, сумкамни ерга ташлаб, Анварнинг қулига ёпишдим.

– Нимага урасан? – ажратган булдим.

– Ишинг бўлмасин! Барибир тушунмайсан.

Шу-шу бўлди-ю, бежирим ишланган қутича хаёлимни бутунлай банд этди, гуё унда қандайдир тилсим яширинган. Уни билишга шунчалик интиқ эдимки, ҳатто у тушларимга ҳам кириб чиқадиган бўлди.

– Анвар, ке жура, ўша қутичани бир курайлик, – дедим бир кун сабрим чидамай.

– Йўқ, бўлмайди, – деди Анвар қағбий. – Онам яшириб қўйган.

Бир куни Амир қулимга бир парча қоғоз тутқазди; хат экан. Қўшни қиз – Араб бобонинг қизи Ферузадан. Аввалига хайиқдим, нега, узим ҳам билмайман, сунг севиниб кетдим. Юрагим минг бир булақларга булиниб, томирларим буйлаб югургандек бўлди. Хатни қайта-қайта ўқидим: «Сизни кечга дарвоза ёнида кутаман...»

Хатни қўлтиқлаб Анварнинг олдида борсам, у ҳовли четидаги омборхона ёнида симдан трактор

ясаб ўтирибди. Иккаламиз омборхона эшигига суяниб, севги мактубини муҳокама қилишга тушдик.

– Унча чиройлимас-ку, – дейди Анвар, – бошқаси қуриганми сенга?!

– Ишинг бўлмасин, – дейман жаҳлим чиқиб. – Лайлиям чиройли бўлмаган...

– У-у, Мажнун бўлмоқчимисан, – дейди у устимдан кулиб.

Шу пайт уйдан Хурсанд хола чиқиб қолди. Ёизни хужра ёнида қуриб, кузлари ола-кула бўлиб бақира кетди:

– Нимангни йуқотгансан, ҳамманг шу ерга келасан?!

Хурсанд хола ерда ётган Амирнинг шақилдоғини олиб отди. Иккаламиз оёғимизни қулимизга олиб, икки ёққа гумдон бўлдик. У анорзорга, мен кўчага қочдим. Қуп ўтмасдан иккимиз яна молхона тарафда пайдо бўлдик.

Кун ботай деб қолди. Деворга суяниб турган қуёш секингина уй ортига ўтиб кетгандек. Оёқ-қўларимни ювиб, дастурхон бошига ўтираман. Отам чой ичиб бўлгач, бир четга ёнбошлайди-да, оёғини менга узатади. Укамга ишора қиламан:

– Бугун сан!

У лабини буриб, тумшуғини бир кўтаради-да, секингина каравотдан тушиб кўздан ғойиб бўлади. Яна оёқ уқалаш ўзимга қолади. Отам хуррак отади. «Ана ухлади», дейман, оёғини тиззамдан пастга эҳтиёткорлик билан қуймоқчи бўламан; хуррак тухтайди-ю, отамнинг таҳдидли овози эшитилади: «Қаёққа?» Мук тушиб отамнинг оёқларини энди ғижимлаб-ғижимлаб уқалай бошлайман. Отам оғриқдан бўлди қил дейдими десам, қайтангга: «У-у-у, ана шундай, шунда-ай...»

деб мамнун булади. Мен отамга қарай-қарай қачон ухларкан деб уқалашда давом этаман. Анчадан сунг отам ростакамига ухлаб қолади...

Аммо бу пайтда Феруза «ваъдасига вафо қилмаган» йигитдан аразлаб аллақачон уйига кириб кетган булади. Мен эса Ферузани мактаб ёки кучада курсам, уялиб, узоқроқдан утиб кетадиган булдим.

Мактаб даври ҳам гугагач, қадрдон қишлоғим билан хайрлашиб, шаҳарга ўқишга кетдим. Аммо хаёлимда шақилдоғини сўдраган Амир, сирли қутгича-ю муъжазгина ҳужра, ўғлининг бошига муштлаб ураётган қўшни хола... – болалигим билан боғлиқ мана шу хотиралар бегоналар якин йўлатилмайдиган сирли ҳужра ичида эди гўё.

* * *

Анвар билан тушгача гаплашиб ўтирдик. Охири кетар чоғ чордоқдан тушарканман:

– Эсингдами, онанг анави ҳужра ёнига ҳеч кимни йўлатмасди, – дедим ҳужрани курсатиб.

– Эсимда! – деди Анвар қандайдир ҳорғин овозда, ҳужра томонга қараб қуяркан. Шу пайт ҳужра сиридан воқиф бўлишга жудаям қизиқаётганимни билгандай елкамга қоқиб, мени ўша томонга бошлади. – Қани, юр! Санга бир нарса курсатаман.

Унинг гапидан қизиқишим янада ортиб, изидан эргашдим.

Анвар катта қулфни шарақлатиб очди. Ҳужра оғир тебранди. Ичкарига қадам қуйишимиз билан унинг бурчагига қуйилган сим каравот устида утирган девсифат қоп-қора одам эшикдан отилиб кирган нурга дош беролмай билагини билан кузларини тусиб олди. Жойимда ҳайкалдек қотдим. Кузлари йирик ва ҳорғин, сочлари елка-

сига қунғироқ булиб тушган, соқоллари усган хайбатли одам менга қараб турарди. Устида – тун, нокадан қилинган йул-йул иштон, оёғида – калиш. У шундай қаттиқ тикилдики, қалқиб кетгандек бўлдим, сунг гуё мени илгари ҳам қаердадир кўргандек жилмайди. Урнидан туриб, яна жойига утирди. Анвар эса омбор турида нималарнидир ковлаштирарди.

Бироз утгач Анвар чанг босган қутичани кутариб келди. Дарров танидим – уша қутича. Аммо мен ортимда утирган одамдан ҳадиксираганимдан, бу қутичани нима учун кутариб чиққанига аҳамият бермадим: хаёлимда гуё уша одам ҳозир ортимдан келиб мени буғиб оладигандек. Анвар нималарнидир гапирарди-ю, бироқ бутун фикру хаёлим ортимдаги одамда эди.

– Анвар, Анвар, – дедим эҳтиёткорона унинг билагига секин туртиб ва ортимга ишора қилиб сурадим. – Ким бу?

– Танимадингми? – деди Анвар.

«Йўқ» деган маънода бош ирғганимни кургач, қўрққанимни сизди, шекилли, кулиб юборди.

– Амир-ку. Акам, – деди қўлларини елкамга ташлаб. У қўққисдан қандай кулиб юборган бўлса, яна шундай ғамгин тортди. – Акамга шу ердан жой қилиб берганмиз.

Ичимдан нимадир чирт узилгандек бўлди. Амир уялгандек ерга қараб турарди. Анвар акасининг каравотига қутини қуйиб, ерда сочилиб ётган нарсаларни йиғиштиришга тушди. Қутини очдим: бўжмайиб қолган кичкинагина қул, ёнида тумор шаклида букланган хат. Уни истар-истамас қулимга олиб очдим. Сиёҳ ранглари бироз хира тортган жумлалар қулимга аллақандай таниш ту-

юлганидан синчиклаб қарадим: Ферузанинг Анварга ёзганлари экан.

Амир бир хатга, бир қути ичидаги тарашадай қуриб миттигина бўлиб қолган қулга қараб турар, Анвар эса ҳамон нарсаларни йиғиштириш билан овора, ора-сира нималарнидир гапириб, «Эсингдами?», «Туғрими?» деб қуярди. Мен эса унинг гапларини англаб-англамай «Ҳа» деб қўя қолардим, аммо ўзим олис хотираларга ғарқ эдим. Хатни қутига солиб ташқари чиқдим. Ортга қарадим, гуё омборхона эшигидан бир қўл кукка санчилиб тургандек, йиллар ғуборини яшириб келган ҳужра қартайгандек; Хурсанд момонинг узи мана шу ҳужрага эврилгандек, у барча бахтсизликларини шу ҳужрада асраган-у, очса, улар оламга тарқалиб кетадигандек туюлди менга.

* * *

Ёз чилласи эди. Эрталаб ишга борганимдан телефон жиринглади. Гушакни кутардим. Таниш овоз; синфдошим Икром экан. Қисқа салом-алиқдан сунг Элмурод раиснинг тонг-саҳарда жони узилганини, пешинда чиқарилишини хабар берди. Гушакни қуйдим-у, ишдан жавоб олиб, туғри қишлоққа жўнадим.

Уйга яқинлашганимда, азага келганлар мархумни олиб чиқаётганлари устидан чиқдим. Таксидан тушиб, сафга қушилдим. Ҳайдовчи ҳам ортимдан эргашди.

Одамлар мархумни қабрга қуйгач, гур оғзига гишт қалаётган эдики, узоқдан қутича қўтарганча ҳаллослаб келаётган Амир куринди. Анварни туртиб, ўша томонга ишора қилдим. Иккимиз гап нимадалигини тушундик. Анвар дарҳол мулланинг

олдига бориб, унга нималардир деди. Мулла қабр ичида ғишт қалаётган кишиларни тухтатди.

Амир етиб келгач, Анвар унинг қулидаги қутичани олди-да, ғишт қалаётган кишиларга узатди. Кейин дафнга йиғилганлар сиқимлаб тупроқ олиб, дуо уқиб қабрга ташлай бошлашди. Назаримда, одамлар Элмурод раисни эмас, қутидаги қулни қумаётгандек. Шу пайт ортимдан ғайриоддий хунграган овоз эшитилди...

ДУР

*Бировлар мотамида оҳу фарёд аилагай эрдим,
Сен учун, эй азизим, ич-ичимдан йиглагайдирман.*

Абдулла Орипов

Тунни куриқлаб ёққан ёмғир тонга бориб тинди. Япроқларда қолган ёмғир томчилари Холиқнинг сочларига тукилди. У ёмғир томчиларини артиб ташлаган бўлди-да, оҳиста юриб, куча дарвозадан чиққан ҳам эдики, уйда ғала-ғовур бошланди, ҳамма югургилаб қолди, аёлларнинг дод солгани эшитилди. Бу қий-чувга айиқнинг укириши каби хунук ва даҳшатли овоз кушилди. Эркак йиғиси. Холиқ йиғи аралаш сузларни аниқ-тиниқ эшитмади. Йиғилар узилиб-узилиб жуда олислардан келаётгандек бўлди. Кейин эса аста-секин йиғи барҳам топди, сузлар ҳам энди яққолроқ эшитила бошланди: «Вой онам-ов! Онаммм!..» Холиқ шу пайтгача акасининг бу қадар даҳшатли овоз чиқариб йиғлаганини эшитмаган эди. У турган жойида тошдек қотди. Юрмоқчи бўлди, юролмади. Сунг зилдай оёқларини ердан узиб, аранг судраб босди.

Холиқ уйга кирганида опа-сингиллари, ака-укалари онаси атрофини ураб хунграб йиғлашарди. Онаси уй ўртасига қалин тушалган курпача устида худди бамисоли фариштадек ётарди: ажинли юзлари тиниқ тортган, оёқлари бир текис узатилган, куйлагим турилиб қолмадимикин де-

гандек, боши оёқ тарафига хиёл эгилган, ёнларига туширилган қўллари этакларини тортиб-тортиб қўяётгандек бармоқлари қўйлагини чимдиган, лаблари бироз қўлимсираган... осуда...

Холиқни қўрган опаси бадтар йиғлашга тушди:

– Холиқжон, онамдан ажраб қолдик!.. Холиқ-жо-о-он!..

Холиқ онасининг ёнига чуқкалаб, қўлларини ушлади. Ҳали иссиқ, юзларидан эса қон қочмаган.

Онасини қучоқлаб йиғлаётган синглиси узини четга олди-да, ҳиқиллаб йиғи аралаш ниманидир гапирган бўлди. Холиқ унинг охирги сузларини эшитди:

– ... Туйиб-туйиб қараб олинг, ака!

Холиқнинг қуздан бир томчи ёш аранг сизиб чиқди ва кипригидан узилмай бир муддат осилиб турди-да, сунг юзига томиб, жойида қуриб қолди. Холиқнинг жим турганини қуриб, акаси безовталанди, сунг унинг ёнига келиб:

– Йиғласанг-чи!.. – деди у ёқ-бу ёққа қараб.

Холиқнинг ҳали ҳам овоз бермай угирганини қуриб, уни енгидан силтаб тортди-да, бир тарсаки туширди:

– Йиғла, йиғла деяпман!..

Холиқ эса ҳайкалдай турар, гўё онаси улмаган-у, у уғлига нимадир демоқчидек. Хонанинг бир чеккасидаги ярим қайириб қўйилган гулли дастурхон устида бир коса аччиғош, бир бурда нон, чинни лаълида чала қизарган гилос турарди; бирортасига ҳам қўл теккизилмаган.

Ҳовлидаги бир туп гилос ҳар йили узини егудек мева соларди. Онаси бетоб булгач, қўнгли шу гилосни тусади; Холиқнинг бозордан олиб келганини четга суриб қўйди. Уғил ноилож эндигина

қизара бошлаган гилосни териб келиб, онасининг ёнига қуйди:

– Онажон, ҳовлимиздаги гилос.

Она синикқина жилмайиб, бош ирғаб қуйди...

Акаси яна Холиқни туртди:

– Товуш чиқариб йиғлагин, ука, одамлар эшитсин, булмаса, кулади.

Холиқнинг қадди янада эгилди; у ака-укалари олдида узини янаям кичрайгандай сизди. Маҳзун тортди. Онасининг кеча айтган гапи ёдига тушди: «Болам, мен улсам, онамлаб йиғла. Ҳамма эшитсин».

Холиқнинг ичида қандайдир шиддатли тулқин қояларга урилиб, ваҳимали, буғиқ овоз бергандек бўлди. Ичидаги йиғини чиқаришга уринди. Ютинди. Томоғига нимадир тикилгандек бўлди. Аммо на куз ёш, на овоз чиқара олди. Фақат лаблари қуруқшаб бораётганини сизди. Холиқ йиғлашга уринди, куз ёшлари ичига томгандек юраги ачишди, йиғладим деб ўйлади.

Ҳовлига тумонат одам йиғилди.

– Бандалик. Аллоҳ сабр берсин, – дерди одамлар Холиққа елка тутиб, кунгил сураркан.

Яқин қариндошлар узоқдан кузларига даструмол тутиб, онамлаб, момомлаб, холамлаб букириб келар, қадди хиёл эгилган Холиқ эса келганларга жимгина елка тутиб қуярди.

– Бугун жума – яхши кун, – деди сури устида чордона қуриб утирган чоллардан бири. – Бу кунда қазо қилган банданинг гуноҳлари кечириларкан. Худойи таоло Одам Атомизни шу куни яратиб, шу куни ҳузурига чақириб олган экан-да.

– Фарзанд йиғласа, куз ёшлари онасининг оёқлари остига дуру марварид булиб сочиларкан, – деди

бошқаси. – Етмишга кирдим. Утган йил онам қазо қилди. Уйга кириб, уй ичини айланиб онамлаб йиғлабман. Она бошқача-да. Унинг ёши-қариси булмаскан.

Холик одамлардан узокрокда, ҳовли этакларида айланиб юрарди. Чопон хиёл узун булгани учунми, юришига бироз халакит берарди. Холик беихтиёр белбоғини ечиб, бошидаги дупписини қулига олди. Шу пайтгача у дуппи кийганини эслолмайди. Акаси эрталаб: «Бошинга дуппи кийиб ол, курганлар гапиради!» – дегани учун кийганди. Аммо уни гоҳ қулига олиб уйнар, гоҳ кийиб ҳовли этакларига айланиб келарди.

Новча, қориндор, ёши элликларга бориб қолган бир одам (унга ҳамма Була деб мурожаат киларди) у ёқдан-бу ёққа тинмай утиб-қайтиб майит эгаларига йул-йуриқ курсатарди: «Дарвоза олдига бориб тур, кимдир йиғлаб келса, сен ҳам унга қушилиб йиғла, онамлаб йиғла, жонинг борми уни!...»

Була онанинг уғли, набираларини йиғиб, ҳаммасининг қулига биттадан узун таёқ берди-да, дарвозага яқин жойга қаторлаштириб, яна сабоқ бера бошлади:

– Одамлар келиши билан таёққа суяниб, сен «онамлаб», сен «момомлаб» йиғлайсан, хупми!

Шундан сунг улар дарвозадан одам қораси қуриниши билан ҳаммаси урнидан туриб, даструмолларини юзларига тутганча овоз бериб йиғлар, Холик эса бошини қуйи солганча, жимгина таёққа суяниб турарди.

Ун ёшлардаги укаси кузларида жикқа ёш билан акаларига жавдираб қарар, ажабланар, катталарнинг ҳаракатларини англаб-англамай такрорлар, ҳар гал уларнинг юзларига даструмол тутиб уқир-

ганларини куриб чучиб тушар ва бор овозда изилаб йиғлаб юборарди.

Келиб-кетувчилар саф олдида жойлашган уриндикка утиришгач, Була келиб уларни йиғидан тухтатарди:

– Булди, жим! – дерди у ҳар гал Холикка украйиб қараб қуяркан.

Таъзияга келувчилар Қуръон тиловатидан сунӣ юзларига фотиҳа тортиб ҳамдардлик билдириб кетишгач, Була уларга яна «йиғланглар» – дегандек ишора қиларди. Шу тариқа Буланинг курсатмаси билан ҳассакашлар гоҳ йиғлар, гоҳ сукут сақлаб туришарди.

Холиқ сафдан чиқиб, девор ёнидаги гилос дарахти тагига бориб чунқайди. Унинг кузига ана шу қадрдон гилос ҳам бугун алланечук ғариблашгандек, маҳзун тортгандек куринди. Дастурхонда қўл теккизилмай қолиб кетган гилослар эсига тушди, ич-ичидан хурсинди.

Қушни уйнинг дарвозасидан ҳам аёллар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб-кешиб туришарди. Гоҳ-гоҳ ичкарида аёллар дод солиб йиғлашарди-ю, кейин яна жимиб қолардилар.

– Куп йиғламанглар, кузларингнинг ёши тугаб қолади. Навбат билан чой-пой ичиб келсангларам бўлади. Пешингача ҳали узок, – Була бесўнакай гавдасини у ёқдан-бу ёққа ташлаб, лапантлаганча келиб ҳар бирига танбёҳ бериб кетади.

Аёллар йиғлайверганидан, Була айтгандек, кузларида бир томчи ҳам ёш қолмади, шекилли, ҳар замонда «Вой онам-мэээ!» деб қуйишарди. Уларнинг кузлари ёшсиз, қоронғи ва нурсиз эди. Ғам соя солган юзлари қорайиб чуркаган, елкалари тушиб, жуссалари ҳам муштдек бўлиб қолганди.

Пешинда тобут ердан узилди, аёллар охирги кучини туплаб уввос солди. Холиқнинг упкаси тўлди, ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Овоз кучайиб даҳшатли тус олди. Аммо у уз овозини танимади, ҳатто куз ёшлари ҳам узиники эмасдек. Бу овоз акасининг овозига ўхшайди, гўё ичида у йиғлаётгандек.

...Етти кун ўтди. Ҳовли ҳам хувиллаб қолди. Холиқ баъзида узи билмаган ҳолда онаси яшаган хонага кирар, у ерда онаси йўқлигини кўргач, бошқа хоналарга ҳам бирма бир гандираклаб бош суқиб чиқарди.

Эрталабки шамол ҳали суяги қотиб улгурмаган гилос новдаларини юлқиб, шохларини силкитди. Шамол кучайиб, охири дарахтни қулатди. Ерда сочилиб ётган гилослар эса қип-қизил бўлиб пишибди...

АРАЗ

– Бандалик. ...купга кушдик, ука!.. Тезроқ кел!

Юсуф бу совук хабарни эшитганида қуёш энди-гина уфққа бош қуйган, унинг ёрқин нурлари тун афсунида кирмиз ёғдуларга айланиб, тасмадек чўзилган оловли йуллар сунгига сингиб борарди.

Юсуф шошиб дарвоза томон йўналди. Миясига нимадир «гуп» этиб урилди-ю, тўхтади ва дарвоза олдида қоққан қозикдек анча вақт туриб қолди. Хаёлидан нималар ўтмади, нималарни эсламади дейсиз, бу ёғи Юсуфга аён. Бизнинг билганимиз: у шу алфозда чуқур ғуссага ботган, суник нигоҳлари эса бир нуқтага узоқ қадалган эди. У дарвоза олдида анча туриб қолди, сунг уйга қайтиб кирди-ю, узини диванга ташлади.

У болалигини эслади: ун ёшда эди, акаси уйланди, келинни қуриш иштиёқида чимилдик атрофида гирдикапалак булди. Духоба чимилдикнинг бир четидан ийманибгина қаради. Келин. Хинали, қўзмунчоқ тақилган қўллари билан секингина имлади. Тахмонга интилиб, четларига рангин тангачалар тақиб туқилган шойи даструмолчани олиб, унга узатди.

– Бу сенга. Эсдалик, ола қол! Исминг нима?

– Юсуф!..

– У, зўр-ку! Зулайхо-чи, кани у? – деди янгаси узун киприкларини пирпиратиб. – Акангизни яхши курасизми?..

Юсуф «ҳа» дегандек бош силкиди. Сунг дастру-молчани олиб онаси томон югурди...

Юсуфнинг кузи илинди.

Эрталаб туриб одатдагидек ишга отланди. Ора-дан бир неча кун ўтгач, опаси қўннироқ қилди:

– ...Эртага еттиси... Ҳеч бўлмаса... – опасининг пиққиллаб йиғлагани эшитилди.

– Эртага борарман, – деди Юсуф паст овозда.

– Нега эртага, нега борарман, – опаси жаҳл би-лан чурт кесди ва бир лаҳзалик жимлик изидан мулойим оҳангда яна насиҳат қилгандек бўлди: – Одамлар йиғилмасдан келсанг яхши буларди. Дуст бор, душман бор.

– Хуп, бораман дедим-ку, бўлди-да энди, – деди Юсуф зардали оҳангда, сунг қўллари титраб телефо-нини ўчирди.

Эски гиналар... Опаси эсига солган уша ун йил бурунги хотиралар Юсуфнинг ҳаёлида яна бош кўтарди-ю, юрагининг бир четини жизиллатиб ўтди. “Агар ушанда...”, – уйлади у.

Фотима унинг ҳаётидаги ягона муҳаббати эди. Акаси ва янгаси билан юзкурмас булиб кетиши-нинг боиси ҳам уша муҳаббати, чунки уша қиз-нинг мақтовини келтириб Юсуфга курсатган ҳам янгаси эди-да.

Ўзалар гулик қусакка кирган пайт. Юз-бошини қўзларигача оқ румол билан ураб олган чул кизлари катта йул четини тулдириб уйга қайгади.

– Қаранг, яхшилаб – дейди янгаси, – шу қорача қиз! Омадингиз бор экан, йулингиздан чиқди. Дашт қизларини юзини осонликча қўролмайсиз.

Акаси машинани бир-бирига ҳазил қилиб келаёт-ган бир туда қизлар ёнига келганда секинлатди. Юсуф машина ойнасини тушириб, гўёки унга сез-

дирмасликка уриниб тортиниброқ қаради. Қиз ҳам «Барибир сезиб қолдим» дегандек ёниқ нигоҳларини унга тикиб табассум қилди. Тамом. Юсуф мажнуни девона, ошиқи беқарор ошиққа айланди. “Уйланаман” деди у уз-узига шивирлаб, кейин бу шивир ҳаммага ёйилди, ҳамма билди.

Аммо нима бўлди-ю, орадан куп угмай вазият кутилмаганда кескин тус олди. Янганинг авзойи ҳам, сўнгги вақтларда Юсуфга қилган муомаласи ҳам узгарди. Ота уйига серқатнов бўлиб қолди.

Кейин маълум бўлишича, янгаси ўзининг укасидан совчи бўлиб келиб, «белги» қилиб кетибди. Юсуф ушанда илк бор узи учун азиз бўлган нарсадан бирини йуқотгандек хўрлиги келди, кимдир унинг атайлаб ғурурига теккандек ҳис этди ўзини. «Булди, бошқа қиз кўргани бормайман. Кимни лозим топсангиз, ушанга уйланаман», – деди у онасига аламзадалигини яширолмай, бугзига бир нима тиқилгандай.

Юсуф соатига қаради, ҳали вақт бор, улгуради. Кийиниб, шошганча кўчага чиқди. Ун қадам юрмай тўхтади. Изига қаради. Сўнг яна палтосининг ёқасини кўтариб, бир-икки одим ташлади. Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, қиш заҳри синмаган. У йулидан бурилиб дўконга кириб, иккита нон ва тамаки олиб, уйига қайтди.

Юсуф кундалик турмуш ташвишлари билан кунлар саноғини унутди. Кунларнинг бирида опаси яна телефон қилди. Бу сафар янгасининг маъракасига келмагани учун койиди ҳам, ҳатто йиғлаб ҳам олди. Ўртадаги аразу гиналарни энди унутиб, марҳуманинг йигирмасига келишини қаттиқ тайинлади.

– Эт билан тирноқ, ажратиб булармиди! – деди опаси унинг кўнглини юмшатишга уриниб. – Эл-

юрт нима дейди. Оқбута бува қазо қилганда укаси келмабди. Ҳамма қулди.

– Бораман опа, бораман, – деди Юсуф кунглидагини сездирмасликка уриниб. – Келинингизни ҳам тоби йўғроқ эди-да ўзи, шунга...

У опасига яна қандай баҳона курсатишни билмай, унинг барча гап-сузларини эшитди-да, хайрлашганида алланечук енгил тортиб телефонни чўнтагига солди.

Ана-мана дегунча қирқ кун ўтди. Бу гал опаси ҳам қўнғироқ қилмади. Неғалигини билмади-ю, лекин бугун... ҳозир опасининг телефон қилишини, янгасининг маъракасига келишга ундашини истади.

Тун ярмидан ошган. Ҳамма уйқуда. Сукунат. Сукунат гуё Юсуф билан учакишгандай унинг қалбига бадтар ғашлик солди. Бунинг устига, кузига сира уйқу келмади. У ўзини чалғитиш, қалбидаги ғашликни қувиш истагида жавондаги китоблардан бирини қўлига олди-да, ёстиққа ёнбошлади. Китобни варақлаб, у ер-бу ерини ўқиган бўлди-ю, яна хотиралар етовида қишлоқнинг катта тупроқ йўлларига чиқди. Бутун борлиқни, китобни-да унутди. Шу пайт дарпардалар оҳиста силкингандек бўлди. Хонада қадам саслари эшитилди. Бу сас онасининг беозоргина қадам сасларига ухшади. Бу овозлар секин-аста юрак товушларига алмашди. Бу овоз... У ҳозир онасини кургиси, куксига бошини қуйиб туйиб-туйиб йиғлагиси келди.

Юсуф чуқур хўрсинди, ўрнидан туриб, дераза ёнига борди, сигарет тутатди. Ҳозиргина эшитган беозоргина қадам товушлари, майин бир овоз яна дарпардаларни силкитиб ўтгандек бўлди. Эшик ғижирлади. Шамол дорга илинган кийимларнинг у ёқ-бу ёғини айлантириб, тугмалари

ва чоки сукилган жойларигача обдон текшириб курдию, дарвозани тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Юсуфнинг томирларида қон эмас қуёш нурлари оқаётгандек пешонасидан совуқ тер чиқди, вужуди қизиди. У бирпас олдин ечиб диван бошига ташлаган палтосига қул узатди, сунг уни яна жойига қуйиб, дераза ёнига келди. Тун беҳад сирли ва қуюқ эди. Ярқироқ катта юлдузлар борган сари ёниб унинг назарида кичрайиб бораётгандек туюлди. У шошиб палтосини қулга олди-да, алламаҳал булишига қарамай йулга чиқди.

Ғафлат уйкуси узининг қора хижобини олам узра ёйиб, базми жамшидга чоғланган, рух иплари ингичка тортиб, тан қафасидан хийла узоқлашган бу тунда Юсуф палтосига уранганча тупроқ йулдан тез-тез одимлаб борарди.

У тонгга яқин қишлоғига кириб келди. Акасининг уйи қишлоққа кираверишдаги йул четида жойлашган. У атайлаб узоқроқ йулни танлади, унга туташ бошқа куприкдан айланиб утди. Чунки бироз юриб, гуё шу билан юрагидаги ҳадикни енгмоқчидек, угган барча гиналарни бирдан эсдан чиқариб юбормоқчидек эди. Хотирасида эса янгасининг сиймоси: узун-узун бармоқлари билан бошини силаганча, четларига рангин тангачалар қуйиб туқилган шойи румолча тутиб турибди.

У акасининг уйи яқинидаги болалигида уйнаб катта бўлган, кейинчалик кесилиб кетган кекса гужум дарахтининг кундасига оҳиста утирди. Болалик ва уни эслатувчи ҳар бир нарса ва азиз инсонлар ҳам ундан узоқлашгандек туюлди. Аввал бу жой кичкина қишлоқ эди. Энди жуда кенгайиб, янги ҳашамдор уйлар қад ростлаб, Бухоро этаклари – Қорақумгача етибди. Қишлоқ гуё бе-

гоналашгандек. Юсуф онаси қазо қилгандан сунг қишлоққа жуда кам келадиган бўлганди, фақат Ҳайит байрамларидагина бу ерга келиб, онаси қабрини зиёрат қилиб кетарди. Бундан турт йил олдин у онасининг тобутини мана шу тошли қучалардан худди дарё тулқинларидек одамлар оқи-мида сунги манзилга қузагани, одамлар тобутни қулма-қул қилиб кутариб шу қадар тез юришгани-ю, дармонсиз оёқларини судраганча уларнинг ортидан югуриб етолмагани, сунгра утириб олиб дод солиб йиғлаганини эслади. Вужуди титраб, кузларига билинар-билинемас ёш келди. Ичига йиғи тулиб юрагини сиқаётгандек бўлди. У «ҳиқ-ҳиқ» овоз чиқариб хунук ва аламли йиғлади.

Кун ҳам тушга яқинлашди. Ҳаёт ҳам тушга жуда яқин келди. Таъзияхона ҳовлисида одамлар сийраклаша бошлади. У ҳовлига кириш йулакчасида қадди дол, мунғайиб турган акасини кўрди. Аввал майда, кейин йирик-йирик қор ёға бошлади. Аммо Юсуф юзларига қунаётган бу оппоқ лайлак қорларни сезмади.

Ҳикоялар

Дух одами



У қудуқ ёнига етгач, ҳалигача қулоғи остидан кетмаган
чақалоқ йигиси кунглини эздими, укириб юборди; тизза-
лаган куйи юзларини бекитиб уввос солди; бу заиф овоз
шовуллаб турган теракларга етмасдан олов кечиб юрган
каҳрамон тепаликларга сингиб кетди.

ТИКОНЛИ ЙЎЛ

Оллоназар ярим тунда биров туртгандек уйғониб кетди.

Шу пайт эшик ғижирлаб очилди-ю, бир даста шамолли нур хонага отилиб кирди.

Бусағада буюқ ургандек пўстинга ўраниб олган новча одам қуринди. Оллоназар унинг юз-қузларини аниқ-тиниқ илғади: қуллари узун, бақувват, елкалари кенг, қирра бурун.

Оллоназар уни гуябоқар жураси Назир полвонга ухшатди. Аммо полвон дом-дараксиз йўқолганига ун йилдан ошганди. Айтишларича, дарахтлар гулга кирганда, майсалар ёмғирдан бўкканда, айни пешин паллада, дашт қорақуюни кутарилганда, туя ҳайдаб юрган полвон ураманинг ичида қолиб кетибди-ю, шундан кейин одамлар узини ҳам, туяларини ҳам курмабди. Оллоназар оғиз очишга ҳам улгурмади. У қандай пайдо бўлган бўлса, шундай эшикни ёпиб, тезда ғойиб бўлди. Шамолли нур йўқолди, яна зулмат чумди. Ташқарига чиқмоқчи бўлганди, елкасидан оғир тош босиб тургандек урнидан қўзғалолмади.

Уни ваҳм босди.

Уйқу қотиб қолган қузларини пардаси хиёл очилган деразага тикди. Ғариб дераза туннинг қуюқ ҳижобига ўраниб сокин мудрайди. Деразага тегиб турган олча дарахтининг барглари шитирлаб овоз берди. У ёнида қунишиб ширингина ухлаётган наби-расининг устига курпасини ёпиб урнидан қўзғалди.

Чирокни ёқди. Сарғиш шуълалар деворни, осиглик турган суратни ёритди. Унинг кузи суратга тушди-ю, оёқ-қўлларидан мадор қочгандек беҳолгина деворга суянди. Суратда буваси, унинг бошида сурқузи телпак, эғнида ятак, қулида ҳасса. Кукала соқол кукракларини ёпган. Бир ёнида у, бир ёнида укаси. Унинг устидаги тунча оёқларининг учигача тушиб турибди. Бошининг бир томонига узун қилиб кокил қуйилган. Бобосининг унгиридан ушлаб секин одим ташламоқда. Чамаси уч ёшлар бор.

Унинг хаёлини аёлининг босинқираб аввал гўлдираши, сунг аниқ-тиник гапириши бўлди:

– Тилаб олганман, Холида! Аҳмад эшонга айтдим, кокилига қайчи уриб беради. Баҳовуддин Балогардонга бораман...

У аввал хогинини уйғоқ деб уйлади.

– Хотин! Ҳов хотин! – секингина овоз берди.

Хотини ёстикдан бошини кутариб унга кузларини катта-катта қилиб қаради-да, кейин яна жойига ётиб хуррак ота бошлади.

Оллоназар ботинида пайдо бўлган қурқувни энгиш учун оёқ учида юрганча ташқарига чиқди, супа устида турган офтобани олиб бостирма ортига утди. Сунг уйга кириб, нафл намозини уқишга тутинди. Бадани нимадир ўрмалагандек жунжикиб кетди, гуё боши шифтга тегиб тургандек... Қулидаги тасбеҳ доналари қушлар сингари қанот қоққандек бўлди. Йиғлагиси келди. Упкаси тулиб, буғзидан ихраган товуш чиқди. Оппоқ соқолларидан томаётган куз ёшлари жойнамозга солинган Каъба гумбазининг сурати – осмоннинг қотиб қолган улкан бир томчи ёшига қушилиб кетди. У саждада Худони ҳар хил тасаввур қилиб курди. Унинг хаёли дераза остидаги оппоқ гўллаган олма

дарахти хушбуйларини олтин косаларга сузиб, фаришталарга тутаётган ҳурлиқо қаршисида тухтади.

Назир полвоннинг гапини эслади:

– Эй жура, Худо сенга ҳам, менга ҳам ухшамайди.

У бироз олдин кургани тушимиди, ё Назир полвон бўлиб кўринган бирор руёмиди, фахмлай олмади. Бутун борлигини қора булут коплагандек, сокин руҳига кум ва тузонларга ёпинган дашт бостириб киргандек бўлди. Хаёлига тузон ичида елкасига ирғай таёғини ташлаб туя хаидаб кетаётган полвон келди. Дашт қорақуюнлари полвоннинг тилидан гушмайдиган қушиғига жур булаётгандек эди:

*Бузчидан иул сурадим, ё ҳу,
Тиконли иул курсатди, ё ҳу.
Юлғундан таёқ тут деб, ё ҳу,
Сурувларим тугатди, ё ҳу...*

Назир полвон хотинининг хиёнатидан сунг эсдан оғиб, куча-қуйларда қушиқ айтиб юраркан, деган гап қишлоққа ёйилди. Полвон туним – кафаним деди-да, елкасига эски тунини ташлаб, уйини тарк этди. Даштдан бери келмади, қапа тикиб, Бегматбойнинг туяларини боқди. Тонг саҳарда қишлоқ бўйлаб ёйилган чанқовуз садоси Полвоннинг илон инидан чиққандек қишлоққа яқинлашганидан дарак берарди. У қишлоқ ораламай, унга яқин бир тепалик устига чиқиб, бирзум кузларида ёш билан уйига қараб турарди-да, яна изига қайтиб кетарди. Бир кун Оллоназар юмуш билан бир том нари қушниси Мулланинг уйига утиб, гужумга боғланган Назир полвонни кўрди-ю, турган жойида таққа қотди. Мулла Оллоназарнинг ҳай-

ратига парво ҳам қилмай, бамайлихотир бориб полвоннинг қулларини ечиб, ҳовли этагидаги бир уюм ғиштни икки-уч қадам нарироққа ғашини буюрди-да:

– Келинг, қушни, – деди Оллоназарга угирилиб.

Назир полвон устидаги ямоқ тунининг икки унгирида ғиштарни бошқа жойга ташиб, жикқа терга тушди, кейин Мулланинг имоси билан унинг ёнига – супага келиб утирди.

– Буни деви бор, – деди Мулла қулидаги тасбех доналарини уйнарган, энди нима буларкин, деб қараб турган Оллоназарга тушунтирган бўлиб. – Худо хоҳласа, тер билан чиқади.

Мулла кўрпа қатидан попукли камчисини олиб, Назир полвонни савалаб-савалаб ўқиди. Бор нафасини ичига тортиб чуқур дам ургач, яна уша ғиштарни жойига қайтариб тахлашни буюрди. Полвон укириб-букириб чарчоқ нималигини билмай ғишт ташир, баъзан ўтириб олиб йиғлар, кулар, чаккаларидан қуйилаётган тердан шалаббо булар, яна Мулланинг олдига келиб, супага чукар эди...

Оллоназар жойнамоз устида қанча туриб қолганини билмади. Аёлининг яна уйқу аралаш овози эшитилди:

– Ҳой Холида, устидаги тунчасини қара, раҳматли онам қавиб берган-а...

У мудрангандек булди. Кузига ёрқин шуълаларга уранган узун даҳлиз куринди. Икки четида дарахлардек қад кўтарган нурларнинг олтин япроқли шохлари бир-бирига туташиб ҳосил қилган арк остида Назир полвон чўк тушганча кичкина болани билакларидан ушлаб турибди.

– Кел, тезроқ кел! Югурсанг-чи! – деди у худди бола кетиб қолмоқчи бўляпти-ю, болани нима би-

ландир чалғитиб тургандек. – Қара, жойингни узгартирди. Супага жой солди. Буш челақларингни сувга тулдирди. Ҳовлингдаги дарахтларингни гуллатди. Туяларингни даштга ҳаидади...

Полвон гапирмаётган булса-да, у бу сузларни аниқ-тиниқ эшитди, ҳис қилди. Полвон одам шаклидаги овоз эди гуё.

У жойнамаздан туриб нур устунларидан ушлаганча бола сари юрди. Боланинг бошида бир ўрим кокили бор; эғнидаги узун малла тун оёқлари учларигача тушиб турибди. Юзлари шу қадар нурафшонки, айнаи пайтда у буни суз билан ифодалаб беролмасди. У болага яқинроқ бориб, қулларини чузган эди ҳамки, бутун вужуди ниманидир ҳис қилгандек бирдан титраб кетди. Кейин тани яйраб, қалби англаб бўлмас бир ширин орзиқиш туйди. У қулларини чузар, бола эса улкан қуллардан сирғалиб чиқиб нурли йулак бўйлаб кетиб борарди.

Юзларига урилган ёмғир аралаш совуқ шамол Оллоназарни узига келтирди. У узини жойнамаз устида эмас, ҳовлидаги бир туп хурмо дарахти ёнида курди. Хурмога эса кимдир боғланган, укириб қулларини ечишга уринарди; Назир полвонга ухшар эди. Бирпас тикилиб қолган Оллоназар кекса хурмо атрофида бобосининг теварагида давра қуриб, эртак эшилтаётган болалардай уруғдан кўкарган навнихоллардан булак бу ерда бошқа нарса йуқлигини курди-да, дағ-дағ титраб уйга кира солиб, узини курпага урди. Бутун вужуди совуқдан қалтирар, юраги эса от туёқлари остида қолгандек гупурларди.

Шу пайт аёлининг яна босинқираган овози эшитилди:

– Юринг, отаси, юринг... Баҳовуддин Балогардонга борамиз...

БОДОМЗОР

Ерқурғон тепаликларидан чанглари қоқиб олинган кўхна шаҳар харобаларининг таъмир нусхасидек қад кўтарган пастқам лойсувоқ уйлар, туташ дўнгликларга сурув ёйган чупон, эшакаравага янтоқ ортиб қайтаётган чол, исирик уриб дасталаётган қиз, отга омоч қўшиб ер ҳайдаётган деҳқон... тарих гуё шу муъжазгина дашт бағрида қайта юз очган.

Хусайн ёмғирда ювилавериб тишланган нондек бўлиб қолган тизза бўйи девор билан уралган уйнинг қийшиқ ёғоч дарвозаси табақасини аранг кутариб очди.

– Узро!.. Ҳой, қай гурдасан?

Тошқудуқдан сув тортаётган Узро сатилни қудуқ ичида қолдирди-ю, бошидаги румолини йўл-йўлакай туғрилаганча югургилаб келиб, эрининг қулидаги дуппидай тугунини олди ва супа устида юрган товўқларга қараб югурди.

– Кишт, ҳаҳ қирилгур, – у эгилиб ерни сирмалаганча кесак излади. Қулига илашган хасни олиб отганди, ҳавода пардай бир айланиб, гардирумолига келиб қўнди, товўқлар «парр» этиб супадан узини ерга ташлади.

– Кишт, ки-и-шт... Катакдан чиқарма дейман. Далага бериб юборай десанг, ҳузурини шоқол куради... – Узро тугунни айвонга қўйиб, сатилни олгани тошқудуқ сари кетди. Хусайн чуқур «уф» тортиб, уй зинасига чуқди.

– Яна уша Бурибойми?.. – чап томонга оғанча сатил кутариб келаётган Узро эрининг авзоини куриб қош чимирди.

– Нимаймиш, ерни Журага қушармиш! – Хусайн гуё ёнида бошқа одам бордек унга қараб гапирган куйи хотинига дардини очди. – Қаровсиз, юлгун босиб ётган ер эди.

– Балоба йулиққирга ор бумапти-да, отаси... – Узро қандайдир воқеани эслагандек узун ва кенг енгини тирсаккача шимариб, кўча тарафга ким биландир уришаётгандек қўл сермади. – Утган йил ҳам қилиқ чиқарувди. «Болам, ҳукиз улган билан, кузининг олайгани кетмайди», дерди онам раҳматлик.

Узро ҳамон кўлида турган сатилдан офтобага сув солиб, Хусайннинг олдига келтириб қуйди-да, дарахтнинг буталган шохига осиглиқ сутсатилни олиб, сигир соғгани оғилхонага утди.

Хусайн муздай сувга ювиниб, белқарсининг бир четига юз-қўлларини артиб ҳам булган эдики, бир булак кесак туп этиб ёнига тушди. У шундоқ ёнгинасида талтайиб, супа устига сербарг шохларини ташлаб соябон ҳосил қилган чинни гужумга қаради: у ёқ-бу ёққа аланглади; ҳеч ким йўқ. Болалар қушларга кесак отган бўлса, бирор айри шохга қисилиб қолган-у, кейин тушган, деб хаёл қилди-да, секин ўрнидан туриб, пешайвонга чиқди.

Дастурхон буйига ўтириши билан чироқ ҳам ўчди. Туриб, дераза раҳидаги қорачироқни ёқди. Девор юзидаги чироққа узини парвонадек ураётган қора чигиртка, қўнғиз, бузоқбош энди қорачироқ шуъласига урмалаб кела бошлади; бусағадаги этигини олиб, пошнаси билан бир-иккита бузоқбошни эзиб ташлади, лекин кети кўринмайдиган бу ҳашаротларни тугатолмаслигини билгач, бармоғи билан

черта бошлади. Бу ҳам натижа бермади, дастурхонни ураб қуйди-да, ёстikka ёнбошлади. Шу пайт унинг орқа деразасини кимдир қаттиқ чертди, эшик тақиллади, уй ичида нимадир ерга тушиб синди чоғи, жаранглаган овоз чиқди. Ҳусайн бирор ёввойи мушук қамалиб қолмадимикан деган хаёлда қорачироқни кутариб, уйга кирди. Ҳеч ким йуқ, фақат тошойнанинг уртаси уйилиб, атрофига дарз кетган. Чироқ ёруғида унга қаради-ю, бир сесканди: уз акси эмас, кўрқинчли махлуқ қараб тургандек; уни бироз Бурибойга ҳам ухшатди: тишлари бесунакай, усиқ қошлари қабоғига тушган, қушлари қонталаш... Ҳусайн узини тезда ойнадан четга олди-да, кимдир ушлаб оладигандек уйдан отилиб чиқди:

– Узро, Узро, деяпман!

Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, елкасига тунини ташлаб, уй атрофини айланиб чиқди; жим-жит. Пастқам деворлар оша кукка қаради. Тун аллақачон узининг қора сиёҳини борлиққа тукиб улгурган. Юлдузлар шу қадар купки, осмон гўё юлдузларни кўтаролмай ерга эгилиб қолган гилос шохларидек тепаликларга тегиб турибди.

У юлдузлар жилвасига чалғиб, ваҳималарини унутгандек бўлди. Сунг хотинини кидириб молхона тарафга юрди. Шу пайт орқасидан биров эргашгандек ғалати оёқ товушлари эшитилди. Ортига угирилиб, одам тугул ит корасини ҳам кўрмади; яна юрагини кўрқув босди. Хайриятки, зулмат қўйнидан хотинининг зардали овози эшитилди:

– Ҳўш, жим!... Ҳаҳ қирилгир. Тус дейман!

Ҳусайн овоз келган томонга бурилди. Кекса тут дарахтининг япроқларини шатирлатиб тушган муштдек кесак молхона эшигига тиралган хомага тегиб, сочилиб кетди. Қаллакланган йўғон шохлар тун қўйнида одам-

дек кўринди. Хусаин синчков тикилди: оддий шохлар. Қўрқувни сездирмаслик учун аста томоқ кириб қўйди.

– Қоронғида балло-қазо қозик атрофида айланади, аёл, – хогинига танбех берди Хусайн. – Молни эртачироқ соғсанг буларди!

– Иши бумасин!.. – Узро мол-ҳол қаровига озгина булса-да ёрдами тегмаган эридан аразлаган булди; сигирнинг сағринига шапатилаб урди. Тарғил сигир бемахалда тинчи бузилганидан чузиб мулади.

Узро сутсатил устини оқ дока билан ёпиб, сават тагига қўйди-да, худди тундан кундузга утиб кетгандек пашшахонага кириб кетди.

Хусайннинг уйқуси қочди, пешайвон шифтига термулганча хаёлга толди. Ухладими-йўқми, билмади, тушими-ўнгими, англамади, чайир қоп-қора қўл белига чирмашиб, узига тортаётгандек булди. Кейин бели ва киндиги атрофини силай бошлади. Хусайн чирмовикдек ёпишган дағал қўлни ушлаб тортди-ю, курган манзарасидан дахшатга тушди: қоп-қора аёл шундоқ ёнгинасида чузилиб ётарди. Хусайннинг бутун вужудидан қора тер қуйилди. Аёл кўзларини олиб қочганча, йигитни яна узига торта бошлади. Хусайннинг қулоғига туйқус азон овози эшитилди, ғайришуурий тарзда муаззинга қушилиб қандайдир оятларни шивирлади. Шундан сўнг аёлнинг қўллари унинг белидан ажралди. Аёл митти ҳашаротга айланиб, тупроқ остида кетиб бораётган култавишак¹ каби кўрпа остида юриб, оёқ учи томондан ҳавода бармоқ қалинлигича узун оқ из қолдириб учиб кетди.

Хусайн кузини очди-ю, ёнида ётган хотини ва унинг бир қўлини белида курди. Ўгирилиб хотинини қучмоқчи булди, аммо ҳозиргина унга чирмаш-

¹ К у л т а в и ш а к – тупроқ остида яшовчи ҳашарот.

ган совук қул, қора аёл ярқ этиб куз олдига келиб, эти жунжикди. Ёстикдан бош кутариб бироз ўтирди-да, шу куйи кузи илинди.

Тонг ёришди. Қуёш дарахтларга урина-сурина, кимнидир излагандек айвон тепасига келди, йуқотган кишисини топгандек жилмайиб, тилларанг узун бармоқлари билан Ҳусайннинг киприкларига, юзларига тегинди. Ҳусайн ачишган кузларини укалаб ўрнидан турди ва ҳовлида куймаланиб юрган хотинини курди.

– Бу ер ютгурларни қилган ишини қаранг!.. – Узро болаларни қаргаганча ерда сочилиб ётган катта-кичик кесакларни супуриб бир ерга тулларди.

Ҳусайн ҳовлидаги кесакларни куриб, тунда руй берган ваҳимани эслади-ю, юраги безовта урди. Чой ҳам ичмай далага жўнади. Бедапояга таралган сувни куздан кечириб, бодом тагида бироз чузилди.

Булмади. Туриб, ариқ четига арқонланган молларни утлироқ ерга силжитиб, қозиғини этигининг товони билан тепиб-тепиб қоқди.

У кун буйи чалкаш хаёллар қуршовида гангиб юрди, ҳатто қуёш алвон этагини липасига қистириб тепаликлар ортига ўтганини ҳам сезмади.

Ҳусайн бодомзор оралаб уйга қайтаркан шу бог ҳам унга омонатдек туюлди. Тахта кўприқдан утиб қишлоқ йулига бурилганди, кимдир елкасига қул қуйгандек бўлди. Угирилиб қарашга юраги бетламади, тез-тез юриб уйига яқинлашди. Бу ҳам етмагандек, ичкарига қадам қуйиши билан, дарвозахонанинг чап томонидаги хужра деразаси жаранглаб синди. Ҳусайннинг капалаги учди.

– Ҳай, нима бўлди, отаси?! – Узронинг овози уни узига келтирди.

– Ойна михлари занглаганми дейман-да... – деди Ҳусайн жўяли бир гап айтолмаганидан хижолат тор-

тиб. Эр-хотин бир-бирига хавотирли қаради. Хужрага киришди, Хусайн стол таглари, тахланган ғалла қопларини куздан кечирди. Одам ёки ҳайвон кирганини билдирувчи бирор белги йуқ. Бу хона эшиги доим ташқаридан сим билан чандиб қуйиларди.

– Хотин, ҳеч нарса сезмадингми? – Хусайн хаёлига келган нарсадан чучиб кетди. – Уғри бўлса-я...

– Йўғ-э... Отаси... Сизга гап айтишданам курқади одам... «ўйнашингдир» деб бирдан жазавага тушасиз...

– Гапирсанг-чи, – силтаб ташлади Хусайн.

– Кеча денг, – у қулларини чузиб, курсаткич бармоғи билан тут дарахтига ишора қилди, – мол соғаётувдим, дарахт тагида Холмат бангини итига ухшаган кучук кўрдим. Қулоқ, думи кесилмаган, катталиги бузоқдай келади. Шохлар қасирлагандай бўлди. Қарасам, пешонасига қара латта боғлаган бир йигит манга қараб турибди. Тарашадай қотиб қолибман. Сизни чақирувдим, дарров куздан ғойиб бўлди. Тавба! Уйга кираётганимда яна уша йигитни девор устидан юриб кетаётганини кўрдим.

– Кузингга курингандир-да, – деди Хусайн бир ишониб, бир ишонмай.

– Чи-ин. Улай агар...

Икки кундан бери булиб утган ғалати воқеалар ва хотинининг ваҳимали гапларидан сунг юрагига ғулғула тушган Хусайн уша тун тандирхонага жой қилиб, отасидан колган қўшоғиз билан пойлоқчилик қилди. У ердан ҳовли кафтдек куриниб турарди.

Кузда кеч тушиши билан дала-дашт илиққа келган шоқоллар овозидан жунбушга келарди. Бугун ҳам дашт буйлаб шоқоллар ваҳимали ит ҳуриш қилди, улар бир-бирига бас қилиб, шунақа шовқин кутаришдики, гўё кишлоққа мур-малахдай бостириб келаётганга ўхшарди. Уқтин-уқтин итлар ҳам ҳуриб

қуяди. Овозлар тингач, куп ўтмай ҳовлида шипиллаган қадам товушлари эшитилди. Ҳовлига изма-из кесаклар отилди. Деразани кимдир бармоқлари билан чертди, эшик ғичирлаб очилди. Уй ортидан кимдир дукурлаганча чопиб ўтди. Хусайн хавотир ичида пашшахонага қаради, чинни гужум шамол бўлмаса-да, қаттиқ силкинди, пашшахона четлари хилпираб кутарилди. Хотини қичқирди, болалари дод солди. Хусайн ўқдек учиб бориб, пашшахонани юлқиб отди. Ҳеч ким йўқ. Хусайн болалари ва хотинини тинчлантириб, ичкарига киритиб юборди. Сунг бирор қорани илғаманган бўлса-да, девор буйлаб икки марта ўқ узди. Ўқнинг момақалдиروқдек овозидан дашт шоқоллар йиғисига тулди. Хусайн хотини ва болалари утирган хонага кириб, эшик, деразаларни маҳкам тамбалади. Қурқувдан нафаси ичига гушиб кетган болалар ҳиққиллаб йиғлар, Хусайн дераза олдига бўрса, изидан пилдираб эргашар, эшик ёнига келса, улар ҳам эшик ёнига келишарди.

Хусайн бетоқат бўлиб айвонга чиқди. Зинадан пастга тушмай эшик олдида қушоғиз билан пойлоқчилик қилди. Ҳовлига ўқтин-ўқтин отилаётган кесаклардан бошқа ҳеч нарсани кўрмади; тунги чигирткалар чириллашидан бошқа ҳеч қандай овозни эшитмади.

Тонг ота бошлади. Оқ ёғду япроқларни шитирлатди, девордан уваланиб тушган пахса ушоқлари овоз берди. Девор ортидан далага кетаётган одамларнинг гўнғир-гўнғири эшитилди. Хусайн ичкарига кирди. Болалари – бири деворга суянган, бири утирган жойида ёстиқни кучоклаганча донг қотиб ухларди. Хусайннинг ўпкаси тулди.

«Агар мол-ҳолга келган бўлса... Йўқ, унда келганини атайлаб билдирмасди. Зиён етказиш бўлса, буни ҳам аллақачон удаларди...» Кети йўқ жум-

боқларга ечим тополмай чорасиз қолган Ҳусайн қарийб ун кеча уйқу бетини курмади.

Ҳар куни кесаклар ёғилади, кутилмаганда деразалар синади, том устида қандайдир милтираган кук шуълалар пайдо бўлади... Охири ака-укаларини ҳовлининг ҳар бир жойига ура борми, жуяк борми, ғузапоя ғарами ичими, ҳатто том устига ҳам пойлоқчи қилиб қуйди. Улар ҳам кесакларни курди-ю, одам қорасини курмади. Ҳатто улар яширинган жойдан ҳовлига кесак отилди.

Гоҳ-гоҳида Узрога ит етаклаган, пешонасига қора тасма боғлаган йигит куруниб кетарди. Шундай паллаларда Узро эрининг отини тутиб қичқирар, эри келиши билан йигит куздан ғойиб бўларди.

– Кузингизни боғлабди, – Узро йиғлаб юборди, – мен кураман десам ишонмадингиз...

Ҳусайн эртасига хотинининг қистови билан қушни кишлоққа бориб, Фарида жугини бошлаб келди. Фарида оқ бўздан тикилган халтачасини қўйнига қистирганча ўзига ўзи пичирлаб ҳовлини бир сира айланиб чиқди. Сўнг кекса тутнинг тагида тўхтаб, ерга чўкди, ичида бир нималарни ўқиб, халтачадан пичоқ олиб ерга санчиб суғурди. Пичоқни бурни тагига олиб келиб ҳидлади. Яна бир-икки жойга пичоқ санчиб ҳидлаб кургач, бошини сарак-сарак қилиб Ҳусайнга қатъий оҳангда деди:

– Ҳай, уяси шу ер! Бачам, тез манга бир тоғора сув, озгина оқ бўзми, румолми келтиринг.

Узро айтилганларни муҳайё қилди. Фарида жути енгларини шимариб узоқроққа бориб турди. Ҳусайн жути курсатган ерни белкурак билан ковлаб, тупроғини румол устига ташлай бошлади.

– Бўлди, бачам, – деди Фарида жути, сўнг Узрога қараб: – Сиз румолдаги тупроқни қулингиз билан

яхшилаб уқалаб бир четга олаверинг, хай. Бирор нарса қўлингизга илашса, дарров айтинг, бўлмаса амал қочади.

Узро айтилганидек қилди. Фарида жути бир нималарни уқишга тушди. Бир вақт Узро «Мана, топдим!» деб бақириб юборди. Унинг қулида бир бўғим келади-ган, қора ип билан чандиб ташланган тугунча. Фарида жути Узронинг қулидаги тугунчани олиб, тоғорадаги сувга чайди. Сўнг ипларни ечиб тугунчани очди.

– Айтдим-ку, сизларга, бачам, амал бор деб. Мана буниси тирноқ – озиб кетсин деган; буниси соч – тукилиб кетсин деган; буниси тиг – духтирга иши тушсин деган... – тугунчанинг ичида нима бўлса бир-бир курсатиб, изоҳлай бошлади. Сўнг Узрога юзланди: – Энди буларни ариқ сувига оқизинг!.. Уйингиз тоза бўлади, бачам. Ким амал қилган бўлса, узига қайтарма қиламан, хайми?

Хусайн ва Узро жугининг «каромат»ларига таҳсин айтиб, анча енгил тортишди. Фарида жути бу хизматлари эвазига боқувдаги семиз қўйлардан бирини танлаб олди. Камига Узро сарпо-суруқ ҳам бериб кузатди.

Аммо купга чузилмаган хотиржамликдан сўнг, Фарида жугининг «каромат»лари ҳам фойда бермади, чоғи, кесак отишлар бадтар кучайди. Эҳтимол, Фарида жути айтганидек, тугашидан олдин бир «қузғолопти»ми?

* * *

Бир кун Бурибой келди. У ердаги кесаклардан бирини олиб, у ёқ-бу ёғини обдан айлантириб томоша қилди.

– Оддий кесак, – деди у гуё бу кесакларни метеорит хаёл қилган-у, аммо у кутган воқеа содир бўлмаган-

дек ҳафсаласи пир булиб. – Болаларни шухлиги... – деди яна истехзоли кулиб, сунг худди тепасида биров милтиқ уқталиб тургандек, тез-тез юриб дарвоза сари йуналди. Ҳусайн ҳайрон булди. Бурибойнинг бу ҳаракатлари унга сал эриш туюлди, туғрироғи, шубҳа уйғотди. У оқсоқол булса, балки ораларида булиб ўтган арзимас можаро сабаб, у бу воқеаларга пинагини ҳам бузмагандир. Нима булганда ҳам, Ҳусайн бироз оғринди. Хаёлига келган шайтоний фикрлардан, тавба қилиб бирдан воз кечди.

* * *

Бурибой илгари қушни қишлоқда қассоблик қилган, топиш-тутиши ҳам яхши эди. Қизи кейинги пайтлар ғалати одат чиқарди. Ранглари синиққан, одамови, болаларга қўшилмай бир четда ёлғиз узи ўинарди.

– Шу қизингни иши духтирлик, – дерди уни курган киши хавотирланиб. – Рангида қон йўқ. Симёни чиқиб кетган.

Бир тонг онаси уни ётоғида кўрмади. Аввалига она қаттиқ кўрқди. Қизчасини тунлари уйқусираб чиқиб кетиб, катак ёнида ухлаб ётганида бир неча бор олиб келганини эслади-ю, ўша ёққа юрди. Қизча у ерда ҳам йўқ. Кечга бориб уни Бўрибойнинг қушхонаси ёнидан топишди. Қизалоқнинг бўйнига кузмунчоқ ва унга қушиб бўрининг козиқ тиши, оловранг чарм тумор тақилган. Оппоқ қуйлаги, сочи ва юзларида қон доғлари қорайиб кўринарди. Онаси қизчани куриб кўрқиб кетди. У қизчани кутариб йиғлаганча уйга югураркан, ҳар замонда ерга қуйиб, у ёқ-бу ёқларига қарар, тинмай суроққа тутарди:

– Нима булди, жон қизим?! Гапир!

– Ҳеч нарса, – дерди қизча хотиржам бармоқларидаги қотиб қолган қон доғларини уқаларкан. – Узим...

Орадан икки кун утгач, қизчани бу гал товук қа-
тагидан топишди. У хуросларнинг тожини юлиб, қо-
нини юз-кузларига суртиб ўтирарди.

Қизча қонни боши ва юзларига сурганда қувноқ
булиб қоларди. Гуё бошини ураб турган чамбарак
сим чирс-чирс узилгандек. Кузлари чакнаб, шуҳ-шо-
дон болалар тупига узини урарди. Бошқа пайтлар
эса яна маъюсланиб, овлоқ бурчакларни ахтарар,
бошига кийдирилган саватни олишга уринаётган
одамдек сочларини чангаллаб тортарди. Ота-она
ваҳимага тушиб, уни муллага ўқитишди, фолбин-
ларга қаратишди. Улар қизча «қул» олади дейиш-
ди. Рухшунослар қизчадаги бу ҳолатни отасининг
қасбига йўйишди. Ниҳоят, эр-хотин гапни бир жой-
га қўйиб, қишлоқдан кўчиб кетишди. Бурибой қас-
собликдан кечиб, қишлоқ оқсоқоли бўлди. Қизи ҳам
бора-бора ғалати одатларини ташлади.

* * *

Қиш эшик қоқди. Кесак отишлар тинчиди. У билан
боғлиқ ҳангомалар ҳам. Аммо Бурибойнинг ўғлининг
бевақт улими ҳақидаги гап-сузлар барчанинг оғзига
тушди.

Ҳусайн жанозадан қайтаркан, олдинда кетаётган
чолларнинг ўзаро суҳбатини эшитиб бошидан бир
сатил совуқ сув қуйилгандек бўлди.

– Буривойнинг қилмишлари Худога хуш келма-
ди-ёв. Ростми-ёлғонми, Ҳусайнни уйига отилган ке-
саклар Буривойди иши дейишади.

– Ҳа, кесак отганлар тоғликлар экан, уларни Бури-
бой ёллаганмиш.

– Оласиз-да сизам! Тоғликлар атай шунча йул бо-
сиб, Ҳусайнни уйига тош отиб кетармикан? Сал ақл-
ни ишлагинг-да, Нормат авғон.

– Эээ, сен қайданам билардинг, уша тоғликларни катта пулга ёллабди-да.

– Бумаган гап, бу ерда эскичалик бор. Буривой дами ўткир жинмуллага ўқитган. Ҳамма бало уша муллада-ёв. Шунинг учун ҳам ҳар гал намозда тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан ҳам паноҳ сураймиз-да. Бунақа нарсалар билан шуғулланган одамнинг етти пуштига зиёни бор дейишади.

– Қуйсанг-чи, мулла-пуллангни, тоғликларга катта пул ваъда қилганакан, бермаган, ушани учун мапия қара мошинда келиб, Буривойди ўғлини чайлада улдириб кетибди, қизталағлар...

Ваҳимали кечаларни энди-энди унутай деб турган Ҳусайн бу гапларга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмади.

Тушга яқин ёмғир шивалай бошлади. Ҳусайн даладан қайтаётиб Бурибойнинг дарвозаси ёнидаги курсида утирган девонасифат аёлга кузи тушди. У кафтларини очиб, утган-қайтганга илтижо қиларди:

– Дуо қилинглар, ёлғизгина ўғлим... Дуо қилинглар...

Шу пайт Ҳусайннинг оёғи тагига каттагина кесак туп этиб тушиб сочилиб кетди. Ҳусайн бирдан уша томонга қаради.

– Қурқманг, амаки, кесакни товукқа отувдим, – деди Бурибойнинг қизи камшик тишларини курсатиб, ғалати илжаяркан.

Ҳусайн унинг юзларида, оқ куйлагида қотиб қолган қон доғларини куриб, сесканиб кетди. Сунг ортидан биров келаётгандек, у ёқ-бу ёққа аланглаб қадамини тезлатди.

СУВЭГИЗ

Тупроққа оёқ босса товон жизиллайди. Аммо якка дарахт остида шабадани кийиб олган Соя япроқларни қимирлатиб уйнаганини сезиб қолган қуёш уни дарахтнинг шарқ томонига қувиб ўтди. Офтобда қолган сигир чузиб муради.

– Ҳов қиз, моллар сувсиз қопкегди, тур энди! – онанинг таҳдидли овози кунчиқарда мудраётган тангадек Сояни чўчитиб юборди, шекилли, у чор-ночор дарахтга урмалаб чиқиб кетди.

– Моллар улади, қон касал бўб улади бу ис-сикда! – она яна жиғибийрон булиб қичқирди.

Пахтагул кузини уқалаб айвонда бироз тургач, тузғиб кетган сочларини ён томонга бир силтаб, сунг тутамлаб боғлади-да, устидан оқ румолини тошдек қилиб ўради ва тандир бошидаги иккита буш сагил-ни олиб, кўчага йуналди. Дарахтнинг қуюқ барглари орасида паналаб турган Соя эса ерга сакраб тушиб, унинг изидан эргашиди. Пахсатом бостирмаларни чор атрофдан ураб ётган дашт этагидаги кухна тошқудуқ уз ичидаги сувни кун тафтидан яшириб ётар, атрофидаги яккам-дуккам тераклар кукка буй чузиб, офтобга ниманидир шивирлар, шурхок зовурлар ёнидаги юлғунзор қип-қизил гулларини гармселдан кизғаниб, оҳиста гувранарди.

Аёл йўл ярмига келганда бирор керакли буюми уйда қолиб кетган-у, луп этиб шу эсига тушган одамдек таққа тухтаб, тепалик биқинидаги

чайлага деб тупроқ олинган, оқбош аралаш янтоқ ушиб ётган лой ўра томон юрди. Тусатдан чақалоқнинг биғиллаб йиғлагани қулоғига чалинди. Йиғи бироздан сунг кулгига айланди. Шу лаҳза янтоқ шохларини қимирлатиб нимадир судралиб оқбош тагига ўтди; типратикан ёки илон булса керак, ўйлади у. Саксовуллар тагини куздан кечирди: ҳеч ким йўқ. Эти жунжикиб – қурқувданми – қадами-ни тезлатди.

У қудуқ ёнига етгач, ҳалигача қулоғи остидан кетмаган чақалоқ йиғиси кўнглини эздими, ўкириб юборди; тиззаллаган қуйи юзларини бекитиб уввос солди; бу заиф овоз шовуллаб турган теракларга етмасдан олов кечиб юрган қаҳрамон тепаликларга сингиб кетди. Биров куриб қолмасин дегандек, аёл тезда ўрнидан туриб, қудуқдан сув торта бошлади. Шу пайт орқасида кимдир қараб тургандек бир сесканиб, ортига ўгирилди: малла тўн кийиб, белқарс боғлаган қисик кузли бароққош йигит турарди.

Бир қалқиб тушган Пахтагул бирдан узини ўнглаб, румолининг калта ўчи билан юзини тусмоқчи бўлди, аммо румол унинг фақат қизил ғунчадек лабларини беркитди, холос.

– Қурқманг-э! – деди йигит қўлларини иккинчи бўш челаққа чузар экан. – Ёрдам бермокчийдим.

Қизнинг ёнида турган соя қудуқни паналаб, йигитнинг ёнига ўтмоқчи бўлди, аммо қуёш уни шу қадар куйдирдики, товлари ачишиб, изига қайтди. Йигит қудуқдан сув тортиб, сатилларни кугариб йул четига олиб чиқди.

Пахтагул, биров куриб қолмадимикин, деган ҳаёлда атрофга яна хавотирли боқди: куриган оқбош, янтоқ ва исириқ пояларидаги сўнгги япроқларни чим-

диётган уч-тўртта эчкидан бошқа ҳеч нима кўринмади.

– Уйизгача обориб қўяй? – йигит мулозамат оҳангида унга қараб, бир-икки одим ташлади.

– Йўқ, узим. Одамлар курса... – аёл сатилларни йигитнинг қулидан олиб, елкаси билан катта йўлга бурилди-да, юрмасдан кунботарга қўзларини қисганча тикилиб қолди.

– Отим – Жамил, райимсупиликман... – деди йигит фурсатдан фойдаланиб.

Пахтагул индамади. Бироз юргач, сатилларини ерга қуйиб, ортига қаради. Йигит қўз очиб-юмгунча тераклар шохида пайдо бўлиб, қулидаги кичкина таёқча билан барг қоқар, эчкилар бир-бирига урилиб-сурилиб япроқ териб ер эди.

Аёл бирзум қараб турди-да, сўнг уй сари илдамлади. Худди орқасидан кимдир ушлагандек, узини илкис олдинга ташлар, оёқлари саксовул илдизларига қоқиниб майишиб кетар, узини базур тутиб олар эди; уйга етиб келгунича силта-наверганидан сатиллардаги сув ҳам яримлаб қолганди...

Пахтагул йигитни қудук ёнида тез-тез учратадиган, унинг ҳазил-хузулларига охистагина жилмайиб жавоб қиладиган ва ҳар галги дийдордан сўнг кейингисигача кўнгли чоғ юрадиган, уша ҳолатларнинг яна ва яна такрорланишини энтикиб кутадиган бўлди. Гарчи Пахтагул беш йиллик рузғоридан хайдалиб, ота уйига қайтган бўлса-да, ҳануз узини ёш навниҳол қиздек ҳис қилар, йигит қаршисида ҳар сафар узини ноқулай сезар ва бу ноқулайлик узига хуш ёқарди. Йигитга ҳам.

– Кет, – деганди эри ушанда қаътий оҳангда. – Боласиз уй мозор дейишади. Сен эса...

Эркак уни судраб, ярим тунда гашқарига чиқариб қуйганди. У шоколла, итлар илиққа келиб увлаган тунда дашт даҳшатларини енгиб, Дарча қишлоғидан уйигача оёқяланг йиғлаб келган эди. Ортидан на эр, на қайнсингил эргашди, фақат уйгача таъқиб қилиб келган биргина оғриқли овоз – гудак йиғисини у ҳанузгача кукрак қафасида кўтариб юарди.

Пахтагул у кунларни эслаб хурлиги келди. Аммо ичидагини ташқарига чиқармади. Тунлар унинг куз ёшларини йиғиб оппоқ шудринг доналаридек тонгларга берди.

У бир кун яна қоқ тушда сувга борди.

Қудуқ тубида чиғаноқ ичида ётган марвариддек порлаган асрий кунгил изҳорлари қуёш нурларига осилиб ташқарига чиқди-да юлғун гулларига оҳиста кунди:

– Бироз гаплашиб утирсак...!

– Онам билиб қолса... – аёлнинг нигоҳлари ер чизди.

– Тухтанг, кузларингиз!..

Қиз узун кипракларини пирпиратиб кузларини юмди.

Йигит бармоқ учларини бирлаштириб, унинг қабоқларидан ниманидир олиб қудуққа отгандек бўлди.

– Нима экан?

– Жуги.

Аёл хандон отиб кулди.

– Ҳазилингиз курсин. Боладайсиз. Нима, мени кузимда жуги борми?

– Ана, энди кузларингиз порлаяпти.

Йигит унинг қулидан тутиб, бағрига тортди; уймоқчи эди, аёл пурсилдоқ дудоқларини олиб қочди. Йигитнинг дағал лаблари маъшуқасининг қоп-қора

сочлари орасидан майда маржондек тер сизиб турган буйнига тегди.

Елғиз Соя лип этиб юлғун тагига ўтди. Кўп ўтмай бу Соя улканлашди-да, бир-бирига чирмашган аёл ва эркакнинг бутун вужуди билан ютиб юборди.

Бугун тонг бошқачароқ ўтди.

Осмонда яккам-дуккам кулранг булутлар пайдо бўлди. Аёлнинг кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилгиси келди. У ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва мусаффо тонгнинг хушбўй, намхуш ҳавосидан ютоқиб-ютоқиб симирди.

– Нима бўлди, қизим? – она Пахтагулнинг сочларини силаб, пешонасига кафтларини босди. – Иссиқ кўтардимми, а?

Она безовта бўлиб, ошхонага югуриб кетди-да, у ердан бир булак нон билан пичоқ олиб келиб, нонни қизининг бошидан айлантирди, пичоқни атрофида ниманидир кестандек силкиди. Нонни думини ликиллашиб турган лайчанинг олдига ташлади-да, қизининг қўлларини силаб, яхши бўлдингми дегандек унга илтижоли боқди:

– Одамларни кузиям ёмон-да...

Пахтагул тезда узига келди, вужудида енгиллик, кўнглида ёруғлик сезди. Ховлини супуриб, сув сепди; молларга ўт ташлаб бўлгач, сатил кутариб қудуқ бошига шошди. Аммо йигитдан дарак йўқ эди. У қудуқ атрофларини айланиб, тераклар, юлғунлар остида йигитни соатлаб кутади. Бундан хавотир олган она қудуққа яқин тепалик устига чиқиб, қўл силтайди:

– Пахта-ю-у-ув!

Аёл кўзлари қизарган ҳолда қўлида икки челак билан онага яқинлашади.

– Киндигингни йўқотдингми?! – кўзларини чақчайтиради она. – Уй тула сув-ку, нима қилиб юриб-

сан қудуқда? – Сунг кизининг кузларига қараб, шаштидан тушади. – Йиғладингми, жон болам?

Пахтагул онасининг кўксига бошини қўйиб, укириб юборади.

Она кузларига ёш олиб, тақдирдан нолинади: “Болам, улмаган кул ҳар балони кураркан. Бошимизга бу кунларни солган Тошмат қирилсин! Сабр қилса, болаям буларди-ку. Худонинг марҳамати кенг!”

Пахтагул бир кунда икки, баъзан уч бор сувга қатнайди. Уч ойдирки, йигитдан дарак йўқ. Умидини узди шекилли, йигитни бошқа кутмай қўйди. Аммо узида ғалати узгаришларни куриб, аввал ҳайрон бўлди, сунг қувонди. Юраги остида нимадир ғимирлаган, нафас олгандек бўлди. Қорни ҳам бироз кўтарилибди. Юзларига доғ тушибди.

Бу ҳолни англаган она жаҳл қилди:

– Ё эринг билан а?

Пахтагул индамай қўя қолди.

Бир куни азонда аёлни тулғоқ тутди.

Она Сорахон дояни бошлаб келди. Қуёш бир тирсак бўйи кўтарилгач, аёлнинг кузи ёриди. Ҳайратини яширишга улгурган доя кампир синиққина жилмайганча онага юзланди:

– Сувэғиз экан, дугона...

Аёл ҳозир фарзандини оёқларидан ушлаб биғиллатганча унга курсатишини, у эса гудакни бағрига олиб, туйиб-туйиб эмизишини хаёл қиларкан, кузлари ёниб дояга термулди.

Доя жимгина қараб тураверди.

Пахтагул эшик ёнида турган Жамилни курди: устида малла тун, белида белқарс, қулида – йургакланган чақалоқ. У жилмайиб аёлга қаради, кейин эшикни бесас очиб, гудакни кутарганча ташқарига

чиқиб кетди. Аёл чақалоқнинг юз-кузларини аниқ кўришга улгуриб қолди: юзлари лунда, оппоқ, кузлари қисик...

Пахтагул қулларини чузганча ташқарига қараб йиғлай бошлади:

– Она, қаранг, у боламни обқочди! Болам-м!

Аёл ҳушини йуқотиб, тушакдан озгина кутарган гавдасини ёстикқа ташлади.

Она ва доя кампир чўчиб эшик томон қаради, у ерда ҳеч ким йуқ. Эшик шамолда оҳистагина тебраниб турарди.

Доя кампир чуқур уф тортди.

Ҳикоялар

Ҷабу



*Ибтидоий даврларда инсонлар қурқув
уйғотадиган сеҳрли ва зарарли ёвуз кучлар –
жин, арвоҳлар, офатли касаллик ва йиртқич
ҳайвонлардан сақланиш учун уларнинг номини
тилга олмаслик керак, деб ҳисоблашган.*

ТАБУ

Чорибой қалдирғоч уясидан нигоҳини олиб, урнидан турди-да, уғлига юзланди:

– Даштти иши шу, уғлим – деди у толиққан, оғриётган тиззаларини уқалаб. – Жазирама бумаса, бу шабадани ҳузурини бандаси қаердан ҳис қилсин. Худо бандаларига нима кераклигини ўзи билади. У – буюк донишманд.

Чорибойнинг уғли катта шоир булмоқчи эди. Ота хуржунга бир турва чакки, патир нон, тандир гушт солиб, елкага ташлади-да, уғлини олиб, таниқли шоирлар эшигини тақиллатиб борди.

– Мани тарихимни ёзасан, уғлим, яхши замонлар келади ҳали, – деди ота бир кун кузларига ёш олиб. – Бобонг Сибирга сургун қилинди, болаларини бойнинг уғли деб қамади...

– Бу ишни...

– Жим! – деди Чорибой ранги қув учиб. – Ҳамма гапни гап деб гапираверасанми? – У ёқ-бу ёққа қараб олиб гапида давом этди ота. – Қудалар бор-а.

– Қудалар? – теварак-атрофга аланглади Шокир.

– Қоидаси шундай, уғлим. Сизга неччи марта айтаман, отини тутманг деб, – дея ота жаҳл билан бошидан дупписини олиб ерга қуйди-да, чордона қуриб утирган қуйи, кети билан уғли томонга бироз сурилди, сунг дупписини яна олиб бошига кийди.

– Уша қудаларингизни устида уртоқ Ста...

– Э-э, ота денг, тамом. Ҳали боласиз. Ундан кейин сизни булар билан нима ишингиз бор. Ундан кура шеър ёзинг, китобингизни чиқаринг.

– Китоб бўмади, – деди уғил бошини қуйи солиб. – Қайтариб қулимга тутқазишди. Шеърларим мавҳуммиш, тушқунмиш.

– Қуйинг, уғлим, жаҳлимни чиқарманг мани. Қушни қишлоқдаги Жаббор бувани уғли билан таништириб қуйдим, шу-шу ёнига қайтиб бормадингиз, – Чорибой икки курсаткич бармоғини оғзига тиқиб, икки томонга жириб тортди-да, жаҳл билан гапини давом эттирди: – Манқа, дедингиз, жирриқ дедингиз. Манқа булсаям юрибди-ку қуша-қуша орденларди тақиб. Сизни ким танийди, ким билади? Одам деган қутир эчкидек булиши керак. Бирини тоға, бирини ака деб кетавермайсизми? Воҳ, уғлим булсангизам, манга ухшамагансиз-да...

Ота ичини кемираётган барча гапларини мавриди келганидан бўлса керак, бирдан тукиб солаётганди. Уғил уз қарашини отасига англаймоқчи бўлди:

– Ота, мен буларни шон-шуҳрат учун эмас, узим учун, узимни англаш...

– Э, йиғиштир сафсатангни! Буладиган гапни гапир! – Чорибой уғлини гапини ярмидан булди-да, тандирхона томонга қараб қичқирди. – Ув, Жура! Чойинг қайнамасга кетдими, обке тезроқ!

Бирпасда тандирхона томондан юзлари қизариб, буйинларидан чакиллаб тер томчилаётган, устига эски, ямоқ тун илиб олган хотини зипиллаб келди-да, қулидаги таги тутундан қорайган темир чойнакни дастурхонга дуқ этиб қуйгач, бошига ураган гулоби румолининг бир учи билан юз-буйинини артди. Сунг норози оҳангда жавранди:

– Ҳанифа, ноним пуштлаб кетди. Шуни Шокирга айтсангизам обкелади-ку, ёш нарса!

– Сан айт, Жура, уғлингга тушунтиролмаёпман. Худораҳмати отам отсиз, дерди, беишбуғин дерди. – Чорибой “уф” тортди-да, икки қулини тиззасига тираб қаддини кутарди. – Бу лаънати отсиз туғилгунча ям онасининг ичак-чавоқларини еб битириб, кейин қорнини ёриб чиқаркан...

– Ҳа-а, чаёнми? – деди хотин тандирхона томон хавотир аралаш қараб оларкан.

– Тур-э! Ман нима дейману...

Аёл “Э-э!” деб қулини силтади-да, тандирхона томон яна зипиллаб жўнади. Пешайвонда куйган пахталикнинг аччиқ ҳиди қолди.

Чорибой яна ёстикқа ёнбошлади-да, қанотларини йиғиб жойлашиб олган қалдирғоч инига тикилди. Она қалдирғочнинг фақат боши куриниб турарди. Қуёш қизариб, ботди деб қолган. Дастурхонда турган овқагга қул ҳам урилмаган. Пиёлада совуб қолган чой заъфарон тусга кирган, худди шафақ уз нурлари билан пиёлани тулдиргану, Чорибой пиёлага сузилган шафақдан бир-бир ҳуплаб сунг жойига қуйгандек.

Кутилмаганда қалдирғоч безовталаниб, ин атрофида парвона бўла бошлади. Чорибой эса кузларини қалдирғоч инига тикканча узоқ хаёлга чушиб, оғир хурсиниб қўйди. Шу пайт Шокир бақириб юборди:

– Ота, илон!

Чорибой сапчиб ўрнидан турди.

– Қани?! – деди атрофга олазарак қараб.

– Ана, ана! Шифтда! – деди Шокир болорлар орасида ўралашаётган билакдек келадиган оппоқ илонни курсатиб.

– Аргамчи десанг-чи! – кулди Чорибой. Сунг маҳзун тортди-ю, устунга суяниб утирган куйи давом этди:

– Шу замонда пулнинг узи йуғу шифтда бойлик уралашиб юрганини қара.

Илон ғойиб булди. Уясини тарк этган қалдирғоч эса Чорибойнинг боши устидан ғужурлаб айланарди.

ПОХОЛ БОШМОҚ

... Оловли шар, атрофида турфа ранглар ғужғон уйнаб, турли шаклларга киради. Хуштак овозига ухшаш ғаройиб, чийилдоқ бир нағма сеҳрли урмонда эртак қаҳрамонларини ортидан эргаштиргандек узига чорлайди. Бурчакда эса... қафасга солинган каламушсифат махлуқлар гур ипларини тишлари билан узганча зулматга урмалайди...

Боботой босинқирашдан уйғониб кетди. Курган тушидан эса фақат уша узук-юлук манзараларгина эсида қолди. Урнидан турмай бу туш ҳақида узоқ уйлади, узича таъбир килишга уринди: оловли шар, турфа ранглар, аллақандай каламушсифат махлуқлар... Хаёли шаффоф осмонда адашиб юрган бир парча оппоқ булут сингари юрак юзига сузиб чиқди. Беихтиёр киприкларига қул узатди. Қабоқларида нимадир дукиллагандек бўлди. У ҳорғинликни сидириб ташлагандек қўллари билан юзларини силаркан, чуқур нафас олиб, уни қайта чиқарди-ю, кафтлари орасига яширди. Эгилганча панжарали дарчага парда қилиб тутилган оқ бўзни кутариб, ташқарига куз ташлади, осмонга – тун куксини тулдириб жимирлаётган юлдузларга боқди. Сунг тушакдан ирғиб турди-да, шоша-пиша девордаги қозикқа илинган қора тунини олиб кийди; белқарсини икки учидан ушлаб икки-уч айлантирди, арқондай эшилгач, белига сирмаб боғлади. Хонтахта устидаги қорачироқни ёқди. Чироқ тирқишдан кирган

шамолдай шувуллаган овоз берди. Бундаи пайт-да онаси доим: «Чироқни чириллагани – арвоҳни чирқиллагани, болам, улик туймасдан, тирик туймайди», деб қозонга ёғ солиб, ис чиқариб юборарди. Боботой эса буни пиликдан куриб, унинг учидаги курумларни юлиб-юлиб тозалагач, қайтадан ёқди. У бироз гуриб яна овоз берганди, пилигини пасайтириб, токчага қуйди ва деворга суялган қондаги сомон парчаларини ерга тукди, йирик сомон чупларини ажратиб ташлаб, қулга илашадиганларини кулоқчин бошмоғи устига ип билан урай бошлади. Сомон пояларини бошмоғи юзаси ва остига шундай маҳорат билан териб чиқардики, ҳатто буйрачи ҳам унинг олдида ип эполмасди. Дастлаб улар бошмоққа унчалик угирмади, чоғи, кеча сомонга озроқ сув сепиб қуймагани учун ичида узини койиди. Дағал, қаттиқ сомон унинг бармоқларига буйсунмай ерга тушиб кетаверар, бошмоқ юзаларидаги туқима ипларга қовушмасди. Боботой бошмоқни ечиб, бир четга улоқтириб юборди. У бундай похол бошмоқларни йилларки неча бор туқиди, неча-неча похол бошмоқлар тош, тупроқ ва янтоқли йулларда тузиди. Осмонни бошига кутариб дод солиб йиғлагиси, эндиликда тор келиб қолган бу дашту далалардан узоқ-узоқларга, тоғу тошларга бош олиб кетгиси келди. Кузларидан бир неча томчи юмалаб, похол устига томди...

Боботой дарчага қаради, пилиги паст хира чироқ яна хуштак чалиб, унинг кунглига соя ташлади. Ўн кун аввал кечаси у онасининг тахмон устида ётган румолини беихтиёр қулига олиб, буйнига ураганда алланечук ҳузур туйганди... Агар онаси келиб қолмаганда... Боботой деворга суяниб, қорачироқ шуъласида улканлашиб бораётган қоп-қора соясига бироз

тикилиб гурди-да, яна сомонларни олиб, бошмоги юзига айлангириб тера бошлади.

Ниҳоят, похол бошмоқ тайёр булди. Секин эшикни очиб, ташқари чиқди. Ҳовлида бироз айланди. Бошмоқ юрганда ҳеч қандай овоз бермади, из қолдирмади. Товушсиз қора шарпаларни ҳам тезда илғайдиган Олапар унинг олдига югургилаб келиб эркаланди. Боботой чунқайганча Олапарнинг буйни аралаш бошини ушлаб, узига қаратди ва мултираб турган кузларига тикилди; бошини меҳр билан силади. Кейин қаддини ростлаб, ҳовли туридаги кекса гужум тагига юрди. Олапар негадир бу гал унинг ортидан зипиллаб эргашмади, чопонидан тишлаб торти.

– Кет! – Боботой уни узидан нари ҳайдади.

Хурр этган шамол димоғига ёмғир аралаш исирик ифорини олиб келди. Тушовдаги от туёқларини ерга уриб, безовта кишнади. Дарахтлар салобатига яраша чайқалди, шовуллади. Шохлар орасида қандайдир қуш қанотларини қаттиқ қоқиб учиб кетди. «Кечаги қуш булса керак», – уйлади у. Кеча тонгда онасининг қарғаниб, тандирдан бир сиқим кул олиб, дарахт томонга сочаётгани ва узининг гаплари ёдига тушди:

– Онажон, нега бу қушни ёмон кўрасиз-а? – деди Боботой синиқ жилмайиб. – Қаранг, қандай чиройли қуш, худди одамга ўхшайди!

– Ундай дема, болам, қарғишга учраган бойнинг ўғлини, – деди она нимадандир хавотир олгандай. – Сайрамай ўлсин, жим келса хосиятсиз экан... Илоё, ёмонликларингни кўрмай кетай.

Боботой дарахтга бироз тикилиб турди-да, дарвоза сари йуналди. Йигирма йил бурун акаси ҳовлига бир туп ёнғоқ дарахти эккач, бир йилга бормай

оламдан ўтганини, отаси бу дарахтни хосиятсиз билиб, йиғлай-йиғлай чошиб ташлаганини эсларкан, дарахту қуш каби бундай нарсаларнинг одам ҳаёти билан қанақа алоқаси бўлиши мумкинлигини уйлаб бош қалиб қуйди.

Боботой дарвозани сассизгина очиб, кўчага чиқди, бироз юриб, тахта куприкдан ўтди-да, унга бурилди. Йул четида туриб, атрофга разм солди. Туғри, йулда, ярим кеча бўлса-да, баъзан битта-яримтага дуч келиш мумкин эди, аммо ишонарли ёлғон баҳона топиш унга унчалик қийин иш эмасди, баъзида бунга ҳожат ҳам қолмасди: эртаю кеч иш билан ғимирлаган қишлоқ одамларида тунги кутилмаган учрашувлар ҳеч қандай шубҳа уйғотмасди.

Ҳамма ёқ сув қуйгандек жим-жит. Қаттиқроқ йўтал товуши қушни қишлоққа бемалол етиб борадиган сокин тун. Боботой тошли йўللардан, эндигина ғалласи уриб олинган ангордан ўтгач, буз ва шурхоқ ерларда усиб ётган юлғунзор оралаб юрди. Оёғи нимагадир чалишиб, чуккалаб қолди. Қулидаги ирғай таёғи билан ерни тимирскилаб кўрди. Юлғун поялари: кеча узи шу ердан уч арава юлғун чопганди.

Шилиниб қони сизиб турган оёғини бироз ушлаб гурди-да, таёғига суяниб урнидан турди. Ёнгинасида оқаётган ариқ бўйига оқсоқланиб келиб, оҳиста чуқди. Чунтагидан ип олиб, бушаб кетган сомон парчаларини қайтадан бошмоққа боғлаб чиқди. Похол бошмоқни яна бир куздан кечириб, оёғига илди-да, жим оқаётган ариққа эгилиб, юз-қулларини кўди. Ариқ бўйида қандайдир чийиллаган ғалати овоз эшитилди. Янтоқлар орасида бир-бирига қовушган, бир тирсак бўйи тик кўтарилган оқ ва қора илонга кузи тушди. Улар бир-бирига чирмашиб, шунақа

гаройиб овоз чиқарар эдики, Боботой шунча йил даштда яшаб, бунақа овозни эшитмаганди. Илонлар думларигача ердан кўтарилиб, узаро қовушиб кетган дарахт таналаридек туришарди. Куз узолмай қолган Боботой бундай ҳолатни курган одамни ё бахт, ёки бахтсизлик кутади деган гапларни эшитмаганди.

Боботой сеҳрлангандек илонларга узоқ тикилиб турди. Қандайдир сирли мусиқа тинглаётгандек оҳиста тебранди, кузларига уйқу илинди. Шу пайт илонлар туяларга айланиб, унга қараб укиргандек бўлди. Чучиб кузларини очди, баданидан совук тер чиқиб, вужудини титроқ босди. Илонлар эса ҳамон ўша ҳолатда, бир-бирига чирмашиб, ариқдаги бир билак сувдек тулғаниб турарди. Боботой секингина орқага тисарилиб, бир-икки одим ташлади, сунг қора булутдек хурпайиб турган юлғунзор ичига узини урди. Ёмғирдан дарак берувчи қора булутлар остидаги қора юлғунзор борлиқни янаям қоронғи қилиб курсатар эди. Боботой бир кўнгли уйга қайтишни хаёл қилди, бироқ миясига урилган фикрдан яна ўзига келди: «Бу охиргиси!..» У қадамини янада тезлаштирди.

Боботой – қирра бурун, кузлари катта-катта, жуссаси ҳам қотмагина, буғдойранг йигит. У қишин-ёзин бошига телпак, устига майда қавилган қора тўн кийиб юрарди. Кечга бориб жазирамада жизғанақ бўлган тупроқ юмшаб, салқин тортади, унда оёқяланг юриш Боботойнинг жону дили эди. У мана шундай кечаларда ҳамқишлоғи Гулнисонинг ёзган хатларини ой ёруғига тутиб томоша қиларди. Гуё ой Гулнисонинг мактубларини Боботойга хижжалаб ўкиб бераётгандек, хаёллар уни етаклаб келаётгандек, шабадалар унга қўшилиб йиғлаётгандек, қамишлар шитирлаб уни юпатаётгандек...

худди биров билиб қолаётгандек Боботой сарғайиб кетган қоғозни авайлабгина яна белбоғи қатига солиб қуярди. Аммо тақдир уни сийламади, муҳаббат ҳам нафис туқилган похол бошмоқ кийиб унинг қалбига кирди-ю, бор-будини умариб кетди. Қизни бошқага турмушга беришди. Боботойнинг уйига оппоқ либосга уранган сулув келинчак эмас, лайли хотираларгина чўчиб қадам қуйди. Шундан сунг у барига қўл силтади; алаmidан минг-минг қуйли чупонларнинг қурасини ими-жимида шип-шийдам қилиб, сурув-сурув қуйларни ҳайдаб дашт кезди. Биринчи ишни Гулнисонинг отаси отар ёйган дашtdан бошлади.

Бир тун қўшни қишлоқдан бир сурув қуйни олдига солиб, икки кун даштга, Бойсарбулоқ ёнидаги пастликка қантариб, учинчи кун кимсасиз қир-адирлар ошиб Самарқанддаги мол бозорига ҳайдади. Уч кун деганда, эрта тонг Жума бозорига етиб келди. Сира тутқич бермаган Боботой бу сафар анда қолди: анчадан бери пайида юрган участка нозири кутилмаганда унинг ортидан келиб, қўлтиғидан олди. Боботой ортига угирилиб, нозирни қурди-ю, худди жонини олишга келган Азроилни қургандек қотиб қолди.

Нозир Боботойни қўздан панароқ жойга олиб бориб, олдинига дўқ-пўписа қилди, кейин, гўё бир яхшилик қилмоқчи бўлгандек, юмшоқлик билан:

– Уғрилиқ билан ғарлик уч кун кесакни тагида ётади, укам, – деди қалин қошларини учуриб. – Агар келишолсак..

Бошини қуйи солиб турган Боботой ялт этиб нозирга қаради. Унинг нима демоқчилигини тахмин қилди. Нозир Боботойнинг саволини кутиб турмай, оқсоқоллардай салмоқланди:

– Шу десанг, укам, бундан кейин... бир сони меники, – нозир қўйларга ишора қилди. – Келишдикми?..

Боботой иш бундай тус олишини сира кутмаганди.

Нозир ҳали узига келиб улгурмаган Боботойнинг қўйлаги ёқасини гўғрилаб қўйди. Боботой секингина бош ирғаб, маънисиз илжайди; энди унинг учун бошқа йўл йўқ эканлигини тушунди.

Боботой йўл-йўлакай уша воқеаларни эслаганча, бугунги ишини ҳам ҳамирдан қил суғургандек уддалаш режасини хаёлан яна бир бор пишитиб, катта тупроқ йўлга чиқди.

У Холмат бобо иккита қўчкор бўрдаётганидан хабардор. Уша пишиқ чол кечаси қўтон ёнига эски пустакни ташлаб тонг оттиради дейишади. Бироқ «Уйқу – улимнинг ўқаси». Боботой «Ё, Жолтанг!» деб қўтонга кирдими – қуруқ чиқмайди. Шунинг учун баъзан ўзи каби олғирларга мақтаниб ҳам қўярди: «Ҳар қандай қўтондаги қўйларни бир кечада уч оёқ қилиб кетаман». Қўлига қўйнинг бир оёғи илашса, бас. Мабодо чўпон қўйнинг бир оёғини узининг билагига қўшиб чирмаб ухлаган тақдирда ҳам, бир оёғини кесиб ташлаб, уч оёғини ҳалоллаб кетарди.

Боботой зовурни қиялаб юриб, катта тупроқ йўлга чиқди, сунг йўлни кесиб утиб, тераклар қўршаган муъжазгина қишлоққа яқинлашди. Қишлоқ жазирама қуёш остида терлаб, толиққан жуссасига дам бераётгандек, майин шабадада сирли шовуллайди. Қирқ кун бўлди, у Намоз чолнинг қўрасидан бешта бўрдоқи қўйни ҳайдаб кетган эди. Боботой қўрага яқин йўлдан ўта туриб, беихтиёр уша томонга бурилди. Нимагадир қўрага бир қўр назар ташлаб ўтгиси келди.

Эски ёғоч дарвозанинг кичкинагина эшигини ерга тегмаслиги учун эҳтиёткорлик билан юқорига кутариб очди. Утган гал сим билан чатиб ташланган дарвоза тутқичлари бу сафар ҳеч нарса билан боғланмагани унинг эътиборини тортмади. У ҳовлига кириб, атрофга аланг-жаланг назар ташлади. Шубҳали ҳеч бир нарсани пайқамагач, оҳиста қўра томон юрди. Қўра бум-буш, фақат бурчакка тукиб қуйилган сомон ғарами устида ёввойилаган оқ товуқларгина оқаринқираб кузга ташланади. Боботойнинг кузлари ўткир, ҳар қандай қоронғиликда ҳам, қимирлаган тирик жон борки, барини илғайди. Тусатдан бир қора шарпа укдай учиб келди-ю, қўра панжарасига суяниб, ичкарини кузатаётган Боботойнинг бошига тумтоқ заранг таёқ билан туширди. Бир таёқ бад, бир таёқ бадбахт дегани шу булса керак: беҳос тушган зарбдан Боботой дабдиради, бошини икки қули билан чангаллаганча узини идора қилолмай ичини кумурсқа кемирган гужумдай гурсуллаб кулади.

Шарпа уй томонга қараб кичқирди. Ичкаридан эркаклар ҳали кийиб улгурмаган куйлакларининг тугмаларини қадаганча, аёллар бошларидаги рўмолларини туғрилаганча ҳовлиқиб ташқарига отилишди.

– Тутдингми қиззиғарни?! – олача яктагининг унгирини белигача ураб олган чол ҳовлиқиб келди-ю, худди илондан кўрккан одамдек, узоқдан туриб бу «улжа»да узининг ҳам ҳиссаси борлигини билдирмокчидай қаддини хиёл кўтарди. – Айтдим-ку, Асад мулланинг дами уткир деб. Кеча у қоғозга бир нималар ёзиб, буни бусаға тагидан утган азбис турбага тикиб қуйинг девди. Сепиб қўясиз деб тупроққа дам ҳам солиб берганди, – чол буйнини чузиб жасадга тикилди. – Келишингни билувдим-а!..

– Қаранг, ота, айтганингиз чин чиқди. Уғрини қайтишини қаердан билувдингиз? Ёки узингиз-зам-а... ёшликда... – шарпа уз жасоратининг натижасини мулланинг дамига йуйган чолдан оғринди, шекилли, юзини четга буриб, янтоқ даста устига носини тупурди. Сунг бу «улжа» фақат узиники эканини курсатмоқчи булдими, мамнун қиёфада ушлаган сичқонини мириқиб уйнаган мушукдек кузлари йилтираб, Боботойнинг жасадини таёқ билан туртди.

Шарпанинг қичқириғини эшитган қўни-қўшнилар ҳам ҳаллослаб етиб келишди. Ҳовли бир зумда одамга тулди. Боботойнинг ҳовли уртасида чузилиб ётган, ҳали ҳовури кетмаган жасадини бир тудга одамлар ураб олди. Уғрининг кимлигини билиш учун унга бошдан-оёқ яхшилаб разм солишар, похол бошмоқни курсатиб, бир-бирини туртиб гапиришарди:

– Қойил.. Курдингми оёғини?

– Ҳа-а, чинданам бошлабди, баччағар. Буни қандай қилган экан-а?

– Юрганда товуш, из қолдирмаслиги учун булса керак-да.

– Худди саватга ухшайди-я, чиройлилигини қара!...

Тонгда эсанг шамол булутларни дашт устига ҳайдади. Ёмғирли шамолда эзилган дашт бир қариндошини йўқотган кимсадек ғамгин тортди. Боботойнинг ҳовлисида азадор қуйлакда юрган аёллар пайдо бўлди. Бирин-кетин лой кечиб келаётган одамлар унинг ҳовлисига бурилди. Бошига телпак, устига майда қавилган қора тўн кийган, кузлари катта-катта, буғдойранг одам тандир олдида тахланган юлғун пояларини ерга тушаб, йулакча ҳозирларди.

Тушга яқин таъзияхонада уз жигарини йуқотган кимсадай қайғуга ботган участка нозири куринди. Худди жиноят изларини ахтараётгандек атрофга синчков назар ташлади. Молхона ёнидаги омонат бостирма тагида гужурлашиб турган бир туп болага кузи тушди. Улар миқтигина болани уртага олиб турткилашарди:

– Сан огансан!.. Кучугимни қайтар...

Болакай жикқа ёшга тулган кузларини уқаларкан ҳикиллаб йиғлайди:

– Ман оганим йуқ!

– Уғрисан!

– Йу-уқ...

Нозир уларга яқинлашиб, орага тушди. Кейин уларни яраштириб қуйганидан мамнун ҳолда бу ерни тарк этди.

ТУТҚУНЛИК

Йўлни якин килиш учун хаёл суриб, урикзор оралаб ишга келаман. Бугун ҳам шундай булди. Ишхонага келиб, эндигина иккинчи қаватга кутарилаётган эдим, ортимдан кимдир чақиргандек булди. Қарасам, биздан бир қават тепада жойлашган газетанинг бош муҳаррири Рустамали экан.

– Эй ака, бир куринг! – дейди у кузлари ёниб. – Иккита хона олиб, шунақа безатдим-м...

У қошлари қалин, елкадор, доим қизил буйинбоғ тақиб юрадиган басавлат одам. Худди бизнинг бошлиққа ухшайди. У қуярда-қуймай хонасига бошлади. Эшигига жимжимадор қилиб, зарҳал ҳарфларда «Б. ва И.» газетасининг бош муҳаррири Рустамали Фалончаев» деб ёзилган хона уртасига узун стол Т шаклида жойлаштирилган. Бурчакда ясси экранли катта «Самсунг» телевизори, унинг рупарасида иккита кресло ва ўтириб журнал титкилашга мўлжалланган стол. Полга тушалган туқ қизил рангли туркман гилами хонага янада салобат ва ҳашам бағишлаб турибди. Деразаларда қамишдан туқилган буйрага ухшаш пастдан юқорига қараб очилиб-ёпиладиган антиқа парда. Икки дераза уртасидаги деворга қишки-ёзги замонавий совуткич урнагилган. Кираверишда чапда турган шкаф тепасидаги деворга табиат манзараси чизилган полотно. Шкаф устида қимматбаҳо ваза (менимча, бу ваза ҳали жойини топиб улгурмаган). Кираверишдаги пардага илин-

ган исирик, қалампирмунчоқ, бури тирноғи ва илон пустидан ясалган тумор янада ҳайрагимни оширди. “Дераза ёнида оппоқ гуллаган урик дарахти сурати бўлса зур буларкан”, ҳаёлимдан кечирдим. Бундай ҳаёлга келишим табиий эди. Негаки ишхонагача изимдан эргашиб келган ўриклар деразадан оппоқ новдаларини биз томон чузиб тургандек эди.

У шошиб бориб столга ўтириб, у ёқ-бу ёққа ҳалинчак қилиб тебранди-да, томоқ қириб қуйди. Сунг қулини фотиҳага очиб «Қани дуо сиздан бўлсин» дегандек бош ирғади. Юзга фотиҳа тортилгач, тирсакларини столга тираб, аввал унғ қулидаги узугини уйнади, кейин худди вақтни билмоқчи бўлгандек чап қулидаги тилларанг соатидан овоз чиқариб узига туғирлади.

– Ҳа, қалай! Хонам сизга маъқулми? – у стол атрофига териб қуйилган стулларни чертиб, урнидан тураркан, сузида давом этади, – Мана бу стол-стуллар дубдан ясалган, жуда оғир, бунақаси вазирлар хонасида бўлади. Мана бу креслони Германиядан бир танишим олиб келган экан, уни илтимос қилиб узимга олдим, тоза чармдан...

Бироз ўтириб, вақтим зиқлигини айтаман, зур деб мақтайман. У яна қуярда-қуймай қушни хонага судрайди:

– Мана бу иккинчи хонамиз. Бу киши. – дейди у хонада чой ичиб ўтирган лобар бир аёлга ишора қилиб, – менинг уринбосарим. Ҳозирча икки кишимиз, бир-иккита ходимлар олишимиз керак.

Аёл жойидан чопиб туриб, салом беради ва чойга таклиф этади.

– Бу ерга ҳам шкафни яхшисидан олдик. Хонаниям таъмирлаб, қуряписизми, рангига мос пардалар олдик, – у сузида яна давом этади. – Диван-кресло-

ларга гап йўқ. Компьютерларни қаранг, экранлари, нариги хонамдаги телевизорни курдингиз-ку, катталиги ушандай бор. Узимнинг хонамга-ку бунданам зурини олиб келтираман яқинда. Энди бу ерга биринчи бўлиб қуйдирмасам бўлмайди-да. Узингиз биласиз, иш шу ерда бўлади.

Хона деворларида турли хил портретлар, эшик бурчагига кузмунчоқ, қалампир, исирик осилган. Пардалар ҳам ўзининг хонасидагидан, фақат рангида фарқ бор. Эшиклар ҳам узгарган, қип-қизил, дубдан ишланган. Деворда катта осма соат, у 9:15 ни курсатиб турибди.

“Ҳеч бўлмаганда шу хонага оппоқ гуллаган урик дарахтини суратини осса буларкан”, яна уйладим мен. Сўнг ишга кечикаётганимни айтиб хонадан чиқдим. У изимдан эргашиб йўлакча охиригача кузатиб, узидан мамнун бўлиб мен билан хайрлашди.

Рустамали аввал бозорда ишларди. Ёнғоқ-майиз сотарди. Кейин омади чопиб бозорқум бўлганди.

– Ака, сизни бир кун мақола қиламан деб, бизни бозорга борганингизда куриб, жуда ҳавасим келган эди. Ўзиям ушанда манави сочларингиз қоп-қора эди. Костюм-шимда, бўйинда галстук. Ушанда «Ээ, бу журналист халқининг иши зуракан-ку, шикарний юраркан», деб ҳавасим кетганди, – деди бир куни мени йулда тўхтатиб. – Кейин бозорни ташладим-у, оғайниларни ишга солиб, газета очдим. Журналист бўлиш шарт эмас экан, бошқарсанг, одамларни обуна қилсанг бўлди-да, бу ёғи юраверади, нима дедингиз?

Хонага келиб, энди ўтирган эдим, кадрлар бўлими бошлиғи олтмишдан ошган бўлса ҳам, ёшига мос келмайдиган ҳаракатлар билан ёнимга кириб келди. Кийинишда ҳам ёшларга тақлид қилади:

шим, устидан свитер, сочлари турмакланган. Ҳар гал телевизорда эрталабки тонгги дам олиш дастурларида бадантарбия машқларини бажариб курсатадиган қизларни курсам, куз олдимга шу аёл келади. У ким биландир гаплашганда, қиз болалардек, бир тулғаниб оларди-да, елкадан тепасини ён томонга буриб, сунг ясама табассум қилишга уринарди.

– Қаерда юрибсиз? – деди у қошларини чимириб.

– Иш билан. Нега эди? – дедим унинг саволидан гашим келиб.

– Атайлаб кеч қолиб юрибсизми ёки иш билан... – у яна жигимга теккандек булди.

– Атайлаб дедим, – терс жавоб қилиб, жаҳл билан.

Ишларим куплигини билдириш мақсадида қоғозларни тита бошладим.

У қандай келган бўлса, яна ушандай таманно билан хонани тарк этди.

Урнимдан туриб деразани очдим. Шабада ҳовлидаги дарахтлар орасида турган бир туп урик гулларини учириб уйнарди...

Эртаси куни ишга келаверсам, қаршимдан яна Рустамали чиқди.

– Ака, кабинетимни бир куринг, жуда зур буган!

Кабинетингизни курувдим десам ҳам кунмади.

– Бошқа жойга киргансиз ака, мени хонамни кўрмагансиз, бир кўринг. Куз олдимга кадрлар бўлими бошлиғи келди. Э нима бўлса булар деб, Рустамалининг изидан эргашдим. Хона уша-уша.

У хонани яна мақтай кетди.

– Бу дубдан қилинган стул... – у бироз тўхтаб, худди бир нимани эслагандек озроқ уйланиб турди-да, яна сузини давом эттирди. – Бир портрет буюртирдим ака, йулбарсни расми. Илҳом деган рассомга.

Уша куни хонамга бир қори келганди, Сурхондан. Мен шер суратини чиздираяпман десам, у йуқ йулбарсни чиздиринг деди. Китобларда ёзилишича, шер менда қирқ йигитни кучи бор дер экан, йулбарс эса мендаги кучни қирқ йигитга бераман деркан. Шунинг учун шердан воз кечиб, йулбарсга буюртма бердим, қалай? Уни туғримдаги деворга урнатаман. Узиям улчами икки метрга биру йигирма. Мана бу шкафнинг тепасидаги манзара расмини ҳам буюртмага чиздирганман. Уни нариги хонага олдириб, урнига отнинг расмини қўяман. Буниям бир дизайнер рассомга буюртма бердим. Унга айтдим: «От шундай бўлсинки, тирикдай бўлсин, туёғидан тупроқ отилиб чопиб кетаётгани бўлсин. Лекин устида бирор нарса бўлмасин. Кейин бунақа отнинг расмига ўхшаш расм ҳеч қаерда бўлмасин. Агар ўхшаш чиқиб қолса мендан бир сум ололмайсан» деб айтдим. Туғри-да, компьютерни титсангиз интернетда нима куп, отларнинг расми куп.

Яна бир гап. Отлар девлар авлодидан эканини, тонгга яқин девлар отларнинг ёли ва думини қиз боланинг сочидек чиройли қилиб уриб кетишини бувамдан эшитганман. Бир куни кечкурун ҳеч кимга билдирмай Қорабайиримизнинг думи ва ёллари-ни теп-текис қилиб тараб қўйдим. Тонг ёришгач, ўрнимдан туриб от ёнига бордим, қарасам бувам айтгандек улар ўрими ечилган сочдек тулқинланиб турибди. Шундан кейин отга меҳр қўйдим, ака. От бошқача-да...

Фақат бир янгилик қўшибди. Деворда шерни шаклига солинган осма соат пайдо бўлибди. Шерни мақтадим. Хаёлимга яна урик гуллари келди...

– Эй жура, бунни айтяпсизми? Бу соатни бир дустимга утган йили туғилган кунида Дубайдан келган

таниши совға қилган экан. Ушанинг уйида қуриб, қуярда-қуймай ундан уч юз долларга сотиб олдим. Энди қори аканинг йулбарс чиздиринг деган гапидан сунг расмга мос қилиб йулбарсли соат оламан-да, буни нарига хонага чиқараман. Ишчиларим ҳам зур жойда ўтирсин-да. Нима дедингиз.

Мен унинг ҳамма гапини худди қойил қолгандай маъқуллаб, ундан узр сурадим-да, ишга боришим кераклигини айтиб, биринчи қаватга тушдим.

Кадр таманно билан яна эшик олдида кутиб турибди.

– Яна кеч қолдингизми? Атайлабми ёки...

Ҳеч нарса демай, эшикни очдим-да, хонага кириб кетдим.

Сал ўтиб директор чақирди. Кириб боришим билан у кузлари ёниб деворга ишора қилди:

– Ака, қаранг хонага нима сотиб олдим, сепис заказ...

Деворга йулбарснинг кийикни ов қилаётган катта расми осилган эди.

Дераза эса очик булиб, урикнинг гулга бурканган бир новдаси ичкарига бош суқиб, мўралаб турарди.

Драбблар

Сирли мактублар



Саждадан оҳиста бош кутарган хона
соҳиби эшикни очди-ю, куртак ота
бошлаган тахта зиналар олдида йиглаб
турган бир сулувни курди.

ГАДО

Ҳаво салқин, осмонда булут. Йигит шаҳар айланиб юриб, истироҳат боғига бурилди. Боғда одам сийрак, бемалол ҳайҳотдек уриндикқа утириб, хумордан чиққунча ҳаёл суриш, зилол кулга истанганча термулиш мумкин. Йигитнинг юзига томган ёмғир томчилари ҳаёлини бўлди. Урнидан туриб, бир-икки қадам юриб улгурмади ҳамки, ёмғир авжига чиқди. У ёмғирдан қочиб, музқаймоқ сотиладиган дуконча остидаги уриниб қолган курсичага утирди; ҳаёлга чумди.

Йигит уриндикда қанча утирганини эслолмади. Ёмғир бироз сийраклашганда у рупарасида ёмғирдан шалаббо булган гадойни курди. У ифодасиз, ҳорғин нигоҳларини йигитга тикканча жим турарди. Йигит тезда уриндикни тарк этиб, жимираб ёғаятган ёмғирзор оралаб тез-тез юриб кетди.



ТАҚВОДОР

Яримлаб қолган тун токчасида мудом шамчи-роғи липиллаб турадиган бу хужрага яна киролмади. Кекса тутларнинг оғир хурсиниқлари орасидан хужра эшигининг нимжонгина урилгани эшитилди. Саждадан оҳиста бош қутарган хона соҳиби эшикни очди-ю, куртак ота бошлаган тахта зиналар олдида йиглаб турган бир сулувни курди. Сулув ундан ийманибгина тунаш учун бир кечага жой суради. Хона соҳиби эшик кесакисига суянганча туриб қолди, кейин сулувни ичкарига киритди.

Шам учди! ...

СИРЛИ МАКТУБЛАР

(Тукқиз ою тукқиз кун)

Биринчи кун

Тукқиз ой ўтди.

Бир-бирига суяниб, бир-бирини етаклаб ўтди.

Иккинчи кун

Йигит:

– Тун. Шохларини бир-бирига уриб оловли шамол пайдо қилган дарахтлар оғир-оғир шовуллаб, қуюқ зулмат кўнглига бир кўрқув солди. Ҳайбатли кўрқув. Дарахтлардан чуғ сингари отилиб чиққан хув-в анов қулранг қушлар самони айланиб, дашт этакларига митти оловли уруғчалар қадади. Улар шунақа тез усдики, сенга етгунимча анжирзорга айланиб, турфа мевалар тугди...

Қиз:

– У менинг туйғуларим: оқ, сариқ, яшил, қизил... Қорачиқларим зулматида адашиб юрган гуноҳларим. У яланг оёқларини кўз ёшларимга ювиб, тун сари, олов сари кетмоқда. У аввал ақл, юрак, сўнг томирларга осилиб ерга тушди. Ишқ отига миниб, оламларни сайр этгач, қузим нурларига осилиб яна юракка қайтди. Лаҳзалик ором бу.

У ч и н ч и к у н

Й и г и т :

– Утган кунларимни хотирлайман. Хотиралар: «Сен гуноҳкорсан», – дейди. У қайси гуноҳларим эди? Неча ойлар кечди, онамдан хабарлашолмадим. Неча йиллар ўтди, сен билан гаплашмай қуйдим, Ҳабиб... Дарахт эдим, илдизларим етти осмонга туташган. Мен Сенинг парчаларинг: Ҳабиб, Абди, Эгам. Кузгуман... Сен унда кўринмоқ истадинг ва кўрдинг – афтодаҳолман.

Қ и з :

– Шайх Ҳасан Басрий ҳақида эшитганмисиз? Шайх болалигида билмай гуноҳга қул урди. У бундан доимо надомат чекди. Ўша гуноҳини ёқасига ёзиб қўйди. Ёзувни курганда шу қадар йиғлардики, ёзув ҳул буларди.

Т у р т и н ч и к у н

Й и г и т :

– Мен эса кўчаларда итдек изғидим. Баланд синч деворлар гуё устимга қулаётгандек. Туннинг шабгун пардалари остида аҳён-аҳёнда алаҳсиган одамларнинг ваҳимали овозлари эшитилади.

Қ и з :

– Чарчадингиз. Руҳий оғриқларингизни бир даста гулдек оппоқ чойшаб устида қолдираман. Мен куз, хазонлар оралаб кетаман. Сиз шунда...

Бешинчи кун

Йигит:

– Мен ҳеч нарсa демадим!..

Қиз:

– Руҳим овозларини эшитмадингиз.

Олтинчи кун

Йигит:

– Аммо, сен барибир гузалсан. Мен бу гузаллик олдида кўнглимни очишга қўрқаман. Бу қўрқув борган сари ҳарир ва сирли пардаларга уралиб бораётгандек. Бу ёлғизлик туйғусими?..

Қиз:

– Билмадим. Бундай туйғулардан мен анча узоқлашдим. Узоқ, узоқ, узим қадар узоқлашиб бордим. Ва ниҳоят ниманидир топгандекман. Бу ҳижронзада кунларимнинг Алифбо китоби. Ундаги ҳарфларни ҳижжалаб қалбим учун буюк бир сўз ахтардим, буюк оҳанг изладим...

Еттинчи кун

Йигит:

– Оппоқ гуллаган дарахт вужудида замин титроғи бор. Гуё субҳ қорайган дарахт шохларидан замин титроқларини ҳис этиб турганга ўхшайди. Сассиз гушаларда мунгли сукунатга ботган ҳаёл

гирқишларидан ҳувуллаб совуқ қора шамол киради.

Қиз:

– Совқотдим. Вужудим тошга айланди. Рухимда жажжи бир рух эркалайман, кучаман. У булутларга ишора қилади. Юр, кетамиз дейди. Кузмунчоқдек юлдузларнинг сассиз овозларини шаффоф куз ёшларга қамаиди. Тобора рухим шу жажжи рух оламига сингади. Тош вужудим эрийди. Кузларим тинади. Гудак йиғиси... Бу сенинг умидинг, рухимда туғилган митти бир умид эди...

Саккизинчи кун

Йигит:

– Мен сендек йиғлолмайман севгилим. Куз ёшларимни юрак ютади. Дарё остидаги тошдекман. Овозимни фақат сувлар – куз ёшлар эшитади.

Қиз:

– Эй мағрибда турган Тупроқ Одами, машриқдан бир даста нур чикиб сен сари кетмоқда.

Тукқизинчи кун

Йигит:

– Нур дарёси эдим...

Қиз:

– Зулмат дарёси эдим...

Адабий таҳлил

Ани давр - ани адабиёт



ТАФАККУР ВА ТАХАЙЙУЛНИНГ БАДИЙ ЁЛҚИНЛАРИ

Янги давр – янги адабиёт, бу каби фикрларни куп эшитамиз. Ҳар бир даврнинг адабиёти уз қалам эгалари ва уз яратикларига эгалиги ҳам ҳақиқат. Фақат, қолган гап унинг қай тарзда акс этиши-ю, қай таҳлит қабул этилишида. Шу маънода ХХІ аср узбек адабиёти ҳақида хали куп суз юритиладиган фурсатлар ҳам келади, бу борада жуда куплаб салмоқли тадқиқотлар ҳам яратилади. Бироқ, икки, ун йил утгандаёқ ушбу адабиётнинг кулами сезилди. Хусусан, насрода...

Сирасини айтганда янги асрда узбек насрида бир қанча янги номлар ва янги асарлар кўрина бошлади. Камоли қониқиш ила Ҳабиб Абдуназар номини ҳам шу даврнинг истеъдодли ва узига хос суз усталаридан бири, деб айта олиш мумкин. Бунга эса муаллиф тарафидан китобхонларга биринкетин тақдим этилиб келинаётган ҳикоя ва қиссалар далил бўла олади.

Ҳабиб Абдуназар купчилик адабиёт ихлосмандларига шоир ва ношир сифатида яхшигина маълум. Унинг шеърлари ҳам куп асрлик узбек назмининг кичик, аммо ёрқин жилваси улароқ шуълаланган ва асл шеър мухлисларини ошуфта қилган фалсафий лирикаси инсон руҳиятини кашф эта олган эди. Ҳабиб Абдуназар адабиётда аллақачон уз урнини топган ҳассос шоир. Не тонгки,

Ҳабиб Абдуназарни энди маҳоратли бир носир сифатида ҳам кашф этиш насиб этиб турибди ва унинг насрдаги ижодий изланишлари росмана проза устаси сифатида танитмоқда.

Аслида, бунинг ҳеч ажабланарли жиҳати йуқ. Унинг каби бадиий адабиётнинг турли йуналишларида самарали ижод қилган адибларимиз утмишда куп булишган. Истеъдод ва қалам мунтазам изланиш орқали чархланиб, сайқалланиб, нурланиб бораверади. Шунингдек, бадиий адабиётнинг қайси жабҳасида ижодкорнинг бадиий идроки юкланса уша жиҳатдан ўзини намоён этаверади.

Мазкур тупламга жамланган ундан ортик ҳикоя ва бир қисса Ҳабиб Абдуназарнинг оламини, кишилик жамиятини, воқеликни ва инсон руҳиятини қай даражада бадиий тафаккур қилгани ҳамда уни наср йули ила изҳор қила билганидан иборатдир, дея қабул этмоқлик керак, назаримда. Зероки, “адабий асарнинг бадиийлигини баҳолаганда, дастлаб унинг мазмунидаги, яъни воқеий моҳиятига, кейин ана шу моҳиятнинг суз орқали ифодаланиши даражасига эътибор қаратиш зарур”.¹

Аввало, ёзувчининг қиссасига тухталсак.

Ёзувчи қаламига мансуб “Тармита гавҳари” қиссаси тарихий мавзуда ёзилган. Тахминан VIII–IX асрларда қадим Термизга яқин Қирққиз қалъаси ва у билан боғлиқ афсоналар муаллифнинг ушбу мавзуда қалам тебратишига сабаб булган. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, айти мавзуда ҳануз бирор бошқа бадиий асар яратилмаган эди. Шунингдек, Ҳа-

¹ С а р и м с о қ о в Б., Бадиийлик асослари ва мезонлари, – Тошкент, 2004. 5-бет.

биб Абдуназарнинг мазкур мавзуга ёндашуви буткул янгича ва узига хосликни касб этади.

Биз “Тармита гавҳари”ни тарихий ҳодисага асосланган, бироқ, муаллифнинг фантазияси билан тасвирланган бадиий асар, десак туғрироқ булади. Замонавий жаҳон адабиётида бу каби жанрларни купроқ “фантастик-экишен” ҳам дейишади. Ҳабиб Абдуназарнинг маҳорати шундаки, у қадимий Термиз билан боғлиқ тарихий афсонани миллий колорит ва қадриятлар омухтасида беради. Унда аждоғларимизнинг утмишда илму маърифат билан дунёнинг илғор халқларидан булганликлари ҳақидаги фикр балқиб туради. Бош қаҳрамон Зайтунанинг Тармита номли қасрда бошидан кечирганлари, муҳаббат ва хиёнат линиясида, саргузашт-детектив усулда берилади. Айтиш керакки, муаллиф жуда қизиқарли баён услубини танлайди, китобхон диққатини асарнинг илк саҳифаларидаёқ жалб эта олади.

Асардаги муҳим жиҳатлардан бири муаллиф қадим юртимизда мавжуд булган, халқимизнинг маънавий қадриятлари қатига сингиб кетган тасаввуф таълимоти тушунчасини ҳам ҳам уз қиссасининг куп уринларига омухта қилиб юборган. Ундаги асосий қаҳрамон Зайтуна ва унинг устозлари хатти-ҳаракатлари, умумий образлар фонида ва ҳатто тасвирлар колоритида тасаввуф таълимоти, бу ўринда купроқ Ҳаким ат-Термизий ғоялари, таъсирини илғаш мумкин.

Ушбу жиҳатга мувофиқ равишда, асарнинг тили ҳам бой. Ёзувчи жуда куплаб қадимий истилоҳ ва номларни қўллайди (Тармита, Сейистон, Жузжон, Жайхун, Ису, манъжу, турун, бодинжон, элкин, эн-

дак, маътоли, мағориб, маррал ан-наҳор, инган, эм, ётчи, бушоқ, ёнчиқ, жирғару, эсин, ичкин, эрсак). Ўтиборлиси шундаки, бу атама ва сузларнинг аксари туркийдир. Яъни, муаллиф асарда тасвирланаётган макон ва замон рухиятини ҳаққоний акс эттиришга ва тулақонли образлар галереясини яратишга эриша олган. Негаки, нафақат тарихий мавзудаги асар, умуман бадиий асар яратилар экан реал воқелик фактлари фақатгина узига хос белги-хусусиятлари билан эмас, балки ижодкорнинг эстетик идеалига хос атрибутлар билан бойитилган, муайян даражада узгартирилган, қайтадан идрок этилган ҳолда акс этгандагина бадиий образ вужудга келади.

Бир суз билан айтганда, Ҳабиб Абдуназарнинг ушбу қиссаси янги асрдаги илк тарихий-тахайюлий ва айнаи дамда чуқур миллий-маънавий негиз асосида бунёд этилган бадиий яратмалардандир, десак янгилишмаймиз.

Ҳикоялар эса мазкур қиссадан бирмунча фарқли, замонавий мавзуда бўлиб, Ҳабиб Абдуназар уларни туркумлаштирган ҳолда, ички бир низомга амал қиладиган тартибда жойлаштирган. Улар мавзуларига кура туркумларга ажратилган, дейилса ҳам унчалик туғри бўлмайди.

Назаримизда, бу туркумлар ёзувчининг болалик ва улуғлик дунёси, аниқроғи, хотиралар ва мушоҳадалар уйғунлиги аро тизимлаштирилган. Албаттаки, бадиий колорити қуюқ ва фалсафий англами тегран битиклар тарзида тақдим этилган. Фикримизча, ёзувчининг “Момобулоқ”, “Мусоқишлоқ”, “Қамалдаги дунё”, “Рух одами” номли туркумларини ана шу тахлит қабул этиш мақсадга мувофиқ.

Кимсасиздек туюлаётган даштда ҳансираб, ҳапкириб, ҳувв яқиндаги қадрдон уй томон ошиққанча чопиб кетаётган болакайнинг нафасини туйганмисиз?! Мен ана шу болакайни кўргандек бўлиб, у кўрган ва ҳайратланганларидан мутаассир эдим. Бу ҳаяжон каминада тупламдаги бир қанча ҳикояларни уқигач пайдо бўлди. Ҳикоялар ранг-баранг. Улардан айримларига тухталишнинг узиёқ ҳаяжон ортидаги фикрларни улашишга етади, чамамда.

“Даштдаги олов” ёзувчининг илк ҳикояларидан. Унда узоқ даштга момосини кўргани борган болакайнинг бир кунлик саргузашти мароқли ҳикоя қилинган. Асар орқали узоқ дашту дала-лардаги серташвиш ҳаёт – турмуш уринишлари, қийинчиликлари, муаммолари, инсонларнинг кечинмалари ва ую изтироблари бош қаҳрамон – болакайнинг нигоҳи орқали тасвирланади. Фақат, уларни яхлит ҳолда эмас, турли воқеаларни тилга олиш ва йул-йулакай эслаш орқали курасиз, илғайсиз. Ҳикоя давомида яна бир қаҳрамон – Бахши момо портрети чизиб борилади. Ҳикоя охирига боргунча сиз энди болакайни эмас, момони асарнинг бош образи сифатида кура бошлайсиз.

Ҳабиб Абдуназар ҳикоя ичидаги суҳбат ва ҳолатларнинг тасвири давомида айтмоқчи бўлган гапини, имкон қадар, ширали тарзда етказишга интилади. У бу борада тилдаги шева унсурлари, ҳикоя тасвирланаётган ҳудуд урф-одатларига хос узгачаликлар ва кишилар хатти-ҳаракатларини ифода-лашдаги узига хос ёндашувдан тортинмайди. Мисол учун:

“Момом, одатда, сизирларини набираларига атаб, «Шобердининг сизири, Қулмуроднинг сизири», деб гапирарди.

– Шобердининг моли сира кўпаймайди, ё касал бўлади, ё улади, – дейди момом ариқ четидаги утларни ҳафсаласизлик билан битта-битта чимдиб еяётган, суяклари буртиб қолган озгинолақашқани курсатиб. – Қулмуроднинг сизири бу йил тугса, бешта бўлади. У отангга ухшади. Кеча кўпқаридан бир улоқ, бир гилам олиб келди. Ғойивота отанг ҳам сара отлар минарди-да. У майдонга кирса, чавандозлар: «Бу Убайдулло майдонга тушдими, ундан улоқ олиб бўлмайди», – деркан.

Мана шу “аталиш”нинг узидаёқ момо ва унинг табиатига доир чизгиларнинг қуюқлашаётганини сезасиз. Нега, чунки момо сизир – жонивор орқали ўз набиралари келажаги, ҳаётий кечинмаси ва борлиғи борасида доимо қуюнувчи инсон. У энди ўзи учун эмас, бошқалар учун яшаётган одам... У ҳатто Худо аввал улимни “тоғларга бергани” ҳақида афсона ҳам ўйлаб топган ва шу афсонасини инсоннинг борлиғи билан боғлай ҳам олган. Яна “қузанинг қул-қулидан қурқаман деб, кечаси гуристонда уликларни тунайдиган” кимсаларни ҳам аниқ танийди. Балки, шунинг учундир одамлар уни “эркакдек момо” дея аташган.

Ёзувчи момо тасвирида яна ўзбек аёлига хос фаросат ва ҳаётга ёндашувнинг жайдари фалсафасини ҳам бера олган. Қумғонда чой дамлаётган болакайнинг онаси – қизига разм солган момо бутун ўзбек оналарининг зийраклигини ифода этувчи: “Ишқилиб, ўйинг тинчми?” суроғини беради.

Ана шундан сунг ҳикоянинг асосий воқеаси бошланади: “боқин-қоқин” ва болакай нигоҳи урнашган ажиб олов манзараси. Ушбу уринларни ёзувчи маҳорат билан тасвирлаган: “дашт осмонни” қамраб олган “бир бутун ёруғликка айланган” “бир парча зангори шуъла” ҳодисаси болакай шуурини канчалик ёритиб юборган ва ҳикояни жонлантирган бўлса, китобхон учун шунчалик сир бўлиб қолади. Фақат, ҳикоя охиридаги:

“– Тезроқ юр, – деиди онам, у ёқ-бу ёққа олазарак бўлаётганимни куриб. – Бу юришда кеч қоламиз. Қара, қуёш ҳам ботай деб қолди.

Тунроқ йулдан тез-тез одимларканман, ортга қайрилиб, момоннинг пастқамгина лоисувоқ уинга куз ташлайман. Момоннинг муъжазгина кулбаси ботаётган қуёш шуъласида кимсасиз дашт қуйнида ёниб турган бир парча оловга ухшарди” – деган тугатма гап асар давомида мажозий ишораларни очиқлагандек ва кунгил кузи билангина куриш мумкин бўлган сирлар ҳали дунёда куп эканлигини эслатаётгандек бўлади.

“Хувв Гулбаҳор! Қаерларда юрибсан болам?”.

“Бошпана” номли ҳикоя айнан шу чақириқ билан бошланган. Назаримда, ёзувчи шу хитоб орқали бутун ҳикоя чизигини белгилаб бергандек. Негаки, ҳикоя уй, оила, ота-она ва фарзандлар ҳақида. Фақат, унда сиз муаллифнинг мавзуга бир қадар ноанъанавий ёндашганини курасиз.

“Кафтдаккина ҳовли”да ким яшаяпти ва кейин ким яшайди? Ундаги эркак, аёл (момо) қаёққа кетди? “Уйни бошқатдан кутар”моқчи бўлган йигит ким эди? Уй урнидан чиққан “момо булоқ” нима бўлди?

Мана шу саволлар ҳикоя матнида илгариланган сайин қалқиб чиқаверади. Охирига қадар ҳам уларга жавоб топмайсиз. Ҳабиб Абдуназар ҳикоя қурилмасини шундай тузганки, бу саволларга жавоб излаш асар финали сари етаклаш урнига жавобини билмай қўя қолиш фикрини устун қилиб қўяди. Чунки, муаллиф аслида мазкур саволларга жавоб беришни эмас, қаҳрамон нима сабабдан момо булоқ сари келганини изоҳлашдек мақсадни қўяди.

Булар, албатта, бир уқувчи сифатида каминанинг қарашлари. Бироқ, матншуносликда (аниқроғи: матн талқинида) шундай қоида бор: “Уқмоқ учун аввал англаш, англамоқ учун эса уқимоқ лозим. Англамоқнинг қийинлиги ҳам, қоришиқлиги ҳам шу нуқтада тугун ҳосил қилади”. Ана шу англаш жараёни Ҳабиб Абдуназар ҳикоялари, жумладан “Бошпана”да китобхон тафаккур доираси учун жиддий (албатта, кимга қай даражада) синов майдонидек, гўё.

Бир қараганда оддий воқеа; бироқ, чунг бир фалсафий мушоҳадага чорловчи бу ташбеҳлар муаллиф тарафидан бекор ижод этилмаганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ҳикояда эски ҳовли, хурмо дарахти, дераза ва деворлар бир неча қайта тилга олинади. Ёзувчи маълум қадар уларни мажозий тимсол сифатида ишлатган, дейиш мумкин. Эски ҳовли – уткинчи дунё, хурмо дарахти – яшаш илинжидаги тириклик, дераза – ҳақиқатга қараш илинжи, девор – рост ва ёлғон дунё ўртасидаги тўсиқ. Яна қуёш детали ҳам борки, унинг “заррин нурларини” девор тўсади, “болаларнинг бир ховуч кулгуси” эса “жаранглаган

оппоқ товушлар ёмғирнинг марварид томчилари-дек қуёш нурларидан сирғалиб, хурмо дарахтининг ғубор босган баргларига тушади”. “Ойнинг ипақдек майин нурлари” ҳам айнан “хурмо дарахти шохларидан сирғалиб, аёлнинг тим қаро сунбул сочларига илашади”. Ёки,

“Дераза ойнасига ўрилиб қаптаётган қуёш нурлари момонинг нимжон хаёллариغا игнадек санчилади. Сунг ҳовли ичидан ўтган ариқча буйидаги кундага оҳиста ўтиради. Арикчадан оқиб келаётган осмон момонинг оёқлари остида турган тошга келганда жилдираб овоз беради...”

Мана шундай эсда коларли, ёрқин тасвирлар орқали ёзувчи ўз мажозий тимсолларини жонлантира олган, сузлатган. Ҳикоя охирида энди “Гулбаҳор” – Гулбаҳор эмас. У – “Гулбуви” ва унинг уйи урнидан “момо булоқ” чиқади. Бу ҳам ёзувчи тарафидан ўртага ташланаётган бир мажозий ишора: эски ҳовли (уткинчи дунё)нинг урнида ҳаёт бахш этгувчи булоқ.

Дунёнинг охири борми узи?! Ёзувчи шу саволни баралла айтмоқчи эмасми?! Бу ҳам бир савол.

“Похол бошмоқ” – аввалги икки ҳикоядан буткул бошқа мавзуда. Аммо шакл ва услуб жуда ўхшаш. Лекин бу ҳикоянинг динамикаси, шиддати ва ниҳоят ечими буткул узгача. Айтиш зарурки, Ҳабиб Абдуназар ушбу асарида услубига содиқ қолган ҳолда детектив асарларга хос сюжет чизиғини танлаган.

Муаллиф китобхонни тортадиган услуб ва ёндашувни топа олган. Ҳикояни бирор босиқлик билан ўқий бошлайсиз, охирига томон силжиган сари эса унинг оҳанрабоси кучаяди.

Асар қаҳрамони – Боботой узиға нисбатан уқув-чида ачиниш ҳиссини уйғотади. Унинг қилмишлари эса...

Ҳикояға ном сифатида танланган похол бошмоқ эса бош детал. Айнан улар ёрдамида Боботой уғрилиқ қилади ва из қолдирмайди. Аммо, уғрилиқнинг ҳам уғрилиғи бор-да... У айнан узи қатори турмуш кечирувчи ҳамқишлоқларининг молиға кўз тиккан. Бу ишнинг фойдаси ёқиб қолиб, қабихлиққа қайта-қайта қўл ураверади. Гарчанд унга бир неча бор огоҳлантириш тарзида ишоралар аён булса-да, нафс қўғур қоронғу қучаларига етаклайверади. У эса “бу охиргиси” дея “қадамини тезлаштираверади”... Натижада, “бир таёқ бад, бир таёқ бадбахт” уни улдиради, энг азиз булган жонидан айиради ва эл-юрт уртасида шарманда қилади. Инсон Аллоҳнинг мўъжизаси эканлигини қалб қўзи билан кура олмаган одамлар, бандаси ясаган оддийгина похол бошмоқдан хайратланади. Инсон қадри эса... Бу ҳам майли, Боботойнинг “миқтигина бола”си гудак ҳолидаёқ тенгқўрлари тарафидан “уғрисан” дея маломатга қола бошлайди.

Аслида, муаллиф жиддий ижтимоий-ҳаётий муаммони уртага ташлаган. Уғрилиқ – ёмон иллат. Унинг келиб чиқиши, тарқалиши ва яшаб қолиши эса жамиятга ҳам боғлиқ. Уғрига “бир сон” эвазига шерик, уни қилмишларини яширган нозир уришаётган болаларни орасига тушиб, “уларни яраштириб қўйганидан мамнун ҳолда бу ерни тарк” этади.

Албатта, ёзувчи бу уринда ҳакамлик қилмайди. У фақат бадий жиҳатдан маҳорат ила тас-

вирлайди ва ҳолатларни оқ-қора ранглардан бошқа бўёқларда ҳам беради. Ким қандай кўриши ва қабул қилиши эса, юқорида эслатганимиздай, матнни парча ҳолида ёки тўласича англашига боғлиқдир.

Бу борада муаллифнинг услуби ўзгача. У айрим ҳикояларини ҳатто сирли тарзда якунлайди (“Бошпана”, “Икки олам”). Яъни ҳикоя охиригича китобхонни қизиқтириб келади-да, бирдан бир сирли ҳодисага дучор қилади. Мисол учун, “Икки олам” ҳикоясидаги Гулсара момонинг тақдири мавҳум ҳолда қолдирилган. Ҳали момо ўтмасданок унинг ашёларини талашаётган нарсापарасти фарзандларнинг ҳолати қишлоқ удумлари ва халқнинг одатлари билан уйғун тарзда тасвирлаб борилар экан бирдан момо “дараги чиқмай қолади”. Кейинчалик у келинининг тушида “одимлаб бораётгани” кўринади. Ёки, баъзи ҳикояни ўқир экансиз бир персонаж чиқади-да у асарнинг умумматнига нима дахли бор, деган савол уйғотади. Бироқ, барча туркумларни ўқиб чиқилгач, ёзувчи тарафидан ҳар бир образ ва персонаж ҳикояларга бежиз киритилмаганига амин бўлинади. Масалан, “Мусоқишлоқ” туркумидаги “Жон дилбарим” ҳикоясидаги “дев”га ўхшаш бир одам қишлоқ йулида, сунг қабристонда пайдо бўлиб, йуқ бўлиб қолади. Бу умумий сюжетга бегонадек туюлади. Аслида эса у ҳикоя давомида теран ҳаёт воқеалари билан уйғунлашиб боради. Бу ерда рамз ва ишоралар тилга киради. “Дев”га ўхшаш одам ким эди? Балки, унинг қисмати ёки инсон йул сунгида юзма-юз келган изтироб – олам ҳақиқатидир... Яна бир муҳим жиҳатки, кейинги “Қамалдаги дунё”

туркумида ҳам шу образ (“дев”)га дуч келасиз ва у воқеалар ривож-ю асар ечимида муҳим урин ту-тишига амин буласиз.

Ёзувчи шу ва яна бошқа узига хос усуллар билан барча ҳикояларини бир тизимга солган. Улар ягона бадиий воқелик ва бир бутун полотно сифатида намоён була боради. Энг муҳими, бу руҳият ва темп муаллифнинг барча ҳикояларида мужассам. У ҳам булса ёзувчи тасвир этаётган объект ва образини яхши билади. Уни обдон ўрганган ва гуёки улар билан яшаган. Муаллиф уларни тафаккур ва тахаййул дунёсида тирилтира олган. Юқоридаги ва бошқа бир қанча ҳикоялардаги кўпгина персонажлар ҳақида шундай дейиш уринли бўлади. Айтайлик, “Қатл” ҳикоясидаги Қобилхон эшон образи. Дастлаб унинг аниқ кимлигини билмайсиз, лекин ҳикояни охирига борган сари унинг ички дунёсини хатти-ҳаракатлари курсатиб қўяди. Қобилхон аянчли аҳволда, қашшоқлик чегарасида яшовчи оиладан ҳам “назр-ниёз”ини ундириб кетади. Бу “атаб берилган кичкина-кичкина тугунчақлар” машина юкхонасида куп. Аммо у қалтираб турган, “тарам-тарам ажинли” кампир тугунчагини ҳам “ичида пичирлаб хонадон эгаларини ўзича дуо қилган” бўлиб олаверади ва уялмайди. Бундан ташқари, “Эшон бобо” деб улиб-тирилаётган момонинг самимияти, эътиқоди ҳам асар моҳиятига синдирилган. Аслида, ушбу ҳикоя кирган туркум “Мусоқишлоқ”нинг бошқа ҳикоялари (“Совиган куюш”)да ҳам бу образ иштирок этган ва у назр-ниёзга қарамайдиган некният, покиза Абдуллахон эшоннинг авлоди эди. У нега бундай таъмагир бўлиб қолди? Яна, савол. Ечими эса...

Ёки, “Дур” ҳикоясидаги Була персонажи. У азамаросимини ташкиллаштирувчи, гуёки унинг режиссёридай ҳаракат қилади. Ёзувчи бу кичик образни шу қадар маҳорат билан тасвирлайдики, гуё уни ҳар кун куриб юргандай таниб қоласиз. Бу эса муаллифнинг образларни узоқ кузатувлар ва ишловлар натижасидагина яратганига ишорадир. Айниқса, жони узилган ўзбек аёлининг ҳолати: ўлим олди унинг ҳаёлидан кечган ўзбекона ибонжонсиз танасида мангу муҳирланиб қолгандек:

“Онаси уи уртасига қалин тушалган курпача устида худди бамисоли фариштадек ётарди: ажинли юзлари тиниқ тортган, оёклари бир текис узатилган, кўйлагим тўрилиб қолмадимикин дегандек, боши оёқ тарафига хиёл эгилган, ёнларига туширилган қўллари этакларини тортиб-тортиб қўяётгандек бармоқлари кўйлагини чимдиган, лаблари бироз қулимсираган... осуда...”

Ҳабиб Абдуназар ҳикояларининг тили ҳам ҳикояларнинг узидек рангин. Яхши ибора ва топилмалари бор. Масалан, “Похол бошмоқ” ҳикоясида *“лайли хотиралар”* иборасини қўллайди. Бунда муҳаббат хотиралари билан бирга *“қоронғи кечалардаги ишқ кечинмалари”* маъноси ҳам бор. Ёки, шевага хос бўлган *“ангда қолди”* иборасини ишлатган. Бу *“доғда қолди”, “ғафлатга тушиб қолди”* маъноларини ташиша, *“иккита кўчқор бўрдаётган”* ибораси *“икки кўчқорни семиртириб боқаётган”* мазмунини ифода этади.

Ёхуд, “Араз” ҳикоясида ёзади: *“Юсуфнинг томирларида қон эмас қўёш нурлари оқаётгандек пешонасидан совуқ тер чиқди, вужуди қизиди”*. Ёзувчи бу уринда қаҳрамон ҳолатини ифодлашда янгича ташбеҳ топ-

ган. Яъни, инсоннинг вужуди қизиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетиши томирдаги қон қуёш нури бўлиб қолганига менгзайди. Одатда бундай қиёслаш бадиий насрда учрамас эди. Буни ёзувчининг топилмаси, дейиш уринли.

Бу каби унсурлар эса муаллиф ҳикояларидаги жонли тасвирларни янада бадиийлаштирган ва айни дамда ҳаётийлаштирган.

Бир суз билан айтганда, Ҳабиб Абдуназар ҳикоялари ҳам фалсафий, ҳам ҳаётий мушоҳадакорлиги билан янги замон ўзбек китобхонларига муносиб асарлар сифатида тақдим этишга арзигуликдир. Унинг ҳикояларида инсоннинг узини англашга, руҳий-ҳиссий олами орқали борлиққа уйғунлашиб кетишга бўлган азалий эҳтиёжи янгича ва ўзига хос талқин ҳамда услубда дилбар лиризм билан суғорилган ҳолда қуйланади.

У бир шеърда ёзган эди:

*Юрагимга чуқди бу оғир титроқ,
Недин уйлаяпман сени-да, купроқ,
– Ай, одами тупроқ...*

*Рўҳим даштларида увлайди бурон,
Ёлғиз кетиб борар саҳро ва туфон,
– Ай, одами урён.*

Айнан инсон руҳиятига эътибор, ички бир сезим билан нигоҳ ташлаш ёзувчи Ҳабиб Абдуназар ҳикояларида ҳам бош мавзулардан бўлиб қолганини куриш мумкин.

Мазкур – бадиий жиҳатдан етилган, бадиият қонун-қоидаларидан чиқмаган ҳолда уз бадииятини

кўрсата олган асарларнинг яна бошқа жиҳатлари
эса китобхон мутолаасига ҳавола. Биз эса муаллиф-
дан янги образлар ва ранго-ранг воқеликларни тақ-
дим эта олувчи яна янги яратмалар кутиб қоламиз.

ОТАБЕК ЖУРАБОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Тошкент ш.,
20.12.2019 й.

МУНДАРИЖА

Тармита гавҳари. Қисса

Момобулоқ. Ҳикоялар

Даштдаги олов.....	81
Бошпана.....	88
Икки олам	96

Мусоқишлоқ. Ҳикоялар

Қатл.....	105
Совиган қуёш.....	113
Жон дилбарим.....	121

Қамалдаги дунё. Ҳикоялар

Ҳужра.....	131
Дур.....	145
Араз.....	151

Рух одами. Ҳикоялар

Тиконли йул.....	159
Бодомзор.....	164
Сувэғиз.....	176

Табу. Ҳикоялар

Табу.....	185
Поҳол бошмоқ.....	189
Тутқунлик.....	199

Сирли мактублар. Драмалар

Гадо.....	207
Тақводор.....	208
Сирли мактублар.....	209

Янги давр – янги адабиёт. Адабий таҳлил

Тафаккур ва тахаййулнинг бадий ёлқинлари (Отабек Журабоев).....	214
--	-----

Адабии-бадийи нашр

Ҳабиб Абдуназар

ДАШТДАГИ ОЛОВ

Кисса, ҳикоя ва драбёллар

Мухаррир Санжар Турсунов

Бадийи муҳаррир Оловиддин Собир угли

Техник муҳаррир Татьяна Харитонова

Мусахҳих Шохрух Жаҳонов

Компьютерда саҳифаловчи Сурайё Раҳмедова

Нашриёт лицензияси рақами АИ № 290. 04.11.2016
2020 йил 29 июнда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{16}$ Palatino Lintype гарнитураси.
Офсет босма. 12,18 шартли босма табоқ. 9,86 нашр табоғи.
Адади 3000 нусха. 140 - рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кучаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz

20.200e

(A. J.
T.)

Ҳабиб АБДУНАЗАР

ДАШТДАГИ
ОЛОВ



16+



ISBN 978-9943-6449-6-6



9 789943 644960